

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Наманган Давлат университети**

**Педагогика – психология кафедраси**

## ***СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯ***

**Муаллифлар: психология фанлари номзоди, доцент**  
**М.А.Махсудова, катта ўқитувчилар З.Қурбанова,**  
**Ё.Жуманазаров ва бошқалар**

**Наманган - 2007 йил**

## АННОТАЦИЯ

Сиёсий психология ҳозирги ривожланаётган, ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда жадал суръатлар билан ривожланаётган психологиянинг тармоқларидан биридир. Мазкур муаммоли маъруза матни кенг жамоатчиликка, шунингдек, бакалавр, магистр мутахассисларни тайёрлаш мақсадида тузилди. Маърузалар матнида мавзулар бўйича таянч тушунчалар, назорат саволлари ва адабиётлар рўйхати берилган

## **1-МАВЗУ: СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ.**

### **Режа:**

1. Сиёсий психологиянинг фан сифатида вужудга келиши.
2. Сиёсий психологиянинг ҳозирги аҳволи.
3. Сиёсий психологиядаги илмий назариялар
4. Психологик-сиёсий таҳлилнинг асосий тушунчалари.

### **Таянч тушунчалар:**

**Сиёсий психология** – жамият сиёсий ҳаётига хос бўлган психологик жиҳатларни ўрганувчи психология фанининг тармоғи.

**Сиёсий психолог** - сиёсий тузилма аъзоларига психологик маслаҳатлар бериш, сиёсий дастурлар ишлаб чиқишда иштирок этадиган мутахассис.

**Ижтимоийлашув** – инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт фаолияти давомида фаол ўзлаштириш жараёнидир.

**Акмеология** – шахснинг ўзидаги энг кучли қобилиятларини намоён қиладиган даврни ўрганадиган илму фан тармоғи.

### **1. Сиёсий психологиянинг фан сифатида вужудга келиши**

Маълумки, Республикамиз Президентининг Олий Мажлис 2-чақирик 1-сессиясида қилган “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” номли маърузасида мамлакатимиз ҳаёти, келажаги учун улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган стратегик режалар белгилаб берилган. Жумладан, мазкур маърузада сиёсий маданият ва уни юксалтириш билан боғлиқ бўлган асосий бош вазифалар ҳам белгилаб берилди ва сиёсий маданият омилини ҳар томонлама ривожлантиришдан кўзланган янги стратегик мақсадлар илмий жиҳатдан янада аниқроқ асосланди. Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқида “одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарурлигини ” ҳақида фикр билдирган.

Шунингдек, Президентимиз “Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин” номли асарида “миллий сиёсий маданият, ўзликимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун кўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олишини” ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган.

Сиёсатшунослик фанида сиёсий психология келажаги порлоқ соҳа сифатида XX аср ўрталарида эътироф этилган бўлса ҳам у расман орадан бир неча ўн йилликлар ўтгач тан олина бошланди. Сиёсий психология турли сиёсий тузумларда ўзига хос тарзда пайдо бўлган ва ривожланган.

### **? Сиёсий психология қандай фан?**

Ҳозирга қадар сиёсий психологиянинг Афлотун давридан шу бугунги кунгача бўлган тарихи ёзилмаган. Бироқ, унинг тарихи – Арасту, Сенек, Макеиавелли, Руссо Тоббс, Симит, Гегель каби мутафаккирлар номи боғлиқ. Ўз даврида бу мутафаккирлар бошқа назарий қарашларга, яъни психологияга алоқаси бўлмаган ёндашувга асосланишган.

Ҳатто Гоббс ва Руссо даврида ҳам психология фани ҳозирги ҳолатда талқин этилмаган эди. XIX асрнинг иккинчи ярмидагина пайдо бўлган назарияларни ҳозирги замон сиёсий психологиясининг бевосита ўтмишдошлари деб аташ мумкин.

Тарихчи ва файласуфлар, социолог ва сиёсатшунослар сиёсатдаги янги ҳодисага эътибор бера бошладилар. Унда раҳнамолар, қироллар, президентлар ва сиёсат оламининг вакиллари билан бир қаторда халқ оммасининг ҳам ўрни борлиги маълум бўлди. Бу мавзуга биринчилардан бўлиб француз Г.Лебон ўзининг “Халқлар ва омма психологияси”, “Оломон психологияси”, “Социализм психологияси” асарлари орқали эътиборни қаратган бўлса, кейинчалик итальян С.Сигелнинг “Жиноятчи оломон” асари пайдо бўлди. Г.Лебон оммада шахснинг индивидуаллиги, кучи ва барқарорлигини йўқотувчи хавф мавжуд деб баҳолайди. Омманинг турлари

ичида айниқса оломонга алоҳида таъриф бериб унга хос тажовузкорлик, жазава, масъулиятсизлик каби хусусиятларни таъкидлаб ўтган.

Замонавий тадқиқотчилар эса оммавий хулқ-атвор нафақат салбий характерга, балки ижобий жиҳатларга ҳам эгаллигини уқтирмақдалар.

Сиёсий психология тараққиётига психоанализ ғояси тарафдори Г.Лассуэлнинг “Психопатология ва сиёсат”, асари ҳам катта ҳисса қўшган.

XX аср бошларида эълон қилинган П.И.Ковалевскийнинг “Тарихдан психиатрик этюдлар” китобида кўплаб машҳур сиёсий арбоблар шох Давиддан Петр 1 гача, Суворовдан Жамна Д.Аркача ва Наполеоннинг психологик портрети тавсифлаб берилган. А.А.Бодалев ўзининг “Қандай қилиб машҳур ва буюк бўлиш мумкин” деб номланган китобида кўплаб машҳур кишиларнинг сиёсат майдонига кириб келиш тарихи ҳақида фикр юритади.

## **2. Сиёсий психологиянинг ҳозирги аҳволи**

XX асрнинг 60-йилларида АҚШда сиёсат психологиясига оид дастлабки назарий-фундаментал тадқиқотлар олиб борила бошланди. Ўша пайтда Америка Психиатрия ассоциацияси қошида халқаро сиёсат билан шуғулланадиган алоҳида гуруҳ ташкил этилди, кейинчалик ундан кейинчалик 1970 йилда психиатрия ва ташқи сиёсат институти ташкил топди. 1979 йилда эса сиёсий психологлар жамияти тузилди. Ҳозирда унинг 1000 дан ортиқ аъзолари мавжуд.

Мустақил фан сифатида сиёсат психологияси АҚШ ва Канаданинг кўплаб университетларда ўқитила бошланди. 90-йилларда 78 университетда 100 дан ортиқ сиёсий психология курслари ўқитилиб, маъруза ва семинар машғулотларини 2300 дан ортиқ талабалар тинглашди. Бу курс нафақат сиёсатшунос-талабалар учун, балки психологлар учун ҳам олиб борилди.

Россияда сиёсий психология тараққиёти 60-йилларда ўзининг биринчи босқичини бошлади. Бу даврда Б.Ф.Поршнева, Ю.Н.Давидов, В.Д.Паригин, Ю.Ф.Замошкин каби социологлар, тарихчилар, психологларнинг илмий

тадқиқот ишлари эълон қилинди. Иккинчи босқич 70-80 йилларга тўғри келиб, унда Б.Ерасов, Б.Старостин, М.Пишков, Б.Мирский каби олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилди.

Учинчи босқичда яъни 90-йилларда сиёсатнинг ўзи сиёсий психологиянинг ривожланиши учун жуда катта туртки берди. Сиёсий психологларга сиёсий хулқ-атвор, ҳокимият образларини идрок қилиш, етакчилик (йўлбошчилик), кўппартиявийлик, сиёсий ижтимоийлашув каби муаммоларни тадқиқ этиш учун буюртмалар берилди бошланди. Айниқса сайловлар даврида улар амалий, таҳлилий ва маслаҳат ишларини кенг авж олдирдилар. Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида сиёсий психология билан шуғулланадиган махсус илмий бўлинмалар ташкил этилди. Дастлабки ўқув қўлланмалари нашр эттирилди. 1993 йилда Россия сиёсий психологлари ассоциацияси тузилди.

Яқин-яқинларгача жуда кўплаб олимлар сиёсий психологиянинг мустақил фан бўлишига шубҳа билан қарашган, сиёсий муаммоларни таҳлил қилишда психологияни “кутилмаган, ёқимсиз” феномен сифатида қабул қилишган. Психологлар эса янги фаннинг предметини аниқлашда жуда кўп қийинчиликларга дуч келишган.

Сиёсий психологиянинг предметини аниқлаш борасидаги баҳс-мунозарадаги муҳим хусусиятлар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, сиёсий жараённинг психологик таркибий қисмини нима ташкил этиши керак?

Иккинчидан, сиёсий хулқ-атвор, сиёсий тафаккур, сиёсий маданиятни ўрганадиган мутахассислар тадқиқот воситаси сифатида сиёсий ва психологик статистика ва социологик методологиядан фойдаланишган, сиёсий психологик махсус методологик асосга эга бўлмаган.

Учинчидан, сиёсий – психологик муаммо нафақат бу фаннинг ичида, балки этнография, ўлкашунослик, иқтисод, тарих, социология ва бошқа фанларга алоқадор ишларда ҳам ривожлана бошлади. Сўнгги йилларда фанлараро ораликдаги муаммоларга бағишланган кўплаб нашрлар пайдо

бўлади. Уларда шахснинг сиёсатда ривожланиш қонуниятлари, сиёсий маданиятнинг мамлакат тақдирига таъсири, шаклланган тарихий менталитет (ақл-идрок)нинг миллат тараққиётига таъсири муаммолари акс эттирилган.

### **3. Сиёсий психологиядаги илмий назариялар**

Сиёсий психологиянинг предмети таркибига кирган феноменларини аниқлаш масаласи ҳам мунозаралидир. Масалан, Г.Г.Дели генскийнинг фикрича сиёсий психология макросиёсий жараёнларни эмас, балки сиёсатчилар психологиясини ўрганиши керак.

М. Херманн, Ж.Кнутсон, Х.Юлау каби сиёсий психологлар фикрича, сиёсий психологиянинг вазифаси сиёсат субъектлари шахсининг хулқ-атвор ва когнитив (билиш) соҳа билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш, унинг қонуниятлари, механизмлари, шарт-шароитлари, омилларини тадқиқ этишдан иборат.

### **4. Психологик-сиёсий таҳлилнинг асосий тушунчалари.**

Ҳар қандай фан каби сиёсий психологиянинг ҳам илмий тушунчалари мавжуд. Тадқиқотлар тармоқлараро табиатга эга бўлганлиги сабабли унда фалсафа, антропология, социология, психология ва сиёсатшуносликка оид тушунчалардан фойдаланилади.

Сиёсий фалсафа шахс ва давлатнинг муносабати фуқаронинг сиёсатга бўйсунуши муаммосини ўрганишидаги назарий тушунчалари билан сиёсий психологиянинг ривожланишига ҳисса қўшган.

Сиёсатшунослик мазкур соҳани сиёсий тизим, сиёсий иштирок, можаро, плюрализм, демократия, гегемония каби тушунчалар билан таъминлади.

Социология ва ижтимоий психология сиёсий психологияга методик усуллар, тадқиқот методологиясини берди. Роллар, меъёрлар, қадрият, қизиқиш, етакчилик, конформлилик, ижтимоийлашув, сиёсий

ижтимоийлашув, каби тушунчалар сиёсий психологияда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

### **? Ижтимоийлашув нима?**

Ижтимоийлашув - (социализация) индивиднинг аждодлар тажрибасини ўзлаштириш орқали жамиятга қўшилиш жараёни.

Ресоциализация – шахснинг болаликда, ўсмирликда ўрганган хусусиятларини қайта ўзлаштириши.

Сиёсий ижтимоийлашув қонунларни ўзлаштириш, ижтимоий қўникмаларни аста-секин ўзлаштириб бориш, ўз ҳуқуқларини англаш, инсонлар ва турли ижтимоий институтлар ўртасидаги муносабатларни тушунтиришдан иборат жараёндир.

Ижтимоийлашувнинг сиёсий омиллари-давлат тизими типи ва табиатини ифодаловчи сабаблар, сиёсий тартиб, институтлар, партиялар ва тузилмалар тизими.

Сиёсий психология учун бевосита психология фани томонидан олинган тадқиқот натижалари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир: жумладан шахс психологияси – ҳулқ-атвор мотивацияси, фикрлаш услуби, қарор қабул қилиш услуби, шахслараро муносабатлар услуби каби тушунчалар билан сиёсий психологияни бойитди.

Ўз навбатида сиёсий психология социология билан узвий боғлиқ. Сиёсий социология сиёсатнинг ижтимоий асослари, оммавий онг хусусияти, жамиятдаги кадрятлари, аҳолининг сиёсий аҳамиятга эга объектларга муносабатига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий, демографик, ижтимоий-касбий омилларни ўрганади.

Юқоридаги фикр мулоҳазаларга асосланиб сиёсий психологияни илмий-амалий интегратив тармоқ деб аташ мумкин.

**? Сиёсий психологиянинг у учун “ота-она” вазифасини ўтаган психология фанига муносабати қандай? У психология фанининг мустақил тармоғи бўла оладими?**



К.К.Платонов психология тармоқларини ажратишнинг учта мезонини кўрсатиб ўтган: булар олинган хулосаларнинг ижтимоий аҳамияти, ўрганилаётган психологик ҳодисаларнинг намоён бўлиш шарти ва хусусиятларнинг махсуслиги, тўпланган маълумотларнинг етарли эканлиги. К.К. Платонов сиёсий психологияни ижтимоий психологиянинг таркибий қисми деб қарайди. Ўз навбатида унинг мустақил фан бўлиши нисбий табиатга эга. Инсоннинг сиёсатга муносабати муаммосини шахс психологиясининг лидерлик, мотивация, “мен” - концепцияси, сиёсатчининг профессионализми каби тушунчаларсиз изоҳлаб бўлмайди. Агар сиёсий психологияни ижтимоий психологиянинг бир тармоғи деб қаралса, у ҳолда сиёсий жараёнларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари унинг предметини ташкил этади.

Энг кенг тарқалган фикрларга кўра, сиёсий психология инсон сиёсий ҳулқ атворининг психологик томонларини ўрганади. Машҳур америкалик олим М.Дойчнинг фикрича, сиёсий психологиянинг майдони сиёсий ва психологик жараёнларнинг ўзаро таъсирини ўрганишдир. Кўпгина олимлар ўзаро таъсирнинг икки жиҳатини очишни таклиф этишди: шахс ва гуруҳ психологик хусусиятларининг сиёсий муносабатларга таъсири, сиёсатнинг фуқаро психологик сифатларининг шаклланишига таъсири.

А.И.Донцовнинг фикрича, сиёсий психология-“Ижтимоий субъектларининг сиёсий фаоллиги” ҳақидаги, А.П.Назаретян фикрича эса сиёсий фаоллик мотивациясини ўрганувчи фандир. А.И.Юрьев сиёсий психологиянинг объектига фақат сиёсат соҳасида намоён бўладиган психологик хусусиятларга эга бўлган “Ҳукмронлик қилувчи одамлар”ни киритади. “Сиёсатдаги одам”-нафақат сиёсий психологиянинг балки бошқа оралиқ соҳаларининг ҳам ўрганиш объектидир.

Бахс-мунозара нафақат сиёсий психологиянинг предмети ва объекти хусусида, балки унинг номланиши хусусида ҳам мавжуддир. Баъзи омиллар ва амалиётчилар “сиёсий психология” билан “сиёсат психологияси”ни синоним деб ҳисоблашади. Д.В.Ольшанский бу икки тушунчани таҳлил

қилиб, сиёсий психика мавжуд эмас экан, сиёсий психология уни психологиялаштиришга олиб боради. “Сиёсат психологияси” эса мазкур тармоқ предметини очиб бериш учун зарур тушунча деб таъкидлайди.

Шундай қилиб, сиёсий психология ўзининг предметига, объектига эга бўлган психология фанининг тармоғидир.

### ***Назорат саволлари:***

1. Сиёсий психологиянинг тарихи қайси даврдан бошланади?
2. Сиёсий психология қачондан бошлаб мустақил соҳа сифатида ривожлана бошлаган?
3. Нима учун сиёсий психологиянинг предмети бахс-мунозарали ҳисобланади?
4. Сиёсий психология қайси фанлар билан боғлиқ?
5. Сиёсий психология ва сиёсат психологияси ўртасида қандай фарқ ва умумийлик мавжуд?

## **2-МАВЗУ: СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ.**

### **Режа:**

1. Сиёсий психологиянинг назарий методологик асослари.
2. Сиёсий психологик тадқиқот методлари.
3. Сиёсат, психология ва ахлоқ.
4. Инсон сиёсий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

### **Таянч тушунчалар:**

**Бихевиоризм** – XX аср бошларида пайдо бўлган, психологиянинг предмети хулқ-атвор бўлиши керак, деб тушунтирувчи оқим.

**Фрейдизм** (психоанализ)- XX асрда пайдо бўлган, З.Фрейд асос солган психология йўналиши.

**Метод** –борлиқни билиш усули.

**Ахлоқ** - шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ қоидалари.

**Сиёсий жараён** - жамиятдаги ривожланиш хусусиятлари.

**Вайленсология** – биополитиканинг инсондаги тажовузкорликни ўрганадиган бўлими

## **1. Сиёсий психологиянинг назарий методологик асослари**

### **? Сиёсий психологиянинг шаклланишига нималар таъсир этган?**

Сиёсий психологиянинг назарий-методологик ва амалий асосларининг шаклланишига жамиятшунослик фанлари соҳасига кирадиган –тарих, фалсафа, социология, сиёсатшунослик (политология), психология фанларида ишлаб чиқилган ғоялар, илмий мулоҳаза ва хулосалар жуда катта таъсир кўрсатган.

Бунда энг аввало тарихий мазмундаги ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларда машҳур шахсларнинг тарихий-сиёсий жараёндаги хулқ- атвори ўрни таҳлил қилиб берилган. Сўнгра Платон, Аристотель, Макиавелли, Гоббс, Кант, Гегел ва бошқаларнинг сиёсий-фалсафий асарлари таъсир кўрсатган.

Шу билан бирга социология ва психологиядаги Н.А.Бердяев, А.А.Бодалев, М.Вебер, М.М.Ковалевский, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Г.Тард, Э.Фромм, З.Фрейд ва бошқаларнинг етакчилиқнинг психологик тавсифи, сиёсий фаоллик ҳақидаги ишлари алоҳида ўрин тутди.

Сиёсий психологиянинг назарий методологик тамойилларини яратишда С.Л.Рубинштейн ва А.Н. Леонтьев томонидан ишлаб чиқарилган фаолиятли ёндошув, С.А.Климовнинг “Касблар дунёси” ҳақидаги қараши, А.А.Бодалев ва А.А.Деркачнинг субъектнинг касбий маҳоратга эришишдаги ижобий ва салбий таъсир этувчи субъектив омилларнинг роли ҳақидаги мулоҳазаларни, мулоқот ва ижтимоий идрок ҳақидаги А.Г.М.Андреева, А.А.Бодалев қарашлари муҳим аҳамият касб этган.

Замонавий сиёсий психология учун XX – асрнинг 60-80- йилларида яратилган сиёсатнинг роли назарияси ниҳоятда долзарбдир. Бу назариянинг асосий тушунчаси роллардир. Психологиядаги “роль” шахснинг жамиятдаги эгаллаб турган мавқеи тақозо этадиган ҳатта-ҳаракатлар йиғиндисидан иборат.

Сиёсий психологиядаги когнитив йўналиш энг аввало сиёсий тафаккурни тадқиқ этади. Асосий эътибор сиёсий онгнинг шаклланиш жараёнига қаратилади. Гуманистик психология намоёндалари фикрича, сиёсатни таҳлил қилишда шахснинг хиссий - мотивацион сиҳасини ҳисобга олиш керак. Айниқса А.Маслоунинг эҳтиёжлар иерархияси ва К.Роджерснинг йўналтирилмаган психотерапия ҳақидаги мулоҳазалари муҳим ўрин тутди. Америкалик сиёсий психолог С.Реншон демократия моҳиятини тушунтиришда А.Маслоунинг эҳтиёжлар иерархиясидан усталик билан фойдаланди.

Сиёсий психология билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда янги психологик йўналиш акмеологиядаги маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Акмеология – илм- фаннинг шундай янги тармоғики, у инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомилли ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидаги энг кучли қобилиятларни намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганади. Яъни у шахснинг такомилли жараёни ана шу тараққиёт ва юксалишнинг объектив ҳамда субъектив омиллари доирасида тадқиқ этади. “Акмеология” тушунчасини биринчи марта фанга рус олими Н.А.Рибников томонидан 1928 йилда киритилган бўлиб, унинг ўзи бу фан предметини етук инсонларнинг шаклланиши жараёнидир деб таърифлаган эди. Лекин том маънода жиддий фан сифатида унинг шаклланишига яна бир рус психологи Б.Г.Ананьев ва унинг издошлари бўлган петербурглик олимлар алоҳида улуш қўшишган. Уларнинг таъкидлашича, акмеологиянинг предмети-одамнинг ижодий салоҳияти бўлиб, бу инсон томонидан ўзига иноят этилган барча имкониятлар ва иқтидорларини қандай қилиб, қандай

шарт-шароитда, қайси қонуниятлар таъсирида рўёбга чиқаришни комплекс тарзда ўрганеди.

### **? Акмеология қандай фан?**

Акмеология фанининг асосий вазифаси онгли фаолият субъекти бўлмиш шахсни турли фаолият жараёнларида, хусусан танланган-касбқори, ихтисослиги доирасида ўз ижодий салоҳиятини тўла очиш ва амалда намойиш этишга боғлиқ бўлган билимлар, амалий кўникмалар, малакалар, технологиялар билан таъминлаш, таништиришдир. В.Зазўкин ва А.Чернишовларнинг ёзишича “Моҳиятан бу етук, баркамол инсонларнинг ривожланиши тўғрисидаги фандир”. Шунинг учун ҳам бу фан бугун биз учун жуда муҳим ва унинг имкониятлари деярли очилмаган

### **2. Сиёсий психологик тадқиқот методлари.**

Сиёсий психологияда унинг предмети моҳиятини очиб бериш учун кўплаб методлардан фойдаланилади. Оммавий, сиёсий хулқ-атвор феноменини ўрганиш учун: статистик маълумотларни таҳлил қилиш, оммавий сўровномалар ўтказиш ва уларнинг математик таҳлил қилиш, интервью ўтказиш методлари ҳам қўлланилади.

Сиёсий психологияда жуда кўплаб махсус методикалар пайдо бўлмоқда. Сиёсий тафаккур ва сиёсий онгни ўрганиш мақсадида ижтимоий психологиянинг контент-анализ методидан ҳам кенг фойдаланилади. Контент - анализ методи – турли ахборот манбалари ва тестларнинг маъносини таҳлил қилишдан иборат.

Шу билан бирга сиёсий психологияда психологик тестлар: Г.Айзенк, Ю.Кеттел, ММРІ тестларидан, масофали таҳлил, сиёсатчи шахсини ўрганишда экспертлар баҳоси методикаларидан фойдаланилади.

Тажриба методи ва унинг лаборатория ҳамда табиий шаклидаги кўринишидан шахснинг сиёсатдаги ўрнини аниқлаш мақсадида фойдаланиб келинмоқда.

Сиёсий психологияда тадқиқотчилик табиатига эга бўлган методлардан ташқари ривожлантирувчи–коррекцион таъсир этиш, маслаҳат бериш методлари тўплами ҳам кенг ўрин тутди. Улар биргаликда сиёсий психологиянинг тадқиқий-ривожлантирувчи психотехнологиясини ташкил этади. Сиёсий маслаҳат жараёни сиёсий арбоб шахсини диагностика қилиш, унинг имиджини тузатиш, кенг жамоатчилик билан ўзаро муносабатлардаги услубини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бунинг учун тренинг, иш ўйинларидан фойдаланиш мумкин.

Сиёсий психология–умумий психология, ижтимоий психология, тарихий психология, этнопсихология, иқтисод психологияси, политология (сиёсатшунослик), сиёсий иқтисод, сиёсий социология ва бошқа фанлар билан яхлит тадқиқотчилик майдонига эга. Унинг ўзига хос предметини аниқлаш учун “Сиёсат”, “Сиёсий фаоллик”, “Сиёсий муносабатлар” тушунчаларини таҳлил қилиш керак. Баъзи муаллифлар сиёсат тушунчасини таҳлил қилишда унинг бошқарувчилик вазифасига урғу бериб, уни жамиятни бошқариш санъати деб баҳолайдилар. Бошқалари ҳокимият муносабатлари билан боғлаб, ҳукмронликка куч ишлатиш орқали эришиш деб кўрсатишади. Учинчилари эса сиёсатни ҳуқуқ билан боғлайди.

Л.Н.Гозман, Е.Б.Шестопал томонидан сиёсат бир неча аспектларда кўриб чиқилган. Энг аввало сиёсат тизим сифатида яъни давлат институтлари тизими сифатида қаралади. Ҳақиқатан ҳам, сиёсат таркибига турли сиёсий институтлар тизими сифатида президент ва парламент, армия ва хавфсизлик хизмати, ички ва ташқи ишлар вазирлиги, молия ва ижтимоий таъминот ҳамда бошқа соҳалар киради. Ҳокимиятни бошқаришда қонун чиқарувчи, ижро этувчи, судлов ҳокимияти мавжуд бўлиб, ҳозирда унга тўртинчи ҳокимият сифатида оммавий ахборот воситалари ҳам киритилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси жамият ҳаётини акс эттиришдан иборат.

### **? Сиёсий тизимнинг таркибий қисмини нима ташкил этади?**

Сиёсий тизимнинг энг муҳим таркибий қисмини – сиёсий ташкилотлар, партиялар, жамоатчилик тизимлари ва ҳаракатлари ташкил этади.

Сиёсатнинг яна бир хусусияти сиёсий институтларининг фаолият кўрсатиш динамикасини акс эттиришдан иборат. Сиёсий жараён–сиёсий институтлар, сиёсат субъектлари, сиёсий кадриятлар, сиёсий алоқа ва муносабатларнинг генезиси (ривожланиш)дир. “Сиёсий жараён” тушунчасини сиёсий муносабатлар ва ҳодисаларнинг ички боғлиқликка эга занжири сиёсат субъектларининг ҳокмиятга қаратилган фаолиятининг ўзаро муносабати бирлиги деб таърифлаш мақсадга мувофиқ.

Сиёсий жараён ҳокимиятни фаолиятда, ўзгаришда ўрганади. Шу туфайли сиёсий жараён мавжудлигининг уч таркиби–турғунлик, ривожланиш, инқироз тартиблари ажратилади. Л.В.Гозман ва Е.Б.Шестопал томонидан кўрсатилган тавсифга кўра, – сиёсат бу сиёсий ўйинлар қондаси тизимидан иборат. Ҳар қандай тизим каби сиёсат ҳам маълум қонунларга бўйсунди. Бу қонун ёзилган (меъёрлар, ҳуқуқлар) ва ёзилмаган (анъаналар, одатлар, хулқ-атвор қоидалари) бўлиши мумкин. Лекин қонун ва қоидаларга тўла риоя қилиб бўлмайди. Шароит тақозоси билан уларни ўзгартириш янгилаш зарурияти вужудга келади.

Сиёсатнинг тўртинчи томони, у кадриятлар, фикрлар, қарашлар ва йўл-йўриқлар йиғиндисидан иборат. Ҳар бир шахсда сиёсатни тушуниш ва баҳолашнинг ўзига хос услуби мавжуд.

### **3. Сиёсат, психология ва ахлоқ.**

Сиёсат инсон фаолиятининг бир тури эканлиги, унинг бешинчи томонини ташкил этади. Бундай фикр инсонлар сиёсатни яратади деган ақидага асосланиб олинган. Ўз навбатида инсонлар хулқ-атвори сиёсат фанининг ўрганиш объекти ҳисобланади.

XX аср бошларида немис психологи Э.Шпрангер инсонлар типини ажратганда – алоҳида сиёсий тип ҳақида фикр юритади. Ҳозирда барча шахслар - профессионал сиёсатчилардан тортиб – оддий фуқарогача сиёсий жараёнга жалб қилинган. Сиёсат билан шуғулланиш инсоннинг табиий инстинктидир. Ўз даврида Аристотель ҳам одамни – “сиёсий ҳайвон” –

“Zoon politikon” деб атаган. Дарҳақиқат, инсон психологиясида ҳукмронлик қилиш ва бўйсунуш билан боғлиқ эҳтиёжлар тизими мавжуд.

Сиёсий психологияда сиёсат турли катта гуруҳлардаги-этнослар, миллатлар, қатламлар, синфлар, ташкилотлар, давлат тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар йиғиндисидан иборат.

### **? Сиёсий фаоллик нима?**

Сиёсий фаоллик ўз ичига етакчиларга хос индивидуал хусусиятлардан тортиб жамият ҳаётини давлат томонидан бошқаришгача бўлган феноменларни олади.

Инсонни сиёсий тизимнинг таркибий қисми сифатида қабул қиладиган қарашлардаги энг биринчи сиёсий қўллаб-қувватлаш назарияси бўлиб, унинг асосчиси америкалик политологлар Д.Истон ва Дж.Деннинглардир. Улар эътиборни энг аввало илгари сиёсатда иштирок этмаган аҳолини сиёсий жараёнга жалб этиш масаласига қаратишади.

## **4. Инсон сиёсий тизимнинг таркибий қисми сифатида**

Ҳозирги замон сиёсий психологиясида ўрганиладиган яна бир муаммо сиёсатдаги тажовуз ва зўравонлик билан боғлиқ. Шу асосда билишнинг янги тармоғи – биополитика ва вайленсология вужудга келди. Биополитика – сиёсий психологиянинг бўлими ҳисобланиб, у альтруизм, зўравонлик, тажовуз, ҳимоя реакциялари каби ҳолатларни ўрганади.

Вайленсология (инглизча-violence-зўрлик) инсоннинг тажовузкор табиатини умумий ҳолда ўрганади.

Тажовузкорлик ва зўравонлик моҳиятини тушунтиришдаги қарашлар ранг-барангдир. Сиёсий жараёнда эса унинг бир неча шакллари намоён бўлади. Ҳуқуқий меъёрларга риоя қилмайдиган кишилар учун жорий этиладиган назорат шаклидаги – давлат томонидан ўрнатилган тартиб ҳам унинг бир кўринишидир.

Сиёсий жараён бир текис кечмаслиги табиий. Унда айрим зиддиятлар, тўқнашувлар ва можоролар рўй беради. Сиёсатчи, файласуф,



социологларнинг фикрича, зиддиятли ҳолатнинг субъектив хусусиятга эга эканлиги – унинг бош сабабчиси ҳам аллақандай объект сабабларини рўқач қилиб, аслида ўз сиёсий мақсадларини қўлга киритиш билан боғлиқ режаларни олдинга сурувчи шахслар, гуруҳлар эканлиги тўғрисида фикрлари айнан ҳақиқатни акс эттиради.

Сиёсат борасидаги психологик масалаларга аралашувнинг зарурати ҳар доим бўлмасада, айрим пайтларда йирик ислоҳотлар бошланиш арафасида, сайлов олди компанияларида, янги сиёсий лидерларнинг халқ томонидан қабул қилиниш жараёнлари, ижтимоий установакаларни ўзгариши, сиёсий арбоблар имиджини омма онгига сингдириш пайтларда психологик таъсир воситаларидан ўринли фойдаланиш, маслаҳатлар бериш ва айрим гуруҳлар эътиқодига таъсир этишда керак бўлади.

Ўзбекистон шароитида сиёсий психологиянинг ўзи жуда заиф ривожланган тармоқ бўлгани сабабли уни ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ривожлантириш давр талабларидан биридир.

#### ***Назорат саволлари:***

1. Сиёсий психологиянинг назарий-методик асосини нима ташкил этади?
2. Сиёсий психологияда қандай психологик тадқиқот методларидан фойдаланилади?
3. Сиёсат ва ахлоқ ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
4. Сиёсий тизимда шахснинг ўрни нимадан иборат?

### **3-МАВЗУ:ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ СИЁСИЙ ФЕНОМЕНЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ**

#### **Режа:**

1. Сиёсий идеаллар.
2. Сиёсий маданият сиёсий онг, ақл-идрок ва хулқ -атвор йиғиндиси сифатида.
3. Онг ва сиёсий тузум.

### **Таянч тушунчалар.**

**Сиёсий идеаллар**- сиёсий қараш, сиёсий ҳис-туйғу билан биргаликда сиёсий субъектнинг сиёсий онгида, унинг сиёсий фаолиятида ва маданиятида ифодаланадиган хусусиятлар.

**Сиёсий идрок**- жамиятдаги сиёсий ҳодиса ва жараёнларни яхлит тушунишни баҳолаш.

### **Сиёсий идеаллар (тимсоллар)**

Сиёсий тимсоллар тузум ривожланишида асосий фактор эканлигидан ташқари, нафақат сиёсий онгни ривожланишида, балки шахснинг ва умуман жамиятнинг дунёқараш ва кадриятларини ўрнатишида катта аҳамият касб этади. Сиёсий тимсоллар сиёсий қараш, кайфият ва ҳис-туйғу билан биргаликда сиёсий субъектнинг сиёсий онгида жойлашади ва унинг сиёсий иши ва маданиятида ифодаланади. Сиёсий тимсоллар жамият ривожланишидаги анъаналар акси, яъни тарихий ечимни кутаётган масалалардан одамларни бирлаштирувчи, фаолликка чорловчи омил бўлиб ҳисобланади. Сиёсий идеаллар жамиятни динамик ривожлантиришда доимо ўзгариб, сиёсий онгни ривожлантириш салоҳиятини кўрсатиб беради. Янги тимсолларни пайдо бўлиши инсонларнинг ривожланиб бораётган жамиятда янада мураккаб ечимларни топаётганлигини, рационал ва эмоционал даражасини ортиб бораётганлигини билдиради. Шунинг учун сиёсий тимсолларнинг ҳокимият ўрнатилишидаги идеал форма ҳисобланган давлатлар мисолида кўриш мақсадига мувофиқ бўлади.

### **? Сиёсий идеал ва шахснинг умумий идеали айнан бир нарсами?**

Сиёсий тимсолларнинг ўрганиш муаммоси антик фалсафада ҳам асосий ўрин тутган. Шу ўринда Геракли Эфеский (эрамиздан олдинги 544-483 йиллар) дан мисол келтирамиз. У давлат бошқарувида шундай қонун бўлмиш керакки, одамлар бу қонунга тоғга суянгандай суяниб яшашлари лозим деб

ҳисобланган. Ягона донишмандлик, унинг фикрича, шундай билимга эга бўлиш керакки, бу билим барчани ва доимо бошқара олсин.

Европа анъаналарида Платондан бошлаб (эрамиздан аввал 437-347 йил яшаган) идеал давлат тасаввурига эга бўлганлар. Идеал давлат концепциясида сиёсий ҳокимият бошқарувида сиёсий тимсол жамият тизимининг нормаси, жамият ривожанишининг йўналишини белгилов сифатида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Давлат, Платоннинг фикрича, инсонларда пайдо бўлаётган эҳтиёжлар ва жамиятда меҳнатнинг бўлиниши натижасида пайдо бўлади. Ва яна такидладики, бундай давлат аҳолининг қандайдир бир бўлагини эмас, бутун ҳалқининг, давлатни бахтли бўлишини таъминлайди.

Антик фалсафада сиёсий давлат тимсоли бошқарувининг 3 хил шаклида кўрсатилган: етук демократия, етук олигархия ва етук монархия.

Буюк мутафаккир Арасту давлатларни тўғри ва нотўғри формаларига ажратган. Монархия, аристократия ва демократик элементларга эга бўлган давлатлар унинг фикрича- тўғри давлатлар; чунки улар барчанинг бахти учун курашувчи адолатли ҳокимият ўрнатдилар. Олигархия, демократия ва мустабид-нотўғри давлатлар; чунки улар табиий ривожланишга қарши бўлиб, ўз-ўзича ҳокимият ўрнатилиши тарафдорларидир.

Сиёсий тимсоллар назариясини ўрнатилишида уйғониш даври буюк мутафаккири Николо Маквиаллининг ҳиссаси каттадир. Ўз қизиқиш, истакларини амалга оширишга интилаётган инсон ҳаракатини таҳлил қилиш мобайнида Маквиалли биринчи бор фалсафа ва сиёсий фикр тарихида идеал давлатни инсон табиатини кўлга олиш (бошқариш), тартиб ўрнатиш учун тузилган зўрлаш, мажбурлаш интитути сифатида кўради. Унинг фикрича идеал давлат халқ ва амалдорларнинг келишувига асосланган бўлиши керак.

Ўз ўрнида Эразм Роттердамский (1469-1536) ҳам сиёсий тимсолни ўзининг “Жалобў мира” («Дунё шикоятлари») асарида давлат бошқарувчиси ўз ерларини гуллаб яшнаши учун тинмай меҳнат қилиши кераклиги ҳақида ёзади.

Сиёсий тимсол ҳақидаги изланишлар Гроций, Б. Спиноза, Дж. Локк, Т.Гоббс асарларида давом этган.

Айниқса И.Кант, И.Фихте, Ф.Шиллер, Г.Гегель асарларида сиёсий тимсол ҳақида тўлароқ тушунча берилган.

И.Кантнинг фикрича, тимсол (идеал) бир мақсадга йўналтирилган бўлиб, у шу мақсадга эришиш йўлида ғоя сари интилувчи ва бошқарувчидир.

И.Фиктенинг фикрича, сиёсий тимсол аслида барча индивидлар қонун олдида баробар эканлигини кўрсатувчи давлат арбобидир.

У ер юзидаги ҳаётни 5 га бўлади.

1) Ақл инстинкт орқали бошқарилади инсоният айбсизлиги (гуноҳсизлиги) даври.

2) Бошланаётган гуноҳкорлик даври

3) Тўла гуноҳкорлик даври

4) Ўзини оқлашга ҳаракат қилиш даври

5) билимли, ўзини оқлай оладиган давр. Яъни бошланғич даврга қайтиш асосий мақсад эканлиги даври.

Гегельнинг фикрига, идеал- бу ўзидаги қарама-қаршиликлар бирлигини ривожланиб бораётган жараён деб тушуниб қаршиликларни куч билан енга оладиган якуний ҳолатдир.

Буюк немис файласуфи А. Шопенгауэр (1788-1860) ўзининг “Мир как воля и представление” (“Дунё ирода ва тасаввурдек”) номли асарида идеал ҳақидаги фикрларини баён этганлиги билан бутун дунёга машхурдир. Унинг фикрича, сиёсий тимсол ижобий ҳуқуқдир. Унинг мақсади ҳеч ким ноҳақликка учрамасин.

Л.А.Фейербах, В. Парето, Ф.Ницше, К. Ясперс, Г.Маркуз, К.Р.Поппер, Т.Парсонс ва бошқа буюк алломалар сиёсий тимсоллар масаласида ўз тадқиқотларини ўтказганлар. Уларнинг фикрича ҳар бир тарихий ривожланиш даврида ўзига ҳос, ўша даврга мос сиёсий тимсол (идеал) мавжуд бўлиб, унинг атрофида партиялар, группалар ва ташкилотлар

тузилади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг ривожланиш йўналиши мақсад ва вазифалари уларга идеалларга боғлиқдир.

### **? Шахс идеалларини ўзгартириш мумкинми? Қандай қилиб?**

Илмий изоҳланган сиёсий тимсол инсонларнинг мақсадлари, изланишлари сингари жамият ривожланишида объектив қонуниятларни яхши тушунишларига ёрдам беради.

Жуда кўп қарашларда сиёсий тимсол давлатларнинг ташкил бўлишида асосий ўрин тутади.

Ҳар-хил даврларда рамз ва афсоналар инсон устидан ҳукмронлик қилган, индивид ёки жамоа ҳаркатини бошқарган. Рамз бу ҳар қандай сўз, исм, тасвир, нарса ҳам бўлиши мумкин, агар ўз мазмунидан ташқари кўшимча мазмунга эга бўлса.

Асосан рамзларнинг келиб чиқишининг маданий ва психологик негизлари-бадий асарлар, халқ оғзаки ижоди, дин, мафкура ва тилдир.

Рамзлар таснифида улар диний, бадий ва ижтимоий гуруҳларга бўлинади.

-давлат рамзлари (байроқ, тамға ва ҳ.)

Психологик рамзларга асосан туш рамзлари киритилган.

Ундан ташқари динамик ва статистик рамзлар мавжуд. Масалан: диний динамик рамзлар-ҳар- хил худога сиғиниш, ибодатлар билан намоён бўлса; сиёсий динамик рамзлар турли намоёишлар, акциялар, митинглар орқали намоён бўлади.

Сиёсий маданият сиёсий онг, ақл-идрок ва хулқ –атвор йиғиндиси сифатида.

Замонавий сиёсатчининг сиёсий маданияти- сиёсий соҳадаги субъектнинг жуда мураккаб ҳар томонлама ривожланган кўринишидир.

Инсоннинг сиёсий маданиятини унинг сиёсий соҳада тўпланган, орттирган малакаси белгилайди. Бу унинг фаолияти давомида, аниқ қилган ишларида намоён бўлади.

Сиёсий маданият мазмуни қуйидаги таркибий қисмлардан иборатдир; сиёсий онг, сиёсий менталитет, сиёсий ҳуққ. Ҳар бирини таҳлил қилиб кўриш мумкин.

Сиёсий субъектнинг сиёсий онги- психиканинг энг ривожланган юқори шакли бўлиб у сиёсат, ҳокимият ишлари, давлат ва унинг институтлари билан боғлиқ бўлган воқеа, ҳодисаларини қабул қилиш, тушуниш ва баҳолаш ишларини фаолиятида акс эттиради.

Инсониятнинг сиёсий тарихи ранг-барангдир. Шундай давлатлар бўлганки, унда одамлар ҳеч қандай ҳуқуқга эга бўлмаганлар, бошқарувчи томонидан ҳаётлари бошқарилган, ҳўрланганлар. Бошқа давлатларда одамлар озодлик, эркинликларига озгина таҳдид солинишига қарши турганлар ва давлат бошқарувчиси ҳуқуқини чекланганлар.

Баъзи давлатлар ўз олдиларига буюк мақсадлар- империялар яратиш, янги ерларни кўшиш, ўз дини ва сиёсий тузумини яратишга қаратганлар. Бошқалари эса ўз олдиларига фуқароларига хизмат қилишни мақсад деб кўйганлар. Ҳокимият ва фуқаролар доимо бир-бирларига боғлиқ бўлганлар. Давлат одамлар олдига талабларини кўйган. Фуқаролар қабул қилганлар ёки қаршилик кўрсатганлар.

### **Онг ва сиёсий тузум.**

Инфантил (яхши ривожланмаган) онг субъект ва объекти ажратмайди. Ярим ёшли бола, масалан, ўзини –ўзи тишлаб олса, нима учун оғриқ пайдо бўлганини тушунмайди ва йиғлар экан тишлашда давом этади.

Худди шундай тоталитар онг эгаси ҳокимият ва жамиятни фарқламайди. Бошқа давлатларда бўлган “ҳокимият ва жамият” муаммоси тоталитар тузумда умуман бўлмайди.

Тоталитар онг жамиятнинг абсолют бирлигига ишонади ва уни амалда ҳокимиятга қарши чиққанларни ўлдириш билан кўрқитади. Бундай давлатларда касабга кўмита ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

XX асрда сиёсий ҳокимият ҳулки ва жамиятнинг сиёсий онги бирига тўғри келмаган ҳолатлар кузатилган. Португалия ва Испаниядаги революциялар, ўз йўналишида ривожланаётган Жанубий Корея, Бирма, Покистон ва Чили бундай ҳолатларга мисол бўла олади.

Авторитар тузум тоталитар тузумдан фарқлироқ ўз ҳокимлигини ҳар қандай йўллар, ҳатто мажбурлаш йўли билан амалга оширади ва сиёсий соҳада ҳеч қандай конкуренцияга йўл қўймайди. Фақатгина одамларнинг ўзаро муносабати, маданият ва иқтисод бундан мустасно бўлиши мумкин.

### ***Назорат саволлари:***

1. Инсон онгининг ривожланишида сиёсий тимсолларнинг ўрни.
2. Сиёсий тимсоллар қайси даврлардн ўрганила бошлаган?
3. Сиёсий тузум нималардан ташкил топган?
4. Сиёсий жараёнларнинг идрок қилишнинг ўзига хослиги нима?

## **4-МАВЗУ: СИЁСИЙ ЖАРАЁН ВА ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **Режа:**

1. Сиёсий ҳулқнинг психологик шакллари.
2. Инстинкт сиёсий ҳулқ шакли сифатида.
3. Сиёсий жараёнлардаги миллий психологик характер.
4. Жамиятдаги сиёсий элита.

### **Таянч тушунчалар**

**Сиёсий ҳулқ–атвор** - сиёсий вазият, жараёндаги хатти-ҳаракат, фаолият йўналиши, ижтимоий-сиёсий услубнинг намуналари, турлари, маъносидадир.

**Миллий характер** - бир миллат бирлашмасига хос ўраб турган дунёни эмоционал қабул қилиш ва унга жавоб беришга боғлиқ хусусиятлар ифодасидир.

**Сиёсий хулқ-атвор** - сиёсий жараённинг алоҳида иштирокчиси жамият субъектларини фаоллиги, оммавий намоёишлар, акциялар, иш ташлаш кабиларда намоён бўлувчи хусусият.

**Инстинкт-бу** ҳаракат қувватини йўналтирувчи, биологик боғланган, хулқ - атворнинг туғма модули.

### **Сиёсий хулқнинг психологик шакллари.**

Политологлар сиёсатда бўлаётган воқеа ходисаларни мазмунига эътибор қаратсалар, психологлар бу воқеа-ходисалар қандай содир бўлаётганига эътибор берадилар.

Сиёсат ҳақидаги бошқа фанлардан фарқли равишда психология аввало сиёсий ролни бажараётган одамларнинг психологик хусусиятларини ўрганеди.

Умуман олганда сиёсий хулқ термини остида фанда алоҳида иштирокчи ва оммавий намоёишлар, ҳокимият субъектларининг фаоллигию, одамларнинг намоёишлари, акциялари, иш ташлашлари ҳам тушунилади.

Психологлар инсон фаолиятини 3 шаклга ажратадилар: инстинкт, билим ва кўникма, ақлий ҳаракатларига.

Бу психологик тасниф сиёсатни тасвирлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### **? Инстинкт сиёсий хулқ шакли сифатида намоён бўладими?**

Инстинкт-бу, ҳаракат қувватини йўналтирувчи, биологик боғланган, хулқ- атворнинг туғма модули. Психологлар инсон ҳис туйғулари чегараси масаласида ҳар-хил фикр билдирсаларда, кўпгина ҳаракатлар инстинктив характерга эга эканлигини тан оладилар. Баъзи психологлар бундай инстинктларни ўнтагача десалар, қолганлари минггача бор деб ҳисоблайдилар.

Инстинкт таркибига инсон хулқидаги автоматик (нафас олишдан то юришгача) ва эҳтиёжларга боғлиқ ортирилган (ўзини сақлаш, наслни давом эттириш, ва х.) ҳаракатлар киради.



Сиёсатда инсоннинг барча инстинктлари тажовузкорликдан то очкўзликкача, биродарликдан то ўз-ўзини сақлашгача намоён бўлади.

Сиёсатдаги хулқ- атворнинг инстинктив асоси бирон бир ҳаракатга энергия йўналтириш учун инсон томонидан идрок этмаган (ўзи билмаган) ҳолда рўй беради.

### **? Кўникмалар сиёсий хулқ шакллари сифатида қандай кўринишди намоён бўлади?**

Туғма инстинктлардан фарқли ўлароқ инсон хатти-харакатининг кўп қисми ҳаёт тажрибасида ортирилган кўникмалардан иборатдир. Сиёсат ҳақида гапирар эканмиз сиёсий босқич иштирокчисининг ўз функцияси ва ролини бажариши учун талаб этиладиган усул, услуб, сиёсий маданиятдаги одатларни, стереотипларни тушунилади.

Онгли ҳаракатлар сиёсий хулқнинг алоҳида шакли бўлиб сиёсий онг ҳаракатининг мақсадлари учун хизмат қилади.

Сиёсатнинг мақсади ижтимоий характерга эга бўлишини таъминлаш, ҳар хил иштирокчиларни бирлаштириш учун турли усуллар қўлланади. Аввало бу масалани турли дастурлар, мафкуравий схемалар, сиёсий акциялар, компаниялар ечадилар.

Сиёсий хулқ учун яқка инсон ёки партиялар мафкураси алоҳида аҳамият касб этади.

Юқорида кўрсатилган сиёсий хулқнинг уч шакли: инстинктлар, кўникмалар ва онгли ҳаракат-аналитик мақсадда қўлланилади.

Замонавий сиёсий психология сиёсий маданиятнинг кўплаб назарий модулларида намоён бўлади. Лекин барча йўналишлар, тадқиқотлар стратегияларга киритилади.

Биринчиси одамни сиёсий таъсир объекти сифатида сиёсий машина винтчаси деб тасаввур қилади. Иккинчиси гуруҳ тадқиқотчилари бошқа фикр, яъни инсон фақат сиёсий таъсир объекти бўлибгина қолмасдан сиёсий тузум ривожланишининг мақсади, унинг фаол субъекти деб ҳисоблайдилар

## **Сиёсий жараёндаги миллий психологик характер.**

Сиёсий жараён – кўпқиррали ҳолат. Тадқиқотчилар уни ҳар хил изоҳлайдилар.

Сиёсий психология шахсни ёки гуруҳни сиёсий жараёнга кириш механизми, объектив қонунийлиги ва факторини очиш, ўрганишни тақозо этади. Ижтимоий – сиёсий жараёни индивид томонидан психологик қабул қилиши миллий омилга боғлиқдир.

### **? Миллий характер тушунчаси нима?**

Миллий характер бу-бир миллат бирлашмасига ҳос ўраб турган дунёни эмоционал ҳис-туйғу орқали қабул қилиш ва унга жавоб бериш демакдир. Шунинг учун сиёсий субъект сиёсий воқеаларга ўз миллий характери ва темпераментидан келиб чиқиб муносабат билдиради.

Миллий характер – миллат ва миллий психологиянинг асосий элементи ҳисобланади. Бўлаётган воқеа-ҳодисаларда халқ руҳи таъсири сезиларли даражада ифодаланиши сезиларли даражада ифодаланмаслиги мумкин.

Миллий характер тушунчаси аллақачонлар илмий тадқиқот предметига айланган.

XX аср ўрталарида биринчи характер хусусиятлар масаласи Германияда халқлар психологияси мактабида кўрилган.

Бу илмий тадқиқот иштирокчилари тарихий жараёнда ривожланишда, ўзгаришда асосий ҳаракатланувчи куч халқ, унинг руҳи, дини, тили, санъати, афсонаси ва одатлари деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда миллий характерни ўрганар эканмиз, бу жуда мураккаб ҳолат эканлигига гувоҳ бўламиз.

Замонавий жамиятни турли мезонлар билан тавсифлаш мумкин; ёши, миллий этник таркиби, синфий ҳолати, бошқарув тизимидаги ўрни ва бошқалар. Бунда олдинга ривожланишда бирон ижтимоий гуруҳдаги иштироки, интеллекти, иродаси, ташкилотчилик қобилияти, миллатнинг гуллаб яшнашидаги, давлатнинг мустаҳкамланишдаги иқтидори, миллат

хавфсизлигини таъминлай олиши, техник ривожланиши, халқаро авторитетни сақлай олиши асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб жамият тизимида элит (алоҳида) қатлам ва фаоллиги суст регрессив қисмларини ажратиш мумкин. Элита тушунчасига унинг жамиятдаги ўрни пайдо бўлиши, функцияси ва алмашилини тамоилига луғатларда турлича ёндошилади. “Элита” термини “энг яхши терилган танланган” маъносида ҳам ишлатилади. Авваллари бу термин қишлоқ хўжалигида энг яхши дон маҳсулоти, энг яхши ҳайвон турларини баҳолашда ишлатилган. Вақт ўтиши билан жамиятда хурматга сазовар, бой, авторитетга эга, машҳур ижтимоий гуруҳ намоёндаларига нисбатан ишлатила бошланди. Аввало бу сиёсатда, бизнесда, санъатда ва ҳарбий соҳада қўлланилади. Замонавий талқинда сиёсий элитага нафақат давлатнинг биринчи шахслари, балки ҳар хил партия ва ташкилотлари, балки ҳар хил партия ва ташкилотларнинг лидерлари, қонуншунос, судя ва ижрочилар ҳам киритилган.

### **? Сиёсий элита қандай пайдо бўлади?:**

Сиёсий элитанинг пайдо бўлишига қуйидаги омиллар сабаб бўлиши мумкин:

- 1) Одамларнинг психологик ва ижтимоий тенгсизлиги, сиёсатда катнашиш ихтиёрлари ва иқтидорлари.
- 2) Меҳнат тақсимооти ҳақидаги қонун
- 3) Бошқарув меҳнатининг жамиятдаги ўрни
- 4) Ижтимоий имтиёзларга эга бўлиш мақсадида бошқарув фаолиятдан фойдаланиш.
- 5) Кенг омма томонидан сиёсий раҳбарларни ҳар томонлама назорат қилиш имконияти йўқлиги
- 6) Аҳолининг айрим қатламларини, фуқароларини сиёсий муносабатдаги пассивлиги.

Сиёсий элиталарнинг алмашинуви ва пайдо бўлиши давлатнинг “биринчи” шахсларига таъсир ўтказиш курашишда содир бўлади. Бу кўпинча

давлат тузумининг ўзгариши, жамиятнинг қайта қурилиши, модернизация даврида содир бўлади.

Шунинг учун сиёсий элита тушунчаси салбий маънони касб этади.

Макиавелли, В. Парето каби мутафаккирлар сиёсий элитага нисбатан ўз нуқтаи назарларини билдирганлар.

Сиёсий элиталар бўйича психологик тадқиқотлар назарияларини уч гуруҳга ажратилган.

1. Г.Джилберт, Б.Скиннер нуқтаи назарлари асосидаги психологик назария одамларнинг алоҳида иқтидор психологик хусусиятларга эгаллиги.
2. З.Фрейд ва Э.Эриксонларнинг психоаналитик назарияси
3. Э. Фромм ва Г. Лассуэлл ғояларининг асосида ижтимоий-психологик назария.

Агар шахс давлат функциясида энг масъул вазифани ўташ қобилиятига эга бўлса уни элитага киритиш мумкин.

### **? Сиёсий элита омма қандай таъсир этади?**

Сиёсий элита ҳақидаги ғояларни тўлақонли тушуниш учун ижтимоий гуруҳлар омманинг психологик хулқ-атворини ўрганиш зарур.

XX асрда ижтимоий психология асосчиси Г.Лебон (1841-1931) одамларнинг ҳар қандай йиғинини омма деб ҳисоблаган. Омма, Лебоннинг фикрича тартибсиз ҳисобланиб, унга бошлиқ даркор. У эса элита ролини бажариши мумкин.

Омма психологиясини замонавий назариячи олим француз профессори Серж Московичи атрофлича ўрганган. Ўзининг “Век толпў” (Омма асри) 1981 йилдаги монографиясида амалиётга қўлланилаётган назарияларни бир тизимига солиб таҳлил қилиб кўрсатади.

### ***Назорат саволлари:***

1. Инсоннинг хулқ-атворига сиёсий жараёнларни ижобий ва салбий таъсири ҳақидаги фикларингизни баён этинг?

2. Инстинктив хатти-ҳаракатларнинг сиёсий воқеа ва ходисаларнинг идрок этишдаги ўрни.
3. Сиёсий жараёнларга нисбатан установкаларни ҳосил бўлиши ва унинг моҳияти.
4. Сиёсий ўзгаришларнинг этнопсихологик хусусиятларга таъсири қандай омилларда намоён бўлади.

## **5-МАВЗУ: ЖАМИЯТДАГИ СИЁСИЙ ЭЛИТАЛАР**

### **Режа:**

1. Сиёсий элита ва унинг пайдо бўлиши.
2. Гуруҳлардаги раҳбарлик ва лидерлик
3. Раҳбарлик ва лидерлик услубларининг турлари
4. Раҳбарлик сифатлари

### ***Таянч тушунчалар:***

**Сиёсий элита**-французча «сайланган», «сараланган» маъносини билдириб ташкилотчилик қобилияти билан ажраб турувчи айрим қисми.

**Лидер**-шахслараро муносабатларни бошқарувчи, гуруҳ аъзоларидан бири.

**Элита гуруҳлари**-бошқариш ва раҳбарлик қилишга дахлдор кишилардан ташкил топган гуруҳ.

### **1. Сиёсий элита ва унинг пайдо бўлиши.**

Сиёсий элита-ўзининг ташкилотчилик қобилияти билан ажралиб турувчи аҳолининг айрим қисмларидан ташкил топган гуруҳдир.

«Элита» тушунчаси фанга бир марта француз мутафаккири Г.Моски томонидан киритилган ва шу асосида сиёсий элита назариялари яратилган.

Сиёсий элита гуруҳлари қадимги тарихий даврдан шакллана борган. +улдорлик тизимига ўтилгандаёқ жамиятда кишиларнинг юқори ва пастки, мартабали ва мартабасиз аристократ ва оддий кишиларга ажралиши рўй

берган. Жамиятда бундай бўлиниш, унинг сабабларини Конфуций, Афлотун, Арастулар ўз асарларида таърифлаб берганлар. Афлотун кулдорлик жамиятидаги аҳолини 4 та тоифага бошқарувчилар, харбийлар, дехқонлар ва хунармандларга ажратганлар.

### **? Кишилиқ жамиятда сиёсий элиталар қачон пайдо бўлган?**

Арасту ҳам аҳолини 3 та гуруҳга- бойлар, ўрта қатлам, камбағалларга ажратади.

Фаробий, Ибн Сино, Берунийлар ҳам аҳолини турли гуруҳларга бўлиш тўғрисида муҳим фикрларни айтганлар. Фаробий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида жамоа аъзоларини уларнинг турли белгиларига қараб хар хил гуруҳларга бўлади. Бунда ақли билими, кўникмасига қараб ажратган

Ибн Синонинг «Ишорат ва танбихат» асарида кишиларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеига қараб 3 гуруҳга ажратади.

1. Давлат идораларида ишловчи бошқарувчилар.
2. Дехқончилик ва хунармандчилик билан шуғуллинувчилар.
3. Мамлакатни қўриқловчи

А.Темур ўзининг «Темур тузуклари» да жамият аъзоларини

- 1) амалдорларга
- 2) сипохийларга
- 3) илм ахилларига
- 4) дехқон ва хунармандларга ажратади

IX аср охири XX аср бошларига келиб сиёсий элита тушунчаси ижтимоий-сиёсий фанларда кенг ўрганила бошланди. Бу даврда француз ва немис олимлари В. Паритто, Г.Моски, Р. Михельслар сиёсий элита гуруҳларини жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини чуқур таҳлил қилиб бердилар.

Бу ҳақда Г. Моски ўз асарида қуйидагиларни ёзади

«Ҳар қандай жамиятда, яъни энг паст даражада ривожланган жамиятдан энг юқори даражада ривож топган жамиятгача бўлган барчасида иккита синф бошқарувчилар синфи мавжуд бўлади. Биринчи синф хамиша оз сонли бўлиб

сиёсий функцияни бажаради, хокимиятни монополия қилиб олади ва унинг афзалликларидан фойдаланади.

Иккинчи синф-энг кўп сонли бўлиб бир томондан бошқарилади ва тартибга солиб турилади»

Г.Моски биринчи бўлиб сиёсий элитанинг шаклланиши ва уларга хос бўлган хусусиятларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Унинг ёзишича сиёсий элитада жамиятни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш устун бўлади.

В.Парето ҳам сиёсий элита шаклланиши хусусиятларини назарий асослаб «Инсоният жамияти ўзининг ақлий, жисмоний, ахлоқий, сиёсий ва ташкилотчилик қобилиятлари билан ажралиб турувчи кишилар» гуруҳларидан ташкил топганлигини асослаб беради. Элита гуруҳлари бошқариш ва раҳбарлик қилишга даҳдор кишилардан ташкил топган.

Маълумки бошқариш ва раҳбарлик қилиш жамият учун объектив заруриятдир. Шунинг учун ҳам сиёсий элитага туғилган эҳтиёж ҳам шу заруриятдан келиб чиқади. Бироқ сиёсий элита гуруҳлари орасида ҳамма вақт ҳам шу бошқариш, раҳбарлик қилишга қодир бўлган кишиларгина бўлавермайди. Улар ичида шундай кишилар ҳам учраб турадики улар кўпол хатоларга йўл кўядилар ва вазифани бажаришда ношудлик қиладилар. Натижада ўз вазифаларидан тушиб бошқа гуруҳларга мансуб бўлиб қоладилар. Уларнинг ўрнини энг яхши кишилар эгаллаб шу асосида сиёсий элита гуруҳларининг мавжудлиги муқаррар бўлиб қолади. Демак, жамиятнинг ўзи сиёсий элита гуруҳларининг характерларининг йўналтириб тартибга солиб туради. Сиёсий элита гуруҳлари жамият аъзоларининг бир мунча билимдон онгли ва ишчан қисмлардан ташкил топган. Улар жамият, жамият ҳаётидаги рўй берадиган сиёсий воқеа ва ходисаларни ўзгаришлар моҳиятини анча зийракли билан пайқаб кузатиб боради. Улар сиёсий хокимиятнинг барча бўғимларида ва бошқаришнинг турли шаклларида ҳаракат қилиб унинг имкониятларидан турли даражада фойдаланади. Бундай устунлик сиёсий элита гуруҳларининг жамият ҳаётида эркин ҳаракат қилишлари учун қулай имконият яратади.

## **2. Гуруҳларга раҳбарлик қилиш ва лидерлик**

Гуруҳлардаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, гуруҳ аъзоларининг конкрет мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада «Лидер» ва «Бошлиқ» тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириш лозим. Б.Д.Паригин бу икки тушунчани фарқлаб шундай ёзади.

1. Лидер асосан гуруҳдаги шахслараро муносабатларни бошқарса, раҳбар-шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради;

2. Лидерлик кичик гуруҳларгагина мос бўлган ходиса бўлса, раҳбарлик ҳақ-ҳуқуқлари катта гуруҳлар доирасида ҳам содир бўлиши, амалга оширилиши мумкин;

3. Агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, раҳбарлик мақсадга қаратилган, жамиятда ишлаб чиқилган нормалар, тартиблар асосида сайловлар оқибатида содир бўладиган ходисадир;

4. Лидерлик раҳбарликка нисбатан вақтинчалик ходиса бўлиб, гуруҳ аъзоларининг кутишлари, уларнинг кайфиятлари, фаолият йўналишига қараб, узоқроқ муддатда ёки қисқа муддатда рўй беради;

5. Раҳбарнинг лидердан фарқи шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимига эга бўлиб шу асосда ўз ходимларига таъсирини ўтказиши мумкин;

6. Лидер гуруҳда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар, ташаббусларни ўз ихтиёрича, бевосита чиқариши мумкин, раҳбарда эса бу йўналишда кўплаб расмий кўрсатмалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки, улар доирасидан чиқиб кетиш қийин;

7. Лидернинг фаолияти фақат кичик гуруҳлар доирасида амалга оширилса, раҳбар шу гуруҳдаги кенгроқ ижтимоий доирадаги жамиятнинг вакили бўлганлиги учун, унинг ваколатлари ҳам кенг, фаолият имкониятлари ҳам ортиқдир.

Лидер ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди, у доимо гуруҳ аъзолари гуруҳида қаралади, у шу гуруҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга чорлайди. Чунки



лидер гуруҳ аъзоларининг психологияси, уларниг кайфиятлари, интилишлари, қизиқишлари ва ҳақозоларни ҳаммадан ҳам яхши билади, улар ичида энг ташаббускоридир. Обрўлилик шахснинг шундай хусусиятидирки, у бошқа шахсларга ҳам хиссий-эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга. Норасмий обрўлилик, яъни шахслар аро муносабатлар маҳсули сифатида орттирилган обрў жуда самаралидир. Одамлар кўнглига йўл топиш, уларни турли вазиятларда тушуна олиш, ишонч ва шунга ўхшаш обрў орттириш мезонларидандир.

### **? Раҳбарлик ва лидерлик бир шахсда қандай намоён бўлади?**

Лидерлик ходисаси тўғрисида гап кетар экан, лидерлик назариялари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Ҳозирги кунга қадар лидерлик тўғрисида асосан учта назария мавжуд.

Биринчиси «лидерлик сифатлари назарияси» дир ёки харизматик назария мавжуд. Унинг моҳияти шуки, ҳамма ҳам лидер бўла олмайди, айрим шахсларда шундай сифатлар йиғиндиси туғма мавжуд бўлиб, улар унинг гуруҳда лидер бўлишини таминлайди. Масалан, 1940 йилда америкалик К. Берд 79 сифатдан иборат бўлган лидерлик қирралари рўйхатини тузди. Бу рўйхатда жумладан, ташаббускорлик, мулоқотга кириша олиш, юмор хисси, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарор қабул қила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар ҳам бор эди. Лекин бу назарияларнинг хатолиги шунда эдики, биринчидан, у юқоридаги сифатлар қандай қилиб намоён бўлади-ю, қандай шаклланишини тушунтириб бера олмайди, иккинчидан, сўроқлар мобайнида бирорта сифат ҳам мутлақ кўп марта қайд этилмайди.

Иккинчи назария лидерликнинг вазияга боғлиқлиги назариясидир. Бу ердаги асосий ғоя-лидер вазиятни маҳсули деган ғоядир. Ҳар бир одамда лидерлик сифатлари бор, лекин айрим вазиятлар айрим шахсларни ўзларини кўрсатишлари, Лидер бўлишлари учун қулай ҳисобланади.

Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган учинчи назария лидерликнинг синтетик назариясидир. Бу назария лидерни гуруҳий муносабатларнинг бевосита мақсули деб қарайди, лидернинг рўёбга чиқишида гуруҳнинг бирламчи ролини илгари суради.

Рус психологи А.Н. Леонтьевнинг фаолият концепциясига таянган ҳолда, лидерликни фаолият мақсули, гуруҳнинг ушбу фаолиятга муносабати ва гуруҳда қабул қилинган нормалар ва ижтимоий кутишларга ким кўпроқ жавоб беришига қараб лидерни аниқлаш мумкин деб кўпчилик томонидан маъқул ёндашишлардан бири деб қабул қилинмоқда.

## **2. Раҳбарлик ва лидерлик услублари ҳақида тушунча**

Ҳар бир лидер ёки бошлиқ ўзича индивидуал ва қайтарилмасдир. Бунинг боиси ҳар бир бошлиқ ўз иш фаолиятини, бошқарув фаолиятини ўзига хос тарзда ташкил этишдадир. Сиёсий психологияда бошқарув соҳасида батафсил ўрганилган муаммолардан бири-турли бошқарув услубларидир. Бу соҳада немис олимлари Г.Гибш ва М. Форверг, рус олимлари В.Д. Паригин, Л.Н.Уманский, М.Ю. Жуков ва бошқаларнинг ишлари айниқса диққатга сазовардир. Барча илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий психологияда қабул қилинган уч асосий бошқариш усулларига характеристика бериб чиқамиз. Бу уч услуб-авторитар, демократик ва либерал иш услубларидир.

Авторитар раҳбар барча кўрсатмаларни ишчанлик руҳида, аниқ-равшан, кескин оҳангда ходимларга етказди. Мулоқат жараёнида ҳам ходимларга нисбатан дўқ-пўписа, кескин тақиқлаш каби қатъий оҳанглардан фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири-нима йўл билан бўлса-да, ўз хукмини ўтказиш. Унинг нутқи ҳам аниқ ва равон доимо жиддий тусда бўлади. Бирор иш юзасидан ходимларни мақташ ёки уларга жазо бериш, танқид қилиш соф субъектив бўлиб, бу нарса бошлиқнинг кайфиятига ва ўша шахсларга нисбатан шахсий муносабатига боғлиқ. Жамоа аъзоларининг тилак истаклари, уларнинг фикрлари ва маслаҳатлари жуда кам ҳоллардагина

инобатга олинади, аксарият ҳолларда бундай истаклар ёки кўрсатмалар тўғридан-тўғри дўқ-пўписа, камситиш ёки маънавий жазолаш йўли билан чекланади ёки қониқтирилмайди. Бундай раҳбар ўз иш услублари, келажак режалари, бирор аниқ ишни, операцияни қандай амалга оширомоқчилигини одатда, жамоадан сир тутади, унинг фикрича, бу унинг обрўига салбий таъсир кўрсатиши мумин. Гуруҳдаги ижтимоий-фазовий муносабатлардаги ўрни жиҳатдан, у «жамоадан четда», автоном.

### **? Қайси раҳбарлик услуби сиёсатчи фаолиятида ижобий аҳамиятга эга?**

Авторитар раҳбарда ҳар бир жамоа аъзоларининг қобилиятлари, ишга муносабатлари, мавқеларига кўра тутган ўринлари ҳақида тасаввурлар борки, шунга кўра у ҳар бир ходимнинг иш ҳаракатларини максимал тарзда дастурлаштириб қўйган, унда ҳар қандай чеклашлар унинг очиқ ғазабини келтиради ва бунинг учун унда жазолашнинг турли услублари мавжуд. Яъни бундай жамоаларда ҳокимият-марказлаштирилган, жамоа раҳбари Ушбу марказнинг якка ҳокими-шунинг учун ҳам бу ерда «менинг одамларим», «менинг ишим», «менинг фикрим бўйича» қабилидаги иборалар тез-тез ишлатилади. Бундай раҳбарларда ишига нисбатан шундай фидоийлик борки, улар ўзларини ишсиз тасаввур қила олмайди, яъни иш унинг «бутун вужудини қамраб олган». Шу сабаб бўлса керак, бундай раҳбар ҳар бир одамни унинг кундалик иш фаолиятини, унинг натижаларини жуда яхши билади.

Лекин, аслида, уни ишини мазмунидан кўра, унинг ўша ердаги етакчилик роли, бошлиқлиги кўпроқ қизиқтиради ва ўзига ўша сифатларга қараб баҳо беради. Бу сифат, табиийки, ишнинг сифатига ҳам таъсир қилгани учун ҳам жамоа олдига қўйилган барча топшириқлар бажарилмай қолмайди («темир раҳбар»). Бундай жамоларда танқид иши жуда суст, чунки у ўзини ҳам, бошқаларни ҳам танқид қилишларига йўл қўймайди. танқид қилишга, унинг фикрича, фақат бошлиқ ҳақли. Йиғилишларда сўзни ўзи бошлаб, ташаббусни

охиригача бошқаларга бермайди, одамларнинг таклифлари, уларнинг ҳиссиётлари эътиборга олинмайди.

Г.Гибш ва М.Форвергларнинг таҳлил қилишларича, авторитар лидер бош бўлган ишларнинг самарадорлиги анча юқори бўлиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам юқори бўлар экан. Лекин жамоадаги руҳий-маънавий муҳит оғир, танг бўлиб, бу нарса одамнинг жамоадан, ишдан қониқмасликларига олиб келди. Бундай раҳбар бошчилик қилган меҳнат жамоаларида ишлайдиган одамлар ўз касблари, иш жойларини осонликча алмаштиришлари мумкин.

Демократик раҳбар, аксинча, бўйсунувчиларга мустақиллик, эрк бериш тарафдори. Ишда топшириқлар берганда ишчиларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди. Бунда у ходимларнинг шахсий мойилликларини ҳам ҳисобга олади. Буйруқ ёки топшириқлар, одатда, таклиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат сезилиб туради. Бирор кишини мақташ, унинг лавозимини ошириш ёки ишдаги камчиликка кўра ишига баҳо бериш доимо жамоа аъзоларининг фикри билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Танқид, кўпинча таклиф, истак шаклида қилинган ишларнинг мазмунига баҳо бериш ҳолида «айбдорга» етказилади. Шунинг учун ҳам унинг фазовий-ижтимоий ҳолати «жамоа ичида».

Жамоада танқид ва ўз-ўзини танқид шундай йўлга қўйилганки, унинг оқибатидан ҳеч ким азият чекмайди. Чунки кўпроқ бошлиқ эмас, балки жамоанинг бошқа фаоллари-норасмий лидерлар танқид қиладилар. Бошлиқ йўл қўйган хато-камчиликларни жамоатчилик олдида бўйнига олишдан кўрқмайди. Чунки ундаги масъулият ҳисси нафақат юқори бошқарув ташкилотлари аъзолари билан мулоқат пайтида, балки ходимлар билан мулоқат ҳам сезилиб туради ва қўйилган топшириқ юзасидан масъулиятни бошқаларга ҳам бўлиб беришни яхши кўради. Бошлиқнинг ходимларидан сири йўқ, шунинг учун ҳам мажлисларда кўпроқ у эмас, балки барча

ходимлар гапирадилар, охирги қарор чиқариш ва сўзларни яқунлаш, умумлаштириш ҳуқуқидан у тўлиқ фойдаланади.

Гибш ва Форвергларнинг анализларига кўра, бундай бошлиқ раҳбарлик қилган жамоаларда маънавий-руҳий муҳит жуда яхши, ишчилар жамоадан, ишдан қониқиш ҳосил қилганлар, ишдан кетиш ҳоллари кам экан-у, лекин ишлаб чиқариш зўрға нормал ҳолатда бўлар экан.

Либерал (лоқайд) услубда ишлайдиган раҳбарнинг кайфиятини ишга муносабатини ишдан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш қийин. Унда тақиқлаш пўписа бўлмайди унинг ўрнига кўпинча ишнинг охирги оқибати билан танишиш билан чекланади ҳолос. Жамоада ҳамкорлик ёки бошлиқ жамоанинг муаммолари ишнинг баланд-пасти билан қизиқмайдиган, гўёки бошқа “қоинотда” юрганга ўхшайди. Аниқ кўсатмалар бермайди, унинг ўрнига норасмий лидерлар ёки ўзига яқин кишилар орқали қилиниши лозим бўлган топшириқлар бажарувчиларга етказилади. Унинг асосий вазифаси, унинг назарида, ходимлар учун иш шароитини яратиш, ишдаги камчиликларни бартараф этиш, керакли махсулот, ҳом-ашё кабиларни топиб келиш, мажлисларда қатнашиш ва хоказолардан иборат.

Ходимлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келганида, у доимо хушмумомала бўлиб, одоб, ахлоқ нормаларини бузмасликка ҳаракат қилади, лекин ҳеч қачон улар билан тортишмайди. Мажлисларда агар бирор муаммо мунозарани келтириб чиқарса, у бевосита жараёнга аралашмай охирги сўзни ўзига қолдиради. Шундай қилиб ходимларга фикрлаш ва ҳатти ҳаракатлар эркинлиги бериб қўйилган. Ўша эркин ҳаракатлар юзасидан бошлиқни фикри сўралган тақдирда ҳам, ундан аниқ гап чикмайди, чунки у ходимларни яхши билмайди, қолаверса уларни хафа қилиб қўйишдан кўрқади. Унинг фазовий-психологик ҳолати “турух ташқарисида”.

Олимлар фикрича, бундай раҳбар ишни олиб борган жамоаларда барча кўрсаткичлар доимо орқада, кўним ҳам йўқ. Либерал раҳбар ишда анархияни қилиб қўйиб, кўп турмай, бошқа ердан иш қидиришга ҳаракат қилади.

Юқорида баҳо берилган бошқариш услублари кўпроқ лидерликка эмас, балки раҳбарликка таалуқли лекин, илмий адабиётларда бу иккала ибора, кўпинча синоним ишлатилади. Аслида, энг яхши раҳбар ўзида барча лидерлик сифатларини ҳам мужассамлаштирган бўлади. Чунки соф ижтимоий психологик маънодаги лидернинг турли шароитларда ўзида кўпроқ намоён этадигон шахсий сифатларга кўра табақаланади. Масалан лидер ташкилотчи, лидер-ташаббускор, лидер-эрудит, жамоа хиссий-эмоционал ҳолатни бошқарувчи лидер, лидер-билағон ва ҳоказо. Яхши раҳбар ана шу лидер сифатларини билган ҳолда, уларни ўзида тарбиялаши ва жамоасидаги лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиши керак.

Охириги йилларда Москва ва бошқа йирик марказларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келинадики, аслида ҳаётда соф демократ ёки соф авторитар раҳбарни учратиш қийин, лекин учраган пайтда ҳам улар бир жамоани узоқ муддат бошқара олмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам улар вазиятга боғлиқ, вазият, конкрет жамоа, унда қабул қилинган хатти-ҳаракат нормалари, шахслараро муносабатлар типии лидернинг ҳам, раҳбарнинг ҳам иш тактикаси ва услубини белгилайди, деган ғоя қабул қилинмоқда. Лекин бу раҳбарлик услубларининг психологик мазмун ва моҳиятини билишнинг амалий аҳамияти шундаки, ҳар бир услубда ўзига хос ижобий томон бор, моҳир раҳбар ўзини-ўзи тарбиялар экан, ўшаларнинг энг мақули, айниқса ўзи раҳбарлик қилаётган жамоага мосларини тарбиялаши мақсадга мувофиқдир.

#### **4. Раҳбарлик сифатлари**

Юқорида айтиб ўтилганидек, раҳбарда туғма қобилият бўлади деб ҳам айтиб бўлмайди, иккинчи томондан, раҳбар вазиятга қараб стихияли тарзда тарбияланиб кетаверади, деб ҳам бўлмайди. Минглаб шахс сифатлари ичида кўплари раҳбарлик учун қулай ва маъқулдир. А.В. Петровский ана шундай ижобий сифатлардан бир ярим мингини санаб чиққан. Лекин уларнинг

барчасини умумлаштирадиган, албатта бўлиши лозим бўлган айрим сифат қобилиятлар борки, ўшалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқ лозимдир.

Аввало, ҳар қандай раҳбарда интеллект-ақл-заковатнинг маълум нормаси бўлиши керак. Бу норма яхши раҳбар учун ўртадан юқори бўлмоғи мақсадга мувофиқдир, чунки гений даражасидаги интеллектга эга бўлган раҳбар билан ишлаш ходимлар учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқаришини, бундай ақл- заковат қолганларнинг ижобий ривожланишига психологик тўсиқ бўлишини амалиёт ва ҳаёт кўрсатди. Раҳбардаги ўртадан юқори интелектни қоплаб кетадиган яна бошқа муҳим сифатлар борки, улар бошқариш ишининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, раҳбарнинг мустақил фикрлилик, топқирлик, ташаббускорлик сифатлари. Чунки, айрим ҳолларда хато қилса ҳам, раҳбар оригинал фикрлар айтиб йўл-йўриқлар кўрсата олиши, ҳар бир айтилган фикр, қилинган ишга мустақил баҳо бера олиши зарур.

Чунки мустақиллик шахс қиёфасини белгиловчи муҳим психологик хусусиятдир.

Раҳбарда мустақиллик бўлса унда ўзига ишонч ҳам бўлади. Бу эса ўз навбатида раҳбардаги субъектив талаблар даражасини юқори бўлишига олиб келади. Кўпинча, раҳбарнинг бошқаларга талабчанлиги ҳақида гапирилади, лекин яхши раҳбар аввало ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиш керак. Ўз-ўзини баҳолаш ва шу асосида бошқаларга нисбатан муносабатлар тизимини ишлаб чиқиши муҳим бир омилдир.

Ҳар қандай раҳбар учун универсал, керак бўлган хислатлардан Яна бири том маънода «зиёли» бўлиши ёки бошқача қилиб айтганда, маданиятли бўлишдир. Бошлиқ ўзидаги маданиятни аввало муомалада, одамлар билан бўладиган кундалик мулоқотларда намоён этмоғи лозим. Муомала маданияти-бу ўринли, аниқ, қисқа, самимий гапириш санъати ва иккинчи томондан суҳбатдошни тинглаш қобилиятидир. Чунки, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасида келиб чиқадиган шахсий зиддиятларнинг асосида ё тинглай олмаслик, ёки гапни тўғри йўсинда гапира олмаслик ётади. Ўзганинг

ўрнига тура олиш, унинг ҳис-кечинмаларига шерик бўлиш, эмпатия хиссининг борлиги, диалогларда сабр-тоқатлилик ва бошқаларга мулоқат маданиятининг муҳим томонларидир.

Жамоа фаолиятини ва ўз фаолиятини режалаштириш қобилияти раҳбар учун муҳим бўлган талаблардан биридир. Чунки режалаштириш асосида ўз-ўзини бошқара олиш ва бошқаларни ташқи фаолиятини мақсадга мувофик тарзда бошқара олишни таъминловчи муҳим психологик хусусият ётади. Режалаштириш-бу ўзига хос келажакни кўра олиш қобилияти, келажак образи бўлиб, бу нарса шахснинг қанчалик камол топганлиги ва мақсадга интилувчанлигининг муҳим белгисидир. Бу жуда мураккаб психологик жараён бўлиб, у шахснинг ўз диққатини қанчалик омил тарзда бошқариши, уни фақат муҳим нарсаларга қарата олиши, вақтдан тез фойдалана олиш, имкони борича, уларнинг қобилиятларига қараб иш буюра олиш ва ниҳоят буюрган ишни ўз вақтида назорат қилиб, сўраб олиш имконияти билан боғлиқ. Ўз ишини пухта режалаштириш қобилиятига эга бўлган раҳбар реалистик тафаккурга эга бўлмоғи, яъни ҳар қандай шароитларда ҳам ўша муаммо ёки ишга таалуқли барча алтернатив вариантлардан энг тўғриси ва мақсадга мувофиғини танлай оладиган, ишни тўғри ташкил эта билган, яъни энг кам куч ва вақт сарфлаб ишни уддалай олган, ноаниқ ёки тасодифий вазиятларда ҳам иш тактикасини тўғри йўлга йўналтира оладиган одам бўлиши керак. Бундан ташқари янги раҳбар учун олдида турган ишнинг ҳар бир алоҳида деталларигача тасаввур қилиб, уни амалга оширишнинг барча босқичлари ва воситаларини олдиндан кўра билиш қобилияти ҳам зарур. Шундай тақдирдагина у ишга дадил киришиши, ўзгаларни ўз ортидан эргаштириши ва ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган раҳбарлик сифатлари ичида энг муҳими, табиийки, психологик маҳоратни талаб этгани-одамлар билан ишлаш маҳоратидир. Жамоа аъзолари билан самарали ишлаш учун эса бошлиқ уларнинг психологиясини, ҳар бир аъзо психологиясини ва гуруҳ психологиясини билиши зарур, чунки «ўзгалар психологиясини билиш улар



устидан хукмронликнинг ягона йўлидир», -деб ёзишган эди инглиз олимлари. Сиёсий психологиянинг бу борада ҳам яхши воситаси-ижтимоий психологик тренинг услуби борки, унинг ёрдамида одамлар билан ишловчилар жамоани бошқаришнинг турли усуллари муваффақиятли тарзда тайёрламоқдалар.

### ***Назорат саволлари:***

1. Сиёсий элиталар ҳақида тушунча беринг?
2. Сиёсий элиталарни шакллантирувчи омилларга нималар киради?
3. Гуруҳларда лидерлик ва раҳбарлик сифатларини тавсифланг?

## **6-МАВЗУ: ЖАМИЯТДАГИ СИЁСИЙ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

### **Режа:**

1. Оммавий тусдаги хулқ-атвор
2. Сиёсий онг шаклланишининг асосий омиллари
3. Сиёсий маданиятнинг даражалари, моделлари ва турлари.
4. Сиёсий мафкура ва унинг кўринишлари

### **Таянч тушунчалар**

**Ижтимоий кайфият** - оммавий тусдаги истаган бир гуруҳга хос ходиса.

**Сиёсий маданият** - жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири.

**Сиёсий мафкура** - жамият сиёсий ҳаёти, сиёсий тизим тузилиши, турли ижтимоий кучлар ва гуруҳларнинг ўрни ва роли тўғрисидаги ғоялар.

**Сиёсий онг** - сиёсий борлиқнинг идрок қилиши, сиёсий борлиқнинг субъектив акс этишидир.

### **1.Оммавий тусдаги хулқ-атвор**

Ваҳима инсон психикасига хос оммавий тусдаги ходидир. Ваҳима кўрқишнинг намоён бўлишидан иборат бўлиб, одатда уюлмаган гуруҳни камраб олиб, ўзаро таҳдид қилиш натижасида кучайиб бораверади. Гуруҳ-

ички жихатдан қанчалик мустахкам уюшган бўлса, бу гуруҳда айна бир хил шароитда ваҳима шунчалик кучсиз юз беради.

Ижтимоий кайфият оммавий тусдаги, истаган бир гуруҳга хос ходисадир. Худди мана шу ижтимоий кайфиятнинг ўзгинаси гуруҳдаги “психологик иқлимни” юзага келтиради. Кайфиятни юзага келтирувчи асосий омил-мазкур гуруҳдаги шахслараро муносабатлардир. Маълумки объектив қийинчиликларни “яхши психологик иқлимга” эга бўлган жамоа анча енгиллик билан хал қилади. Шунинг билан бирга гуруҳда битта фитначи пайдо бўлса бутун жамоанинг меҳнат самараси узоқ даврларгача пасайиб кетади.

### **?Оммавий тусдаги ҳодисалар индивид хулқ- атворига қандай таъсир этади?**

Жамоа кайфияти кескин ёмонлашувининг жузъий сабабаларидан бири биз баъзан айрим педогог ва раҳбарлар томонидан ишонтириш характерида қилинадиган салбий психологик таъсирлардир. Врачнинг эҳтиётсизлиги бепарволик билан айтилган сўзи натижасида одам кайфиятида юз берадиган баъзан касаллик ҳолати характерида эга бўладиган ўзгаришлар дидактоген деган ном билан юритилади.

Энг кўп ўрганилган оммавий тусдаги ходиса жамоа тафаккуридир. Жамоа тафаккури кўйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради: жамоа тафаккури жараёнида ҳар бир жамоа аъзосининг юзага келган вазифани ҳал қилишда бир мақсадга интилиб ҳаракат қилиши кучаяди. Жамоа тафаккури ҳал қилиниши лозим бўлган вазифани уйлаб ҳар томонлама ёритиб олиш имкониятини беради.

## **2. Сиёсий онг шаклланишининг асосий омиллари**

Сиёсий онг - сиёсий фан тушунчаларидан бири. У ўзининг моҳияти, манбаи, функцияларига кўра иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний онгдан фарқ қилади.

Сиёсий онг — сиёсий борлиқнинг идрок қилини-шидир. Кишилар мавжуд сиёсий воқелик билан шунчаки қаноатланиб қолмайдилар. Улар ҳамиша бу воқеликни билишга, англашга ва уни ўзгартиришга интиладилар. Кишиларнинг ана шу сиёсий борлиқ ҳақидаги билимлари, қарашлари, тасаввурлари уларнинг сиёсий онгини ташкил этади. Сиёсий онг - муайян индивид, гуруҳ, қатламлар томонидан сиёсий соҳани англаши, тасаввурлари, билимлари, баҳолаши тизимидир. Сиёсий онг - бу кишиларнинг сиёсий тизим ва ҳаёт, сиёсий муносабатлар тўғрисидаги билимлар, тасаввурлар, малакалар, эътиқодлар, ўзлари яшаб турган сиёсий тузумга баҳо беришлари йиғиндисидан иборатдир.

Сиёсий онг — сиёсий борлиқнинг субъектив акс этишидир. У сиёсий воқеликни қандай бўлса, шундай, холисона тарзда, бўямасдан, бўрттирмасдан, мутлақлаштирмасдан акс эттиришидир. Бироқ, сиёсий онг сиёсий воқеликни ойна каби қандай бўлса, шундай, механик тарзда, жонсиз акс эттирмайди. У сиёсий воқеликнинг сир-асрорига "кириб" борувчи, ундан илгарилаб кетувчи, ижтимоий-сиёсий жараён-ларнинг ўзгариши ва ривожланишини башорат қилувчи акс этишидир. Сиёсий онг — жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг барча бошқа соҳаларига катта таъсир кўрсатишга қодир бўлган ижтимоий ҳодисадир. Бундан ташқари, алоҳида олинган кишиларнинг ҳам, жамият ижтимоий-сиёсий бирлашмаларининг ҳам ҳуқуқ-атвори ва фаолиятларининг характери кўп жиҳатдан сиёсий онгнинг шаклланиш ва ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий жараёнларни сиёсий бошқариш амалиётида, ҳам жамиятнинг, ҳам уни ташкил этувчи индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг сиёсий онги ҳолатини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Бу ўринда ҳокимиятлар, сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий мувозанатни сақлаб туришга имкон берадиган, давлатнинг ижтимоий тараққиёти эҳтиёжларини тўла ифода этадиган сиёсий онгни шакллантириш ва ривожлантиришга интилишлари зарур.

Сиёсий онг кўпинча сиёсий ҳокимият тўғрисидаги тасаввурлар йиғиндисидан иборат бўлади, онгсиз, тасаввурларсиз кишилик жамияти

бўлмаганидек, сиёсий онгсиз, тасаввурларсиз ҳеч қандай сиёсий соҳанинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Сиёсий онг — бу гуруҳий характерга эга бўлган онгдир. Ҳар бир киши маълум ижтимоий гуруҳ, табақанинг аъзоси, бирорта миллатнинг вакили, бирор давлатнинг фуқароси ҳисобланади. Мана шу мансублик кишилар сиёсий онгининг мазмунини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий онг кишилар томонидан ўзларининг бирон-бир гуруҳга мансуб эканликларини англаш асосида шаклланади. Гуруҳга мансублик эса ўз навбатида кишиларда муайян сиёсий позицияга эгалик ҳиссини туғдиради.

Сиёсий онг нафақат гуруҳий, балки индивидуал характерга ҳам эгадир. У аниқ тарихий шарт-шароитнинг, муайян омиллар таъсирида ҳам бўлади.

Сиёсий онг — муайян ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг сиёсий институтларда иштироки, унга муносабатини ўзаро манфаатлар уйғунлиги даражасида акс эттирувчи ва уни таъминлаб берувчи омил ҳамдир.

### **? Сиёсий онгнинг пайдо бўлиши қандай омилларга боғлиқ?**

Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига қуйидаги манбалар асосий омил бўлиб хизмат қилади. Биринчи манба — инсоннинг оилавий муҳитидир. Сиёсий ғоялар ва ҳиссиётлар унга оиладаги тарбия орқали берилади. Бунга тўғри келувчи ижтимоий-руҳий қарашлар — сиёсий онгнинг пойдеворини барпо этади. Унинг негизида эса фуқаро шахси шаклланади. Иккинчи манба — бу кенг маънодаги ахборотдир. У инсонга ҳам муомала орқали, ҳам оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, матбуот) орқали "кириб" боради.

Учинчи манба — бу индивиднинг шахсий тажрибасидир. Бу шахсий тажриба олинган билимни рад қилади ёки тасдиқлайди. Бироқ у ҳар қандай ҳолатда ҳам сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига муҳим таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган манбалар инсонга сиёсат дунёсини таҳлил этишга ва унга нисбатан муносабатини белгилаб олишга имкон берувчи

билимлар йиғиндисини ташкил этади. Бунда оилада олинган билимлар турли авлодлар томонидан тўпланган сиёсий тажриба, қарашлар, анъаналар кадриятларни сиёсий ҳаётда акс этиши, уни қўллаш орқали ҳам намоён бўлади. Ахборот ҳақиқий ҳам, ёки ёлғон ҳам бўлиши мумкин. Инсоннинг ҳаётий тажрибаси ҳам унинг бошидан кечирилган бойлиги бўлатуриб типик бўла олмаслиги ва сиёсий воқеликни акс эттира олмаслиги ҳам мумкин.

Ҳар қандай шароитда ҳам инсоннинг ўзи бу омилларни кўпроқ ёки озроқ даражада равшан бўлган ва маънавий жиҳатдан тузилган сиёсий тизим ўзгартиради. Кўп кишиларда бу жараён стихияли тарзда, тасодифан ва мавҳум равишда содир бўлади. Бундан ташқари кўп кишилар уларга ўргатган, ёки бошқа ташқи манбалардан бўлган сиёсий мўлжалга қаратилган фикр-мулоҳазаларни қайтаришга мойил бўладилар.

Кишиларнинг сиёсий муаммоларни англаши сиёсат дунёси ҳақидаги тасаввурлари, қизиқишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, оғир аҳволда қолган корхона ишчиси ишдан бўшатишни кўзда тутмайдиган қарорларни яхши қарорлардир, деб ҳисоблайди. Бошқараётган ягона партиянинг фаоли, агар ҳокимиятга муҳолифат келса, мамлакатда иқтисодий вазият ёмонлашади, деб ўйлайди. Соғлом амалий муҳолифат билан носоғлом муҳолифатнинг фарқини ҳисобга ҳам олмайди. Агар бирор сиёсий арбоб коррупцияда айбланса, уни ўзининг сиёсий мавқеига боғланган ҳодда айбдор, деб ҳисоблайди.

Демак, воқелик ўзидан-ўзи сиёсий онг орқали баҳоланмайди. Унинг қабул қилиниши кишиларнинг аввалги эътиқодлари ва манфаатларига ҳам боғлиқдир.

Сиёсий онг якка холда эмас, балки ижтимоий онгнинг бошқа шакллари: иқтисодий қарашлар, фалсафий таълимотлар, ҳуқуқий назариялар ва меъёрлар, ахлоқий, эстетик кадриятлар билан ўзаро боғлиқ ва биргаликда ҳаракат қилади.

Кўп сиёсий таълимотлар ва кадриятлар сиёсий онгининг маҳсули бўла туриб, ҳозирги жамиятда ғоявий аҳамиятга эгадир. Улар фақат кишиларнинг

сиёсий маданиятини юксалтириш учунгина эмас, балки инсониятнинг маънавий, маърифий, маданий тараққиёти учун ҳам жуда муҳимдир.

Шу билан бирга, айрим давлатлар ва улардаги бирлашмалар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, партияларнинг сиёсий фаолияти жараёнида сиёсий онгнинг тўғри келмай қолиши, унинг тинч, маданий, муроса характерда бўлиши ўта муҳимдир.

Сиёсий онг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Бу функцияларга қуйидагилар киради:

1. Сиёсий ҳаёт тўғрисида билиш — ахборот бериш. Кишилар эртами ёки кечми, хоҳлайдими ёки йўқми, аммо муқаррар равишда сиёсат дунёсига дуч келади. Улар бу соҳа билан шуғулланишни хоҳламасаларда сиёсат улар билан барибир "шуғулланади". У кишиларнинг ҳаётига ва тақдирига давлат, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали таъсир кўрсатади. Сиёсат кишиларга сиёсий ахборот кўринишида "кириб" боради.

Ҳозирги ҳаётнинг механизмлари шундайки, ки-шилар доимо бирор йўлни, шу жумладан, сиёсий йўлни танлаб олишга эҳтиёж сезадилар. Бу уларни сиёсат дунёсини билишга, сиёсий ахборотларни эгаллашга ундайди.

Сиёсий онг кишиларга сиёсий билимлар ва ахбо-ротларни ўзлаштиришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрнини белгилашга ва уни тўғри мўлжални олишга ёрдам беради.

2. Сиёсий баҳолаш. Сиёсий онг социал сиёсий воқеликни нафақат билади, изохлайди, балки уни баҳолайди. Кишилар у ёки бу сиёсий ходисалар, воқеаларни англаш жараёнида уларга ўз муносабатларини билдирадилар. Ўзлари учун муайян хулосаларни чиқарадилар. Айнан сиёсий воқеликни баҳолаш асосида кишилар ўзларининг сиёсий қарашларини, эътиқодларини, позицияларни, қизиқишларини шакллантирадилар.

3. Сиёсий-ижтимоий йўналтириш. Сиёсий онг кишиларга ўзларларини жамият ва давлат олдида нафақат бурчларга, мажбуриятларга, балки муайян ҳуқуқлар, эркинликлар ва сиёсий манфаатларга эга бўлган фуқаролар эканликларини англашга ёрдам беради. Ўз навбатида фуқаролик ўзини-ўзи

идрок этиш, кишиларни социал воқеликни бўш, бир томонлама англашдан ижтимоий-сиёсий ҳаётда аниқ ва фаол иштирок этишга ундайди. Бу билан сиёсий онг ўзининг йўналтирувчилик функцияси орқали кишиларнинг аниқ сиёсий хулқ-атворини ўзларининг социал сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишлари учун ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари, сиёсий партияларга, жамоат ташкилотлари ва бошқа сиёсий уюшмаларга ўзларининг ҳам фикрлари билан бирлашишлари зарурлигини уйғотади.

4. Сиёсий ҳаёт ва манфаатларни тартибга солиш. Сиёсий онг воқеликни идрок этиш асосида ҳамда унинг томонидан ишлаб чиқилган сиёсий ғоялар, меъёрлар, тасаввурлар ва эътиқодлар негизида кишиларнинг сиёсий ижтимоий хулқ-атворларини, фаолиятини тартибга солади.

Сиёсий **онгнинг** тартибга солиш функциясига эҳтиёж жамият тараққиётининг кескин бурилиш босқичларида, **инкирозли** даврларида мислсиз ортади. **Айнан сиёсий** тизимнинг самарадорлиги, воқеаларнинг ривожланиш йўли, ижтимоий-сиёсий ўзгариш-ларнинг йўналтирилганлиги жамият кенг қатламларининг сиёсий онгига, "юқоридагилар"нинг **сиёсий** кўрсатмаларига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг социал субъектлар (индивидлар, гуруҳлар, синфлар, ижтимоий бирликлар)нинг ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳаси ҳақидаги билимлари, тасаввурлари ва баҳолашларининг йиғиндисидан иборатдир. У бир қатор функцияларни билиш, баҳолаш, йўналтириш, тартибга солиш каби функцияларни бажариш билан жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди, уни ҳаракатга келтиради, ўзгартиради

Сиёсий онг — мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса. У турли-туман даражалар ва шаклларда, аввало, махсус ва оммавий сиёсий онг шаклларида мавжуд бўлади.

**Махсус сиёсий онг** — бу қоида бўйича, мафкуравий жиҳатдан бир хил бўлган онгдир. Дастлаб у кам сонли кишиларнинг мулки ҳисобланади. Унинг ташувчилари — сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотлар ва бирлашмалардир. Улар муайян йўналиш бўйича оммавий онгни

шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият зарурлигини белгилайди.

Махсус сиёсий онгда бош масала — ижтимоий гуруҳдир, қатламларнинг оддий вакиллари онгига муайян кўрсатмаларни, қоидаларни ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва жорий этишдир.

**Оммавий сиёсий онг** жамият эҳтиёжларининг даражаси ва мазмунини бевосита ифода этади. У сиёсий воқелик ҳақидаги жамият билимларининг характерини ҳам акс эттиради. Бундай билимлар, бир томондан, турли мафкуралар томонидан ишлаб чиқилади ва сиёсий онгда мустаҳкамланади.

Иккинчи томондан эса ушбу билимлар ижтимоий гуруҳларнинг амалий фаолияти томонидан қўлга киритилади.

Оммавий сиёсий онг аниқ-тарихий ва ўзгарувчан характерга эга. У тез-тез қўтарилиш ва пасайиш даврларини ўз бошидан кечиради. Унга кўплаб омиллар: мамлакатдаги сиёсий ҳолатлар, сиёсий тизим, режим, у ёки бу партияларнинг сиёсий йўли ва тактик-стратегик фаолияти, турли **ижтимоий** алғов-далғовлар, муайян **тарихий** вазиятнинг мазмуни ва бошқалар таъсир ўтказиб туради.

Махсус сиёсий онг ва оммавий сиёсий онг ўзаро чамбарчас боғлангандир. Реал ҳаётда улар ўртасидаги алоқаларининг турли вариантлари бўлиши мумкин.

Айрим вақтларда муайян сиёсий партия томонидан назарий ва амалий ҳаётга сингдирилган қоидалар, урф-одатлар жамиятнинг сиёсий онгида узок вақтгача асорат сифатида сақланиб қолиши мумкин. Бу ҳолни кўплаб сиёсий арбоблар, донишмандлар таъкидлаганлар.

Тескари вазият ҳам бўлиши мумкин: оммавий сиёсий онгда у ёки бу сиёсий ҳаракатнинг, қандайдир сиёсий қарорни қабул қилишнинг зарурлиги эътироф этилади, махсус онг эса бунга тайёр эмас. Масалан, мамлакатда кўп партиявийликнинг зарурлиги ҳақидаги ғоя жамиятда оддийдек ўз тасдиғини топган бўлса ҳам, керак бўлган ташаббус ҳукмрон партия, давлат томонидан анча кечикиб қабул қилиниши мумкин.



Ўз-ўзидан яққол кўриниб турибдики, жамиятнинг конструктив ва барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун махсус ва оммавий сиёсий онгнинг ўзаро ҳаракати жуда муҳим. Уларнинг кишилар ва жамиятнинг, уни ташкил этувчи ижтимоий гуруҳларнинг ички дунёсидаги, кайфиятидаги ўзгартиришларга биргаликдаги аниқ ва ўз вақтидаги реакцияси, жавоби бундан ҳам муҳимроқ.

Сиёсий онг назарий ва эмпирик даража ва шакл-ларга ажралади.

Назарий сиёсий онг — бу сиёсий характерга эга бўлган турли турдаги ғоялар, концепциялар, қарашлардир. Унинг белгилари:

—яхлитлик;

—системаланганлик;

башорат қилишга қобилияти билан боғлиқ.

Назарий сиёсий онгнинг хусусияти — унинг иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий-стратегик ва бошқа реаллик билан чамбарчас боғлиқлигидир. Сиёсий онгнинг ушбу шакли сиёсий назарияларнинг керакли сиёсий дастурлар, декларациялар ва доктриналар бўлиб шаклланганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Амалиётда жорий этиладиган ушбу дастурлар, дек-ларациялар ва доктриналар сиёсий онгни сиёсатнинг етакчи элементи сифатида мустақкамлаб кўядилар. Сиёсий муносабатлар ва сиёсий институтлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг характери ўз навбатида бу элементга боғлиқ бўлади.

Назарий онг даражаси ва шаклида сиёсатни англаш қўйидагиларни:

а) унинг муҳим мақсадлари ва ҳам фундаментал (стратегик), ҳам кундалик (тактик) вазифаларни қўйиш ва ҳал этишга;

б) уларга эришишнинг воситалари ва усулларини аниқлашга;

в) долзарб муаммоларни ҳал қилишда ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъмин этишнинг йўналишлари ва йўлларини аниқлаб олишга;

г) сиёсий қарорлар ва мақсадли дастурларнинг бажарилиши устидан социал назоратга концептуал ёндашувларни ишлаб чиқишга;

д) амалий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сиёсатга тузатишлар киритишга имкон беради.

Эмпирик сиёсий онг — бу бевосита амалиётга, сиёсий жараёнда алоҳида кишиларнинг, майда ва йирик социал бирликларнинг фаол иштирок этишларига асосланган сиёсий онг даражаси ва шаклидир. У назарий сиёсий онгнинг замини бўлиб хизмат қилади.

Эмпирик сиёсий онг- сиёсий воқеликни ҳиссиётлар, тасаввурлар, иллюзиялар, кечинмалар шаклида акс эттиради. У, биринчидан, оммада сиёсат ва сиёсий арбобларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш учун озуқа бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, жамият сиёсий маданиятининг маънавий негизи бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий онг «ижтимоий-сиёсий онг» ва оддий (кундалик) онг даража ва шаклига ҳам ажралади.

**Ижтимоий-сиёсий онг-** бу расмий сиёсатда ишлаб чиқиладиган, асосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибига солинадиган сиёсий онг даражасидир. Унинг ташувчилари давлат, сиёсий институтлардир. Бу институтлар сиёсий муносабатларни турли қонун лойиҳалари, дастурлар, қарорлар, конституция ва уларнинг моддаларига тузатишлар ва бошқаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ҳаётда тадбиқ этиш йўли билан тартибга солади.

Бу онг даражасининг энг муҳим белгиси- турли сиёсий кучларнинг умумий манфаатларини ифода этишга интилишидир. Бу даражада мавжуд сиёсий тартиблар ва бошқариш пиринциплари изчиллик, қатъиятлилиқ билан ҳимоя қилинади, жамоатчилик фикрининг давлат институтлари олиб бораётган сиёсатга мослаштирилиши содир бўлади.

Сиёсий онг учун сиёсий воқеликни оқилона прагматик услубда идрок этиш –ҳокимиятни идора этиш, ушлаб туриш жараёнида муваффақиятга эришишни мўлжаллаш ҳам характерли хусусиятдир.

**Кундалик сиёсий онг-** бу ижтимоий қатлам ёки кишилар гуруҳларнинг кундалик ҳаётида бевосита пайдо бўладиган сиёсий ҳаёт

туғрисидаги илк, содда тассавурлар йиғиндиси. У мазмунига кўра кўп жихатдан эмприк онгга ўхшашдир. Лекин, кундалик онг эмприк онгдан фарқ қилади. У муайян ғоявий ва назарий элементларга эга.

Кундалик онгга равшан кўзга ташланадиган социал- рухий белгилар: зиддиятликка, ўзгарувчанлик, тизимга кўрмаганлик, ҳиссиёт, кайфият, эҳтирослар хосдир. Бу унга ўзига хос динамиклик (тез ўзгарувчанлик) сиёсий вазиятнинг ўзгаришини аниқ ҳис этишни бахшида этади.

Сиёсий онгнинг оддий даражаси рационаллик ва эмоционалликнинг, жонли ҳаёт тажрибаси ва анъаналарининг, дақиқалик кайфият ва барқарор стереотипларининг ўзаро боғлиқлиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳам у беқарор, ҳиссиёт ва бевосита тажрибанинг ўзгаришига боғлиқ тебранишлар маҳкум этилди.

Шундай қилиб, сиёсий онг мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса. У нафақат сиёсий воқеликни акс эттиради, балки уни ижод қилади, ўзгартиради.

Сиёсий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар, тарихий тажриба, миллий қадириятлар, сиёсий ҳаётни идрок этишга қаратилган урф-одат, анъаналар негизида шаклланади. Бундай шарт-шароитлар мавжуд бўлмас экан, инсонда сиёсий онг шаклланмайди. У сиёсатнинг объектлигича қолаверади. Сиёсий онгнинг шаклланиши- мураккаб жараён. Бу аввало, ижтимоий-сиёсий шарт-шароит демократик сиёсий тартибнинг мавжудлигига боғлиқ. Жамиятда бундай муносабатлар мавжуд бўлмаса, мустахкамланиб борилмаса инсонда демократик, юксак сиёсий онг шаклланмайди. Жамиятда мавжуд бўлган авторитар, маъмурий-буйруқбозлик сиёсий тизими эса инсон сиёсий онгининг шаклланишига имкон бермайди. Аксинча бу тизим инсонни кулликка маҳкум этади, уни ҳокимиятдан бегоналаштиради, биқиқлик, бефарқлигини туғдиради, бошқарув аппаратларини халқдан узоқлаштиради.

Жамиятда демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустахкамланиб бориши-инсонда сиёсий онг шаклланишининг ҳал қилувчи

шартидаир. Бундай сиёсий тизим инсон сиёсий онги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбарлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон сиёсий ҳаётда шунчалик фаол иштирок этади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятда фақат демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги билан белгиланиб қолмайди. У жамият иқтисодиётининг тараққий этиб бориши даражасига, халқнинг моддий фаровонлигига кўп жихатдан боғлиқдир.

Жамият иқтисодиётнинг юқори даражада тараққий этиши фуқаролик жамиятининг билимдон, малакали, касбий тайёргарликка эга бўлган бошқарув кадрлари корпусининг шаклланиши учун зарур база бўлиб хизмат қилади. Демократия негизда самарали бошқариш учун зарур бўлган умумтаълим ва касб тайёргарлигининг юқори даражасига эришиш мумкин. Давлат хизмати, сиёсий фаолиятга тезда бой бўлиб кетиш мақсадида шахсий манфаатларини қондиришнинг воситаси сифатида қараш бошқариш тизими учун оғир оқибатлар келтириб чиқаради.

Иқтисодиётнинг тараққий этиши, халқнинг фаровонлигига эришуви-сиёсий онг шаклланишининг асосий шартларидан биридир. Жамият қанчалик иқтисодий жихатдан тараққий этиб борса, у идора қилишнинг демократик шаклларига шунчалик очиқ бўлади. Халқ қанчалик бой ва бадавлат, фаровон яшаса, у шунчалик демократияни қўллаб қувватлайди ва химоя қилади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий, маърифий ривожланишига кўп жихатдан боғлиқдир. Сабаби, маънавий, маърифий тараққий этмаган жамият ҳеч қачон инсонни сиёсат субъекти сифатида шакллантира олмайди. Бундай жамият ва унинг фуқаролари сиёсий манипуляция-фирибгарликнинг объекти бўлиб қолаверади. Маънавий қашшоқ, саводсиз бўлган инсон жамият англаган сиёсатдан ташқарида бўлади. У сиёсий ҳаракатларнинг субъекти эмас, балки объекти бўлиб қолади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг маънавий, маърифий соҳаси инсоннинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса

у шунчалик сиёсий билимдон бўлади. Энг асосийси, демократик йўл, кўрсатмалар, хатти-харакатларга мойиллик бўлади. Хусусан, мукамал таълим инсоннинг сиёсий дунёқарашини кенгайтиради, сабр тоқатли, меҳр оқибатли бўлишига ёрдам беради, экстремистик ғояларга алоқадор бўлишдан сақлайди, сайлов компаниялари даврида унинг одил ва оқилона йўлини танлаш қобилиятини оширади. Юқори маълумотга эга бўлган шахс ҳукуматнинг қарорларини, кўрсатмаларини яхши англайди, сиёсий хабарларни чуқур билади, кенг доирадаги масалалар бўйича ўзининг мустақил фикрига эга бўлади. Инсон қанчалик маълумотли бўлса унинг сиёсий бахс-мунозараларида иштирок этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. У ўзини кичик бир мурувват эмас, балки ҳукуматнинг фаол субъекти ва унга таъсир кўрсатишига қодир инсон, деб ҳисоблайди. Индивид қанчалик маълумотли бўлса, у муайян жамият ташкилотларининг фаол аъзоси бўлиши, ўзини ўраб турган ижтимоий-сиёсий муҳитга ишонч билдириши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг муайян ижтимоий-сиёсий иқтисодий, маънавий-маърифий омиллар, шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бу омиллар инсон сиёсий фаолиятининг ривожланишига, унинг сиёсий субъекти сифатидаги потенциал фазилатларининг очилишига ёрдам беради.

### **3. Сиёсий маданиятнинг даражалари, моделлари ва турлари**

Сиёсий маданият - жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири сифатида муҳим ўринга эга.

Жамиятда сиёсий маданиятнинг нечоғлик ривожланганлик даражасига қараб унинг сиёсий тизими қанчалик мукамал ташкил қилинганлигига баҳо бериши мумкин. Сиёсий маданият фуқароларнинг сиёсий жихатдан лаёқатлилиқ даражасини ифода этиб, жамиятда сиёсий ва давлат институтларининг шаклланиши, фаолият кўрсатишига, шунингдек, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ташкил қилиниши жараёнига ҳал қилувчи, таъсир ўтказувчи омил сифатида намоён бўлади.

Сиёсий маданият ўзининг мазкур жихатлари билан мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаш, мустахкамлаш, жамиятни демократиялаштириш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида, аҳолини маънавий жихатдан юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий маданият умуммиллий маданиятнинг ўзига хос, шу билан биргаликда ажралмас қисми ҳисобланади. Сиёсий маданият, аввалам бор, катта ва кичик ижтимоий гуруҳларнинг, умуман инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида олган сиёсий тажрибасидир. Сиёсий маданият бир жойда қотиб турмайди, у доимо ўсишда, ўзгаришда бўлади. Айтиб бериш пайтида сиёсий маданият бўш жойда ўз-ўзидан пайдо бўлиб ҳам қолмайди. Сиёсий маданиятнинг шаклланишига таъсир қилувчи кўплаб омиллар бор.

Сиёсий маданият тушунчаси қачон пайдо бўлган, унинг моҳияти нималарда ўзининг аниқроқ ифодасини топади?

Инсонларнинг бевосита маънавий ҳаёти, қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи сиёсий ҳодиса бўлган сиёсий маданият сиёсатнинг ўзи каби узоқ тарихга эгадир. Сиёсий маданият тушунчаси у ёки бу тарзда қадимги мутафаккирлар томонидан ҳам маълум даражада талқин қилинган. Сиёсат оламининг буюк донишмандлари бўлмиш Конфуций, Арасту, Афлотун, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, Макиавелли ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

«Сиёсий маданият» терминининг ўзи эса анча кейинроқ пайдо бўлди. Уни илмий муомалага XVIII асрда немис файласуфи ва маърифатпарвари И.Гердер олиб кирган деган қараш мавжуд.

Эмпирик асосга эга бўлган сиёсий маданият тўғрисидаги илмий концепциялар эса ғарбда XX асрнинг ўрталарига келибгина шакллана бошлади. Бунда йирик халқаро тадқиқотчилар бўлган Г.Алмонд, Х.Файер, С.Верба, А.Липсет, М.Дюверже, У.Разенбаум, Г.Пауелл, Л.Пай кабиларнинг хиссалари бор. Масалан, ҳозирги замон политологиясида «сиёсий маданият» тушунчасини ишлатган Америкалик назариётчи Х.Файернинг 1956 йилда

босилиб чиққан «Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими» номли китоби сиёсий маданиятнинг мохиятини англаш йўлида қўйилган муҳим кадамлардан бўлган бўлса, ундан сал кейинроқ Г.Алмонд ва С.Верба беш мамлакат АҚШ, Буюк Британия, Германия, Мексика ва Италия сиёсий жараёнларини тадқиқ қилиш асосида ўзларининг «Фуқаролик маданияти» (1963) номли мактабни эълон қилди. Л.Пай билан С.Верба ўнта мамлакат жамияти сиёсий маданиятини ўрганиши асосида «Сиёсий маданият ва сиёсий тадқиқот» (1965) номли асарини чоп эттирдилар.

Бу илмий иш сиёсий маданиятнинг ҳозирги замон концепциясининг шаклланишига муҳим туртки бўлди ҳамда сиёсий маданият назариясининг келажакдаги тараққиётига маълум даражада замин тайёрлаб берди.

Сиёсий маданият тушунчасини талқин қилишда турлича ёндошувлар мавжуд. Бу табиий ҳол албатта, лекин уларнинг барчасини бир-бирига боғлаб турувчи умумий жиҳат ҳам мавжуд. Бу сиёсий маданиятнинг жамият сиёсий-ижтимоий жамиятлари, сиёсий институтлари билан бевосита узвийлиги, унга бўлган муносабат ҳолатидир.

### **? Сиёсий маданиятни шакллантириш воситалари нима?**

Сиёсий маданиятнинг ҳозирги вақтда илмий муомалада мавжуд бўлган қўйидаги талқинларни келтириб ўтиш мумкин:

-сиёсий маданият бу –ўзига асосий маърифатни, асосий онглиликни ҳамда ижтимоий сиёсий фаолиятини ҳам қамраб олган шахс ва ижтимоий бирликнинг маданиятидир;

-сиёсий маданият бу- ўз ичида ижтимоий сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан бевосита алоқадор бўлган элементларни қамраб олган жамият маънавий маданиятининг бир қисмидур;

-сиёсий маданият- конкрет ижтимоий бирлик ёки шахсга тегишли бўлган сиёсий онг ва сиёсий хулқ атвор стереотиплари йиғиндисидир;

Асосланган сиёсий онг даражаси ва шаклидир. У назарий сиёсий онгнинг замини бўлиб хизмат қилади.

Эмпирик сиёсий онг- сиёсий воқеликни ҳиссиётлар, тасаввурлар, иллюзиялар, кечинмалар шаклида акс эттиради. У, биринчидан, оммада сиёсат ва сиёсий арбобларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш учун озуқа бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, жамият сиёсий маданиятининг маънавий негизи бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий онг «ижтимоий-сиёсий онг» ва оддий (кундалик) онг даража ва шаклига ҳам ажиралади.

**Ижтимоий-сиёсий онг-** бу расмий сиёсатда ишлаб чиқиладиган, саосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибига солинадиган сиёсий онг даражасидир. Унинг ташувчилари давлат, сиёсий институтлардир. Бу институтлар сиёсий муносабатларни турли қонун лойиҳалари, дастурлар, қарорлар, конституция ва уларнинг моддаларига тузатишлар ва бошқаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ҳаётда тадбиқ этиш йўли билан тартибга солади.

Бу онг даражасининг энг муҳим белгиси- турли сиёсий кучларнинг уммумий манфаатларини ифода этишга интилишидир. Бу даражада мавжуд сиёсий тартиблар ва бошқариш пиринциплари изчиллик, қатъиятлилиқ билан ҳимоя қилинади, жамоатчилик фикрининг давлат институтлари олиб бораётган сиёсатга мослаштирилиши содир бўлади.

Сиёсий онг учун сиёсий воқеликни оқилона прагматик услубда идрок этиш –ҳокимиятни идора этиш, ушлаб туриш жараёнида муваффақиятга эришишни мўлжаллаш ҳам характерли хусусиятдир.

**Кундалик сиёсий онг-** бу ижтимоий қатлам ёки кишилар гуруҳларнинг кундалик ҳаётида бевосита пайдо бўладиган сиёсий ҳаёт тўғрисидаги илк, содда тасаввурлар йиғиндиси. У мазмунига кўра кўп жихатдан эмприк онгга ўхшашдир. Лекин, кундалик онг эмпирик онгдан фарқ қилади. У муайян ғоявий ва назарий элементларга эга.

Кундалик онгга равшан кўзга ташланадиган социал- рухий белгилар: зиддиятлиқка, ўзгарувчанлик, тизимга кўрмаганлик, ҳиссиёт, кайфият,



эхтирослар хосдир. Бу унга ўзига хос динамиклик (тез ўзгарувчанлик) сиёсий вазиятнинг ўзгаришини аниқ ҳис этишни бахшида этади.

Сиёсий онгнинг оддий даражаси рационаллик ва эмоционалликнинг, жонли ҳаёт тажрибаси ва анъаналарининг, дақиқалик кайфият ва барқарор стереотипларининг ўзаро боғлиқлиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳам у бекарор, ҳиссаиёт ва бевосита тажрибанинг ўзгаришига боғлиқ тебранишлар маҳкум этилди.

Шундай қилиб, сиёсий онг мураккаб ва кўп қиррали ходиса. У нафақат сиёсий воқеликни акс эттиради, балки уни ижод қилади, ўзгартиради.

**Сиёсий онг шаклланишининг асосий омиллари** Сиёсий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар, тарихий тажриба, миллий қадириятлар, сиёсий ҳаётни идрок этишга қаратилган урф-одат, анъаналар негизда шаклланади. Бундай шарт-шароитлар мавжуд бўлмас экан, инсонда сиёсий онг шаклланмайди. У сиёсатнинг объектлигича қолаверади. Сиёсий онгнинг шаклланиши-мураккаб жараён. Бу аввало, ижтимоий-сиёсий шарт-шароит-демагратик сиёсий тартиботни нг мавжудлигига боғлиқ. Жамиятда бундай муносабатлар мавжуд бўлмаса, мустахкамланиб борилмаса инсонда демагратик, юксак сиёсий онг шаклланмайди. Жамиятда мавжуд бўлган авторитар, маъмурий-буйруқбозлик сиёсий тизими эса инсон сиёсий онгининг шаклланишига имкон бермайди. Аксинча бу тизим инсонни кулликка маҳкум этади, уни ҳокимиятдан бегоналаштиради, биқиқлик, бефарқлигини туғдиради, бошқарув аппаратларини халқдан узоқлаштиради.

Жамиятда демогратик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустахкамланиб бориши-инсонда сиёсий онг шаклланишининг ҳал қилувчи шартидаир. Бундай сиёсий тизим инсон сиёсий онгги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни ра.барлантиради. Жамият

сиёсий тизими қанчалик демографик бўлса, инсон сиёсий ҳаётда шунчалик фаол иштирок этади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятда фақат демографик сиёсий тизимнинг мавжудлиги билан белгиланиб қолмайди. У жамият иқтисодиётининг тараққий этиб бориши даражасига, халқнинг моддий фаровонлигига кўп жихатдан боғлиқдир.

Жамият иқтисодиётнинг юқори даражада тараққий этиши фуқаролик жамиятининг билимдон, малакали, касбий тайёргарликка эга бўлган бошқарув кадрлари корпусининг шаклланиши учун зарур база бўлиб хизмат қилади. Демократия негизида самарали бошқариш учун зарур бўлган умумтаълим ва касб тайёргарлигининг юқори даражасига эришиш мумкин. Давлат хизмати, сиёсий фаолиятга тезда бой бўлиб кетиш мақсадида шахсий манфаатларини қондиришнинг воситаси сифатида қараш бошқариши тизими учун оғир оқибатлар келтириб чиқаради.

Иқтисодиётнинг тараққий этиши, халқнинг фаровонлигига эришуви-сиёсий онг шаклланишининг асосий шартларидан биридир. Жамият қанчалик иқтисодий жихатдан тараққий этиб борса, у идора қилишнинг демократик шаклларига шунчалик очиқ бўлади. Халқ қанчалик бой ва бадавлат, фаровон яшаса, у шунчалик демократияни қўллаб қувватлайди ва химоя қилади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий, маърифий ривожланишига кўп жихатдан боғлиқдир. Сабаби, маънавий, маърифий тараққий этмаган жамият ҳеч қачон инсонни сиёсат субъекти сифатида шакллантира олмайди. Бундай жамият ва унинг фуқаролари сиёсий манипуляция-фирибгарликнинг объекти бўлиб қолаверади. Маънавий қашшоқ, саводсиз бўлган инсон жамият англаган сиёсатдан ташқарида бўлади. У сиёсий ҳаракатларнинг субъекти эмас, балки объекти бўлиб қолади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг маънавий, маърифий соҳаси инсоннинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса у шунчалик сиёсий билимдон бўлади. Энг асосийси, демократик йўл, кўрсатмалар, хатти-ҳаракатларга мойиллик бўлади. Хусусан, мукаммал

таълим инсоннинг сиёсий дунёқарашини кенгайтиради, сабр тоқатли, меҳр оқибатли бўлишига ёрдам беради, экстремистик ғояларга алоқадор бўлишдан сақлайди, сайлов компаниялари даврида унинг одил ва оқилона йўлини танлаш қобилиятини оширади. Юқори маълумотга эга бўлган шахс ҳукуматнинг қарорларини, кўрсатмаларини яхши англайди, сиёсий хабарларни чуқур билади, кенг доирадаги масалалар бўйича ўзининг мустақил фикрига эга бўлади. Инсон қанчалик маълумотли бўлса унинг сиёсий баҳс-мунозараларида иштирок этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. У ўзини кичик бир мурувват эмас, балки ҳукуматнинг фаол субъекти ва унга таъсир кўрсатишига қодир инсон, деб ҳисоблайди. Индивид қанчалик маълумотли бўлса, у муайян жамият ташкилотларининг фаол аъзоси бўлиши, ўзини ўраб турган ижтимоий-сиёсий муҳитга ишонч билдириши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг муайян ижтимоий-сиёсий иқтисодий, маънавий-маърифий омиллар, шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бу омиллар инсон сиёсий фаолиятининг ривожланишига, унинг сиёсий субъекти сифатидаги потенциал фазилатларининг очилишига ёрдам беради.

### **Сиёсий маданият ва унинг тузилиши**

Сиёсий маданият- жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири сифатида политологияда муҳим ўринга эга.

Жамиятда сиёсий маданиятнинг нечоғлик ривожланганлик даражасига қараб унинг сиёсий тизими қанчалик мукамал ташкил қилинганлигига баҳо бериши мумкин. Сиёсий маданият фуқароларнинг сиёсий жихатдан лаёқатлилик даражасини ифода этиб, жамиятда сиёсий ва давлат институтларининг шаклланиши, фаолият кўрсатишига, шунингдек, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ташкил қилиниши жараёнига ҳал қилувчи, таъсир ўтказувчи омил сифатида намоён бўлади.

Сиёсий маданият ўзининг мазкур жихатлари билан мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаш, жамиятни демократиялаштириш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида,

аҳолини маънавий жихатдан юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий маданият умуммиллий маданиятнинг ўзига хос, шу билан биргаликда ажралмас қисми ҳисобланади. Сиёсий маданият, аввалам бор, катта ва кичик ижтимоий гуруҳларнинг, умуман инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида олган сиёсий тажрибасидир. Сиёсий маданият бир жойда қотиб турмайди, у доимо ўсишда, ўзгаришда бўлади. Айтиб бериш пайтида сиёсий маданият бўш жойда ўз-ўзидан пайдо бўлиб ҳам қолмайди. Сиёсий маданиятнинг шаклланишига таъсир қилувчи кўплаб омиллар бор.

Сиёсий маданият тушунчаси қачон пайдо бўлган, унинг моҳияти нималарда ўзининг аниқроқ ифодасини топади?

Инсонларнинг бевосита маънавий ҳаёти, қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи сиёсий ҳодиса бўлган сиёсий маданият сиёсатнинг ўзи каби узоқ тарихга эгадир. Сиёсий маданият тушунчаси у ёки бу тарзда қадимги мутафаккирлар томонидан ҳам маълум даражада талқин қилинган. Сиёсат оламининг буюк донишмандлари бўлмиш Конфуций, Арасту, Афлотун, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, Макиавелли ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

«Сиёсий маданият» терминининг ўзи эса анча кейинроқ пайдо бўлди. Уни илмий муомалага XVIII асрда немис файласуфи ва маърифатпарвари И.Гердер олиб кирган деган ҳараш мавжуд.

Эмпирик асосга эга бўлган сиёсий маданият тўғрисидаги илмий концепциялар эса ғарбда XX асрнинг ўрталарига келибгина шакллана бошлади. Бунда йирик халқаро тадқиқотчилар бўлган Г.Алмонд, Х.Файер, С.Верба, А.Липсет, М.Дюверже, У.Разенбаум, Г.Пауелл, Л.Пай кабиларнинг ҳиссалари бор. Масалан, ҳозирги замон политологиясида «сиёсий маданият» тушунчасини ишлатган Америкалик назариётчи Х.Файернинг 1956 йилда босилиб чиққан «Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими» номли китоби сиёсий маданиятнинг моҳиятини англаш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бўлган бўлса, ундан сал кейинроқ Г.Алмонд ва С.Верба беш

мамлакат АҚШ, Буюк Британия, Германия, Мексика ва Италия сиёсий жараёнларини тадқиқ қилиш асосида ўзларининг «Фуқаролик маданияти» (1963) номли мактабни эълон қилди. Л.Пай билан С.Верба ўнта мамлакат жамияти сиёсий маданиятини ўрганиши асосида «Сиёсий маданият ва сиёсий тадқиқот» (1965) номли асарини чоп эттирдилар.

Бу илмий иш сиёсий маданиятнинг hozirgi замон концепциясининг шаклланишига муҳим туртки бўлди ҳамда сиёсий маданият назариясининг келажакдаги тараққиётига маълум даражада замин тайёрлаб берди.

Сиёсий маданият тушунчасини талқин қилишда турлича ёндошувлар мавжуд. Бу табиий хол албатта, лекин уларнинг барчасини бир-бирига боғлаб турувчи умумий жиҳат ҳам мавжуд. Бу сиёсий маданиятнинг жамият сиёсий-ижтимоий жамиятлари, сиёсий институтлари билан бевосита узвийлиги, унга бўлган муносабат ҳолатидир.

Сиёсий маданиятнинг hozirgi вақтда илмий муомалада мавжуд бўлган кўйидаги талқинларни келтириб ўтиш мумкин:

-сиёсий маданият бу –ўзига асосий маърифатни, асосий онгликни ҳада ижтимоий сиёсий фаолиятини ҳам қамраб олган шахс ва ижтимоий бирликнинг маданиятидир;

-сиёсий маданият бу- ўз ичида ижтимоий сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан бевосита алоқадор бўлган элементларни қамраб олган жамият маънавий маданиятининг бир қисмидур;

-сиёсий маданият- конкрет ижтимоий бирлик ёки шахсга тегишли бўлган сиёсий онг ва сиёсий хулқ атвор стереотиплари йиғиндисиدير;

Юқорида келтирилган мезонлардан кўришиб турибдики, шарқона сиёсий маданият асослари инсоният заковати яратган энг олийжаноб жиҳатларни ўзига қамраб олади. Шунинг учун ҳам у бошқа сиёсий маданият турларининг энг яхши ижобий жиҳатларини ўзига қабул қилиши мумкин.

Сиёсий маданиятнинг моделлари билан бир қатор-да унинг турлари ҳам мавжуддир:

1. Сиёсий маданиятнинг "ёпиқ" тури — ўзининг сиёсий жиҳатдан биқиқлиги билан характерланади. Сиёсий маданиятнинг бошқа турларига нисбатан мурасасиз бўлади, уларни мутлақо қабул қила олмайди. Фақат ўзининг тор миллий қобиғида қолади.

2. Сиёсий маданиятнинг очиқ" тури — сиёсий маданиятнинг бошқа турларини ижобий қабул қила олади. Бой анъаналари бўлгани ҳолда сиёсий воқеликлардаги ўзгарган янги реалликларни қабул қилади. Доимий равишда ўз-ўзини бойитиб бориш хусусиятига эга. Шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради. Сиёсий маданиятнинг атриархал тури — унчалик ривожланмаган бой маънавий маданияти, қадриятларга эга бўлмаган халқларга хос бўлиб, ушбу тур вакилларининг сиёсий фаоллик ҳолати деярли бўлмайди, улар сиёсий қадриятлар, сиёсий нормалар ва институтларга қизиқиш билдирмайдилар. Фаол сиёсий маданият тури — унинг хусусияти шундаки. фуқаролар жамият сиёсий ҳаётига фаол равишда шахсий аралашувга интиладилар. Шу орқали жамият сиёсии тизимида шахсан маълум бир статусга эга бўлишликни мўлжаллайдилар. Шунини аллоҳида таъкидлаш лозимки, реал ҳаётда сиёсий маданиятнинг соф ҳолдаги фақат биргина турини номоён бўлиши жуда кам учрайди. Фуқаролик маданияти эффектив равишда сиёсий маданиятнинг бошқа турларидаги ижобий элементларни ўзлаштириб олади ва сиёсий тартиботнинг конструктив равишда фаолият кўрсатишига ёрдам беради.

### **?Миллий сиёсий маданиятни тарбиялаш заруратми?**

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлатни, пировардида фуқаролик жамиятини шакллантиришдек буюк мақсадлар, билан яшамокда. Бу борада истиқлолимизга эришгандан кейин ўтган йиллар ичида улкан ишлар амалга оширилди. Миллий сиёсий маданият, халқнинг сиёсий тафаккур тарзининг сиёсий ҳаётни идрок этишда, унинг тарихий негизлари, миллий давлатчилиги билан боғлиқ анъаналари, халқнинг маънавий мулкига айланган сиёсий қадриятлари унинг сиёсий ҳокимиятга

бўлган муносабатида, сиёсий воқеаларга баҳо беришда, унга иштирок этишда ёки этмаслик ҳолатлари орқали намоён бўлади. Миллий давлатчиликни шакллантириш, янги иқтисодий муносабатлар ҳамда ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши, мустақил тараққиётимизнинг ҳал қилувчи асосига айланди.

Маълумки, мустақил юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар охир-оқибатда инсон манфаатларини мукамал равишда рўёбга чиқариш, халқимизга фаровон турмуш тарзини яратиш беришдек эзгу мақсадларга йўналтирмоқда. Ушбу вазифаларнинг қисқа муддатларда муваффақиятли ҳал қилиниши бугунги кунда давлатимиз, жамиятимиз ҳар бир аъзосининг бу борадаги собитқадам ва онгли фаолияти билан ҳам боғлиқ.

Ҳозирги замоннинг мафкуралари қаторида мил-лий мафкуралар муҳим ўринни эгаллайди. Улар келиб чиқишига, мазмун-моҳиятига кўра бошқа мафкуралардан фарқ қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгида демократик кадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш даркор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бизнинг мамлакатимизда истиқлолимиз шарофати билан инсонни жамият сиёсий ва маънавий ҳаётини бевосита фаол иштирокчисига айлантириш ҳамда унинг сиё-сий маданият даражасини юксалтириш учун барча зарур сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Маълумки, жамият миллий сиёсий маданиятининг шаклланиши кўп омилларга боғлиқ. Бунда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, миллий кадриятларнинг ўрни ниҳоятда катга бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда,

бой маънавий маданият, ноёб миллий кадриятлар, бебаҳо фалсафий таълимотлардан бахра олиб, шаклланган ўзбек халқида, сиёсий маданиятнинг юксак чўққиларига эришиш учун улкан салоҳият мавжуд. Жамиятимиз сиёсий маданиятининг шаклланишида мамлакатимизнинг миллий истиқлол ғояси бугунги кунда муҳим ўрин эгалламоқда.

Маълумки, истиқлолимиз шарофати билан шакл-ланаётган мамлакатимизнинг миллий истиқлол ғояси ҳар бир инсонга эркин фикрлаш, ўз бахт-саодати, фаровон келажаги учун эркин ижтимоий фаолият қилиш имкониятларини очиб бермоқда. Президенти-мизнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан ўзининг назарий асосини топган Ўзбекистон жамиятининг ғояси халқимизнинг манфаатларини тўлиқ равишда ўзида мужассамлаштирган ҳаётий манбадир.

"Миллий сиёсий маданият, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимиз-нинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзула-рини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олади.

Жамиятимизнинг миллий сиёсий маданияти ўзининг мана шу хислатлари билан одамларимиз сиёсий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида асосий маънавий озиқ бўлиб хизмат қилади. Чунки сиёсий маданият айни пайтда аниқ маслак асосида, инсон ўзи таяниб яшайдиган кадриятлар асосида шаклланади.

Сиёсий жамиятнинг сиёсий ҳаёти, сиёсий тизим тузулиши, турли ижтимоий кучлар ва гуруҳларнинг ўрни ва роли тўғрисидаги ғоялар, унинг ҳокимиятга эга бўлиши, ундан фойдаланиш йўллари, механизмлари тўғрисидаги қарашларни амалга оширишга бўлган ишонч, мақсадлар йўлидаги фаолиятдир.

#### **4. Сиёсий мафкура ва унинг кўринишлари**

"Мафкура" атамаси юнонча идея ва логос сўзларнинг бирикмасидан ташкил топган, ғоялар ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.



Иқтисодий детерминизм таълимоти мафкуравий оқимлар, ижтимоий гуруҳларнинг моддий шарт-шароитлари билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқади. У бу оқимларни умуман жамоа манфаатларини ҳимоя қилувчи тасаввурлар, ғоялар сифатида тавсифлайди. Ижтимоий гуруҳнинг жамиятда тутган ўрнига кўра иқтисодий детерминизм, мафкуранинг назарий билим вазифасини бажариши мумкинлигини илгари суради.

XX аср бошларидаёқ М.Вебер мафкурани ва бошқа ғоявий, диний тузилмаларни кўр-кўрона ишониш соҳасига киритган эди. Бу билан у мафкуранинг илмийлиги масаласини кўйишни ҳам инкор этади. Шу соҳанинг таниқди мутахассиси К. Мангейм, М. Вебердан кейин ҳар қандай мафкурани воқеликнинг неадекват (нотўғри), бир томонлама акс этиши сифатида, воқеаларнинг ҳақиқий аҳволини онгли равишда яширадиган ғоялар йиғиндиси сифатида олиб қарайди. Мафкуранинг ижтимоий-тарихий манбаларини четга суриб қўйиб, уни жамоани бирлаштирувчи қурол сифатида (О.Лемберг, Т.Парсонс) ҳаддан ташқари функционал талқин қилишлар ҳам кенг тарқалган.

Мафкурани айрим гуруҳлар ва индивидларнинг психологиясидан (Р.Пайпс, Д.Браун) иборат қилиб кўрсатиш ҳоллари ҳам кам эмас. Шу билан бирга мафкурани халқнинг, миллатнинг дунёдаги ўрнини, ман-фаатларини, орзу-интилишларини ифодалайдиган ғоя, ўтмиш ва келажакни боғлайдиган кўприк сифатида таърифлашлар ҳам мавжуд.

### **? Сиёсий мафкура ва сиёсий маданият тушунчалари ўртасидаги муносабатни қандай тушунасиз ?**

Сиёсий мафкура — у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг мақсадлари, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи ҳокимиятдан фойдаланишнинг муайян вазифаларига йўналтирилган тизимлашган ғоялар, қарашлар йиғиндисидир. Сиёсий мафкура — бу муайян ижтимоий гуруҳнинг ҳокимиятга интилишини ёки ундан фойдаланишини асословчи ва сиёсий ҳаракатнинг у ёки бу стратегиясини кўзда тутувчи ғоявий тизимдир.

Сиёсий мафкура ижтимоий ҳаётда муайян функцияларни бажаради. Улардан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1)Мўлжаллаш. Бу функция шунда ифодаланади-ки, мафкура жамият, ижтимоий раванқ, шахс, ҳокимият ҳақидаги фундаментал тасаввурларни ўзига қамраб олиб, у инсон фаолиятининг маъно-мазмунни тизимини ва мўлжалини кўрсатиб беради.

2)Сафарбар этиш. Фозил жамият идеалини таклиф қила туриб сиёсий мафкура сиёсий фаолиятнинг бевосита мотиви сифатида чиқади ва уни амалга ошириш учун жамиятни, ижтимоий гуруҳларни сафарбар қилади.

3)Бирлаштириш. Таклиф этилаётган дунёнинг фундаментал картинаси чегарасида сиёсий ҳаракатга маъно-мазмун бера туриб, сиёсий мафкура унга шундай аҳамият берадики, у ўзининг миқёси билан ҳар қандай индивидуал ёки гуруҳий манфаатдан устун туради. Сиёсий мафкура бирлаштирувчи омил бўлиб юзага чиқади.

4)Амортизациялаш. Сиёсий мафкура жамият, гуруҳлар, индивид эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасида номувофиклик вужудга келган вазиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга хизмат қилади.

5)Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларики ифода *этиш* ва ҳимоялаш. Бунинг маъноси шуки, сиёсий мафкура у ёки бу ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида вужудга келади ва уларни бошқа гуруҳлар манфаатлари билан ўзаро муносабатда соғлом рақобат мураса ёки келишув, айрим ҳолларда ихтилофда бўлиши мумкин.

Мафкуранинг функцияси - аҳолининг оммавий сиёсий онгини эгаллаш, унга жамиятнинг бугунги ва келгусидаги тараққиётини баҳолаш, ўзининг мезонларини жорий қилиш, сиёсий маконда кишилар мўлжал қиладиган мақсад ва вазифаларни белгилашдир. Мафкура амалга оширмоқчи бўлган йўлнинг оқилона ва холисона образини яратишга, унинг у ёки бу синф, миллат, давлат манфаатига мос келишига интилади. Бу борада мафкура у ёки бу идеаллар ва қадриятларни тарғибот қилиш билан чегараланиб қолмай,

балки фуқаролар, партиялар ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятини рағбатлантириш билан ҳам шуғулланади.

Мафкура ўзининг сиёсий функцияларини бажариши билан жамият ё қандайдир ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида, ёки аҳолининг муайян ижтимоий-иқтисодий гуруҳларига таянмайдиган онгли равишда ишлаб чиқилган мақсадлари негизида жипслаштириш, бирлаштиришга интилади. Аҳолини реал бирлаштириш қобилияти мафкуранинг ғояси ва қоидалари кишиларнинг турмуш тарзи ҳақидаги кундалик қарашлари ва тасаввурларига, мақсадларига қанчалик мос келишга боғлиқдир.

Ҳар қандай мафкура оқилона, назарий асосланган қоидалардан ташқари аҳолига фақат ишониш учун таклиф қилинадиган мақсад ва идеалларни ҳам қамраб олади.

Сиёсий мафкуранинг амал қилиш даражалари бир хил эмас. У назарий-концептуал, дастурий-директивалик ва хулқ-атворлик даражаларида амал қилади. Назарий-концептуал даражада у ёки бу синф, ижтимоий қатлам, миллат, давлатнинг манфаатлари ва идеалларини очиқ берувчи асосий қоидалар қарор топтиради; дастурий-директивалик даражада ижтимоий — фалсафий принциплари ва идеаллар сиёсий элитанинг аниқ дастурлари, шоирлари ва талабларига айлантирилади ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, омманинг сиёсий хулқ-атворини рағбатлантириш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилади. Мафкура амал қилишнинг ушбу даражаси «сиёсатнинг яратувчи элементи» деб ҳам талқин этилади.

Хулқ-атворлик даражада мазкур мафкура мақсадлари ва принциплари фуқаролар томонидан ўзлаштирилади ҳамда уларнинг жамият сиёсий ҳаётида иштирок этишининг у ёки бу шаклларида ўз ифодасини топади. Бу даражада мафкура кишиларнинг хатти-ҳаракатига айланиб уларни жипслаштиради, бирлаштиради, муайян йўлга йўналтиради, сафарбар этади. Саёсий мафкураларнинг сиёсий мафкура замон ва кўринишларни макондан ташқарида бўлган ҳодиса эмас. У муайян тарихий шароит билан боғлиқ аниқ ижтимоий мазмунга эга.

Ҳар бир тарихий давр ўзига хос ва ўзига мос мафкуравий оқимларни илгари суради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас. У ҳам кўплаб мафкуравий оқимларни илгари суради. Ҳозирги замоннинг энг йирик мафкуравий оқимлари: либерализм, консерватизм, социал-демократия ва бошқалардир.

Ҳозирги даврда энг йирик ва кўп тарқалган мафкуравий оқимлардан бири — **либерализмдир**. Бу атама лотинча «либералис» сўзидан олинган бўлиб «эркин» деган маънони англатади.

Либерализм XVII-XVIII асрда маърифатпарварлик даври ғоялари негизда тарих сахнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мафкураси сифатда шаклланди. Бу мафкуранинг асосий қоидалари Ж. Локк, Т.Гоббс, Ш.Монтеске, А.Смит, Т.Жефферсон, Д.Милл ва бошқаларнинг асарларида асослаб берилди.

Либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдида, ҳам жамият олдида масъуллиги барча кишиларнинг ўзини-ўзи рўёбга чиқариш ҳуқуқини тан олишлиги каби принциплар ташкил этади.

Либерализм ҳокимиятнинг тақсимланиши, сиёсий плюрализм, элиталар рақобати, қонуннинг устуворлигини эътироф этади. У фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни ўзининг асосий мақсади, деб билади. Мазкур мафкуранинг барча кўринишларида инсон шахсининг индивидуал эркинлиги, кадр-қиммати, бошқа кишиларнинг қарашлари ва эътиқодларига сабр-чидамли бўлишлик талаблари доимо ҳимоя қилиниб келинади. Шахс эркинлигини ҳурмат қилиш билан боғлаб либерализм ўзининг ғоявий кўрсатмаларида индивидуализм ва инсонпарварлик принципларини уйғун равишда мужассамлаштиради.

Эркинлик принципи либерализм тарафдорлари томонидан давлат чеклашларидан эркин бўлишлик сифатида талқин этилади. Бу ғояни англиялик мутафаккирлар Ж.Локк ва Д.Милл яхши ифода этадилар.

Жумладан, Д.Миля бу ғояни қуйидагича изоҳлайди: «Инсон ўзига нима кераклигини ҳар қандай ҳукуматдан кўра ўзи яхши билади».

Либерализм тарафдорлари учун эркинлик учун кураш инсоннинг иқтисодий, жисмоний ва интеллектуал эркинлиги йўлидаги барча тўсиқларни, чеклашларни тугатиш учун курашишни аниқлатади. Улар ҳокимиятни мерос қилиб қолдиришнинг барча шакллари ва табақавий имтиёзларга қарши чиқадилар. Бу кўрсатмалар негизида «давлат — тунгги қоровул», деган ғоя қарор топади. Ушбу ғоянинг маъноси шуки, давлат фақат ижтимоий тартибни қўриқлаш ва мамлакатни ташқаридан бўладиган таҳдиддан ҳимоя қилишни таъминлайдиган энг керакли вазифалар билан таъминланиши керак. Шунинг учун айнан либерализмда фуқаролик жамиятининг давлат устидан устуворлиги ғояси қарор топди ва амалга оширилмоқда. Ж. Локк фуқаролик жамияти бу доимий катталик, давлат эса ундан келиб чиқувчидир, деб эътироф этган эди.

#### ***Назорат саволлари:***

1. Сиёсий хулқ- атвор нима?
2. Сиёсий онг шаклларининг асосий омиллари қайсилар?
3. Сиёсий маданият тушунчасига таъриф беринг?
4. Сиёсий мафкура нима?

### **7 -МАВЗУ. СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА**

#### **Режа:**

1. Ҳокимият психологиясида генезис ва асосий турлари
2. Ҳокимият муаммосига социологик ёндашув
3. Ҳокимиятнинг компенсаторлик концепцияси
4. Инсон ва ҳокимият: психологик ўлчов
5. Ҳокимият – инсоннинг мақсади сифатида.

### ***Таянч тушунчалар:***

- Генезис** – ривожланиш
- Компенсаторлик концепцияси** - ҳокимият ўрнини қоплаш йўналиши
- Ҳокимият мотивлари** – ҳокимиятни бошқариш учун ички куч, сабаблари.

### **1. Ҳокимият психологиясида генезис ва асосий турлари**

Ҳокимият феномени борлиқдаги ҳар қандай ҳодиса каби бирор бир фаннинг предмети бўла олмайди. Ҳокимият муаммосини политология ҳам, юриспруденция ҳам, тарих ҳам, шу билан бир қаторда психология ҳам ўрганadi. Ҳокимиятни психологик таҳлилида ҳокимиятнинг муносабатлари эмас, балки ҳокимият институтларини қабул қилиш, ҳокимиятга эга бўлган фигураларга муносабатлар, ҳокимиятга эга бўлганлардан тобелик даражасини англаш ва бошқаларни кўриш мумкин.

Ҳокимиятнинг субъектив жиҳати - бу ҳокимият субъектларининг органи ва даражасининг ўз вазифаларини бажаришга тайёрлиги ва фаол қатнашишидир.

### ***? Сиёсий ҳокимият деганда нимани тушунамиз?***

Сиёсий ҳокимият психологияси - бу институт сифатида механизм, шароит ва таълим омиллари. Бу ва бошқа ҳокимлик ҳар бир жамиятга зарур ва ҳокимиятсиз жамият этнографларига номаълум, худди жамият оиласиз ва хусусий мулксиздек ҳисобланади. Давлат (грант) фуқароларига нисбатан Президент ҳокимлик қилади. Жумладан, ота - оналар фарзандига, иш юритувчи ишчиларга, севишганлар бир - бирлприга нисбатан қабилар.

### **2. Ҳокимият муаммосига социологик ёндошув.**

Доминант интилишликка биринчи сабабларидан бири, бу тахминан унинг туғма характерида.

### *? Ҳокимлик туғма бўлиши мумкинми?*

Аристотель фикри бўйича бир хил одамлар табиатдан ҳокимлик қиладилар, бошқалар уларга бўйсинадилар. Гобснинг фикрича, “Бутун озамзоднинг суяниши” бу доимий эҳтиёж, катта - катта лавозимларни эгаллашга бўлган истак. Бу истак одамзоднинг умрининг якуни билан, яъни ўлими билан тугалланади. Француз философи К.А.Гельвеций ҳокимликка интилиш манбаларини, роҳатни севишда ва бу аснода “одамнинг табиатини илдизида”, деб хулоса қилган.

Ҳозирги замонда кенг тарқалган концепциялардан бири интиқоми таърифи бўйича инсонни биологик хусусиятга кирувчи ҳукуматга интилишидир. Сўзсиз \ар бир инсонда ҳайвонлардагидек туғма хулқни ҳамда инстинктларни ҳам бошқарувчи туғма регулятор (бошқариш) бор. Аммо уларни роллари асосли равишда турлидир. Биологик табиатга эга бўлган хоҳиш ва истаклар одамларда табиийлик хусусиятига эга бўлса ҳам уларнинг ҳаёт фаолиятини асосини ташкил этади. Аммо улар инсон мотивларини асосини ташкил этмайди.

### *? Ҳокимиятнинг компенсаторлик концепцияси нима?*

#### **3. Ҳокимиятнинг компенсаторлик концепцияси**

Ҳокимиятнинг компенсаторлик концепцияси бошқа кенг тарқалган ҳукмронлик мотивацияси компенсатор концепциясидир. Унинг асосчиси А.Адлердир. Инсоннинг интилишини доминация (устуворлик) билан боғлаган. Реал ва хаёлан ўйлаб топилган камчиликларни ечишга уриниш, бу асосида Г.Лассуэл томонидан кенг тарқалган сиёсий фаолиятлар назарияси ишлаб чиқилди, яъни одамлар ҳокимиятга ўзларидаги камчиликларни ўрнини босувчи кадрият сифатида интиладилар. Бунда ҳокимият ва у билан боғлиқ бўлган ҳар қандай воситалар одамларни ўзларини олдиларида юқори даражада кўтарилишига ўзига берган баҳоси, ўзгаришга ёрдам берувчи восита сифатида амалга оширилади. Шунга ўхшаш фикрларни психоанализ

мактаби вакили С.Хорни ҳам билдирган. Унинг фикрича, кўп одамлар хавотирли, ўзини кичкина, камситилган ва хўрланган одам сифатида қабул қилишлари мансубдир. Ҳукуматга интилиш психик ҳолатни мувозанатга келтириш йўли бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий ҳокимиятни компенсация тамойили орқали мотивацияни етарлича асослаб бермаслиги бир неча сабабларга эга. Биринчи навбатда компенсацияга бир қанча йўллар билан бойиш орқали эришиш. Умумий ҳолларда бундай компенсаторларни иташда жамиятда бор бўлган кадриятлар тизими катта таъсир кўрсатади ва бу одамларни ўзига ўзи берган баҳони юқори даражасига кўтаради. Бир томондан, инсон ҳокимиятга интилса ҳам бундай интилишни у сиёсатда эмас, бошқа соҳаларда юқори таъсирчанликда намоён бўлиши мумкин. Масалан, армияда ва б.

Г.Лассуэлининг фикрича, ҳокимиятга интилиш фақат сиёсий соҳада бўладими, йўқми, когнитив (билиш) омиллар муҳим рол ўйнайди.

Компенсацияни ҳокимият орқали қондирилиши икки йўл билан амалга оширилади:

1. Бирон бир йўлни ишлатилишига нисбатан кўпроқ фойда олинса
2. Ҳокимият орқали ўзига ўзи баҳо беришининг кўтарилиши билан бўлган ижобий тажриба.

#### **4. Инсон ва ҳокимият: психологик ўлчов.**

Ҳаётимизда турли ҳокимиятлар билан тўқнашамиз, улар жамиятни ташкил қилувчи механизмда асосий ролни ўйнайди. Шунинг учун инглиз файласуфи Б.Россал ҳокимият тушунчасини табиий фанларда энергия категорияси билан солиштиради. Ҳозирги замонда бу тушунчанинг бир нечта ёндашувлари мавжуд. Биз ҳокимият деб турли кучларни воситалар ёрдамида ижтимоий субъектларни бошқа ижтимоий субъектларга таъсир қилиш қобилиятини тушунамиз. Ҳокимият доимо ҳокимликка эга бўлган ва ҳокимият таъсирига тушувчилар орасидаги муносабатни тушунамиз. Сиёсий ҳокимият муносабатлари жамиятдаги объектив реалликни намоён қилади.



Улар хис- туйғуларда, қонуний нормаларда, бошқарув органларида ва иқтисодий - сиёсий омиллар орқали намоён бўлади.

Бу нуқтаи назарни кўриб чиқилганда, ҳокимият қуйидаги терминларда берилиши мақсадга мувофиқдир, сиёсий режим, ҳокимиятнинг бўлиниши, ҳокимият даражаси. Аммо ҳокимиятни субъекти бу конкрет одамдир ва унинг ҳокимиятга бўлган муносабати турличадир. Турли ҳокимиятларга эга бўлган одам ҳокимият босими остида қолиб кетиши ёки янада кўпроқ таъсир этиш кучини эгаллашга ҳаракат қилиши мумкин.

Америкалик сиёсатшунос Р.Даллинг айтишича, мана шундай психологик хусусиятлар бир хил бўлган одамларнинг турли ҳокимиятдан фойдаланиш ресурсларини ва имкониятларини белгилайди. Бошқа томондан эса инсон ҳокимиятни объекти бўлиб ўзини субъектчилигини йўқотмасдан автоматик бўлмаган ҳолда ҳокимиятга бўйсунди. Ҳокимият нафақат оилада, балки ташкилотларда ҳам бўлиб, асосан у сиёсий соҳада кўпроқ намоён бўлади. Сиёсат ва ҳокимият қадимдан ўзига яраша континуум сифатида кўриб келинган. Сиёсатни асосий функцияси бўлган ижтимоий манфаатларини мослаштириш ҳокимиятсиз амалга оширилмайди. Шунинг учун сиёсий ҳокимият жуда катта сонли фуқароларни бўйсундиришни ўз ичига олади.

### ***? Сиёсий тип деганда нимани тушунализ?***

Бу боғлиқликни инобатга олиб немис файласуфи. Э. Шпрангер сиёсат ва ҳокимиятни маъно жиҳатдан бирлаштириб “Сиёсий тип” деган тушунчани киритади. У “Одамлар учун етакчи кадрият ҳокимиятда бўлганларни биз сиёсий тип деймиз”-деб таъкидлайди. Оддий фуқаролардан оддий одамларнинг фарқи нимада? деган саволга жавоб беришда Г. Лассуэлл шу таърифга таянади. Америкалик олимнинг фикрича, “Сиёсий одамнинг” асосий хусусияти бу унинг ҳокимиятни диққатини қаратиш, яъни бошқа кадриятларга нисбатан ҳокимиятга эътиборини қаратишдир.

Ҳокимиятнинг бошқа бир қатор таҳлилига қаратилган ёндошувда психологик хусусиятни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, ҳокимиятни мақсад сифатида кўриб чиқишда асосан унинг мотивлар механизмини ёки шахсни ҳокимият таъсирида ўзгаришини мақсадга етказувчи инструмент сифатида, ҳокимлик муносабатларининг тизими, ўзига хос феномени сифатидагилардир.

## **5. Ҳокимият - шахсий мақсад сифатида.**

### ***? Ҳокимиятга интилиш қандай омиллар асосида келиб чиқади?***

Агар ҳокимият мотивлар инструментал воситаси бўлиб хизмат қилса, унга қарама - қарши бўлган ҳолларда ҳокимият шахсий мақсад сифатида кўриб чиқилади. Бунда етакчи ролни ҳокимият билан боғлиқ бўлган ижобий эмоционал ҳис - туйғулар ташкил қилади. Вебернинг айтишича, ҳокимиятга интилиш ҳокимиятга эга бўлишгина эмас, балки у билан боғлиқ бўлган обрў-эътибордан завқланишдир.

Уни фикрича, бундай туйғу тарихий муҳим жараёнларни қўлда ушлаб туриш, муҳим қарорларни қабул қилишда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган ҳис- туйғулар билан боғлиқдир. Бунда мазмун жиҳатидан мотивлар асосида бирор бир даражага мавқега эришиш эмас, балки сиёсат ошкора намойиш қилишни хоҳламайдиган сиёсатчида ҳам намоён бўлиши мумкин. Ҳокимиятнинг хулқ - атвор билан боғлиқ бўлган мотивларини икки асосий йўналишларда кўриб чиқиш мумкин:

1. Ҳокимиятга эга бўлиш ва унинг заҳираларини кенгайтириш ёки ўзини кучли ҳис қилиш (Х.Хекхаузин)

2. Бу заҳираларни амалиётга тадбиқ қилиш, хоҳиши, ўзгарувчи жиҳати.

Ҳокимиятда қатнашиш даражаси қуйидагилардир:

Бевосита қатнашувчилар: Давлат, сиёсий мудирлар, элита, партиялар, жамоа бирлашмалари ва ҳаракатлар.

Билвосита қатнашувчилар: йирик ижтимоий гуруҳлар ва уюшмалар, турли мақсаддаги гуруҳлар. Буни қуйидаги жадвалдан тушуниш мумкин:

Ҳаракатлантирувчи куч	Ҳокимият мотивлари
-----------------------	--------------------

Сиёсий воситалар ва методлар имтиёзларни ишлатган ҳолда жамиятнинг фаолиятига сиёсий таъсир этиш ва бошқаришда субъектнинг онгли бурчлари ва эҳтиёжларидан иборат.

***Назорат саволлари:***

1. Инсон ва ҳокимиятнинг ўзаро муносабатларини асосий психологик тавсифлари нимлардан иборат?
2. Самарали сиёсий мавқе (имидж) нинг психологик модели нима?
3. Ҳокимиятнинг қонуний ёки ноқонунийликнинг психологик омилларига нимлар киради?
4. Сиёсий лидернинг самарали мавқе (имидж)ини таъминлаш шароитлари ва механизмларини психологик таркибини асосланг.

**8- МАВЗУ: ҲОКИМИЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

***Режа:***

1. Ҳокимият қонунчилигининг психологик асоси
2. Ҳокимият қонунчилигининг психологик хусусиятлари.
3. Қонунчиликнинг турлари ва уларнинг психологик хусусиятлари.

***Таянч тушунчалар:***

**Қонунчилик** - стабил ва самарали ҳокимият учун керак бўлган шарт - шароит.

**Ҳокимият қонунчилиги** - бошқарувчи ва социал субъекти орасидаги битим даражаси, яъни фуқаролар розилиги

## **1. Ҳокимият қонунчилигининг психологик асоси.**

Ҳокимият тузилишининг функционаллаштириш қонунчилигининг энг асосийси ҳокимият қонунчилиги ҳисобланади. Унинг келиб чиқиш тушунчаси методологик билимнинг қўлланиши ва қонунийлик ҳокимиятини келиб чиқишига олиб келади. Шунинг учун ҳокимият қонунчилигини асосий тарафларини таҳлил қилиб чиқамиз.

Ҳокимият қонунчилиги - бошқарувчи ва социал субъекти бошқариладиганлар орасидаги битим даражаси, яъни фуқаролар розилиги.

Қонунлашган ҳокимият, агарда бошқарилаётганлар бошқарувчининг бошқариш ҳуқуқига тан олиб рози бўлсаларгина қонуний кучга киради. Бу иқрор бошқарилаётган ва бошқарувчилар билан англаб етилади. Биринчилар ҳокимиятни адолатсиз ва кўнгилсиз деб билсалар ва у билан бирга ҳокимият билан боғлиқ институт ва ритуарларни ҳам тан олмасалар, иккинчилар эса бошқарувчилар томонидан бўйсундиришни, шунингдек, уларни енгиш ҳолатини маъқуллаш ва вербаль (оғзаки) таъсир кўрсатувчи, бўйсундиришни хоҳламайдиган диссидентларни қоралашни ҳам кутадилар.

## **2. Ҳокимият қонунчилигининг психологик хусусиятлари**

### ***? Қонунчилик нима?***

Қонунчилик - бу стабил ва самарали ҳокимият учун керак бўлган шарт-шароит. Бунга психологик томондан қаралганда, ҳеч қандай ҳужжатларга таяниш, мақсадларга мувофиқлик ёки анъаналар аргументларининг кўпчилиги учун ишончли бўлмагунча ҳокимият қонуний бўла олмайди. Шундай қилиб, ҳокимиятли қонунчилик - одамларни ўзини англашидир. Ҳокимият қонунчилиги индивид ёки институтнинг буйруқ бериш ҳуқуқини тан олмагунча, у қонуний бўла олмайди. Агар ҳокимият эгаси қонунчиликни йўқотса, у эртами кечми ҳокимиятни йўқотади. Бунга ҳозирги замонавий тарихдан кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Чаушесконинг режими, Филиппин президенти Маркос бошқаруви ва бошқалар. Бу ҳокимиятларни қўллашга фуқароларни мавжуд бўлган ҳокимиятга ишончини

йўқотиш сабаб бўлди. Тизим кўлида бир қанча самарали воситалар ёки ғоявий таъсирлар бўлишига қарамасдан кўпгина оммавий нарзиликлар ва исёнлар таъсирида парчalandи. Шунини инобатга олиш керакки, қонунчилик бошқарувчилар учун ўз кучини йўқотди. Улар ҳокимият вакилларини бошқариш ҳуқуқига қарши чиқибди. Бошқарувчилар эса шароит ўзгарганини англамасдан, тобелликни кутишни давом эттиришган. Бунда улар анъанавий институт ва ритуал томонидан мустаҳкамланган анъаналарнинг қонунига таянишган (сайловлар ва бошқ).

Бундан ташқари мавжуд бўлган тизим орқа алоқаларга эътибор беради, яъни объектив кўрсаткичларни қайд этиш, яъни жиноятчилик даражаси, иш ташлаш ҳаракати, оммавий англаш динамикаси - фуқароларни у ёки бу либералларда чарчаш, уларга ишончсизлик, янги ғояларга нисбатан ишонмаслик ҳолатларида бўлиш. Шундай қилиб, қонунчиликни йўқотиш ҳокимият эгаси учун жуда оғирдир.

Худди шундай жараёнлар микродаражада ҳам бўлади, масалан; оилада бола қайси бир вақтда ота – онаси томонидан бошқарилаётган ҳокимиятнинг қонунийлигини тан олмай кўяди. У баъзи бир таъқиқловчи ҳуқуқларни тан олади – масалан, уйга қайтишни таъқиқлаш, аммо қандай кийинишга нисбатан таъқиқлашни тан олишни рад этади. Ота - оналар бўлса бундай ўзгаришни англашмайди, шунда конфликт (низолар) вужудга келади. Аста-секинлик билан ота - оналарнинг ҳокимият қонунийлик зонаси қисқаради, камаёди ва ота – она ҳамда фарзандлар орасидаги муносабатлар янги даражага ўтади.

## **2. Қонунчиликнинг турлари ва уларнинг психологик хусусиятлари.**

### ***? Қонунчиликнинг нечта тури фарқланади?***

Хорижлик олим М.Вебер қонунчиликнинг қуйидаги учта турини ажратади:

1. Анъанага таянган қонунийлик;
2. Ҳуқуқга таянган қонунчилик;

### 3. Хоризмага таянган қонунийлик.

Биринчи ҳолларда, ҳокимият асосида қандай урф – одатлар ҳокимият билан боғлиқ бўлган муносабатларни бошқарилиши кўрсатиб ўтилади.

Иккинчи ҳолларда, ўз манфаатларини мослаштириш, конфликтларни ечиш, ижтимоий ўзаро муносабатларни таъминлаш учун қондан қондалардан фойдаланилади, чунки уни оптимал деб ҳисоблашади.

Учинчиси эса хоризматик бирор бир одамни ёки гуруҳни бошқаришда фақат унга хос бўлган ҳуқуқларни тан олишга таянади.

Бу учинчи қонунийлигига ўзига хос хусусият шундан иборатки, бирорта бир индивидга ва жамоага энг юқори хусусиятлар берилади ва бундай хусусиятлар камдан кам наслдан наслга қолдирилади.

Бунга битта мисол - Шимолий Корея, бунда Ким Ир Сеннинг ўлимидан сўнг, унинг ўғли Ким Чен Ир қолдирди. Худди шундай аналогик ҳолатлар салбий яқунланди.

Ким Ир Сеннинг ҳокимиятга келиши унинг шахсий обрўси билан эмас, унинг террор ва тоталитар назорат қилиш тизимининг самарадорлигидир.

Харизма пайтида ҳокимиятнинг наслдан наслга ўтмаслиги, ҳокимиятни наслда қолдирилишида ҳам кўриш мумкин.

Подшоларни ўз ўғилларига қонуний тахтларини қолдиришда ҳам, чунки отасининг харизмаси ўғлига автоматик тарзда ўтмайди. Ўғли ўзининг ҳокимиятини қонунийлигини ҳамда муносиб ўринбосар эканлигини тасдиқлаш керак. Агар бунга у эриша олмаса, ҳокимият қонуний бўлади, ammo қонунчилиги камроқ бўлади.

Ҳокимият зўравонлик натижаси эмас, битта шахс томонидан иккинчи шахсни босиш, камситиш эмас, шуни таъкидлаш керакки, инсоннинг мураккаб шаклларида бирида, яъни ўзидан устун бўлган ҳокимиятни иташ ва унга тобе бўлиш.

Бу ўзига хос биринчи одамни иккинчи одамга таъсир қилиш эҳтиёжи ва одамларни жамоага бирлаштирувчи куч ҳам. Ўзидан устун бўлган ҳокимиятни иташ, бўйсуннишни хоҳлаш бу асло кучсизлик аъломати эмас.

Шундай қилиб, ҳокимият одамни психик табиатининг натижасидир. Аммо ҳокимиятнинг намоён бўлиши аммовий хусусиятга эга бўлиши биланоқ, унинг асосий мақсади тартибни яратиш ва қўллаб- қувватлашдан иборат бўлади.

#### ***Назорат саволлари:***

1. Ҳокимият қонунчилиги омиллари қайсилар?
2. Ҳокимликни тарбиялаш мумкинми?
3. Ҳокимликка интилиш мотивлари қаердан келиб чиқади?
4. Қонунчиликнинг қандай турлари мавжуд?

### **9- МАВЗУ: СИЁСАТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **Режа:**

1. Сиёсатда шахснинг ўрни.
2. Сиёсатчи шахси ҳақидаги назариялар.
3. Сиёсатчи шахсини ўрганишга бағишланган тадқиқот турлари.
4. Сиёсатчи шахсига хос касбий ва индивидуал хусусиятлар.

#### **Таянч иборалар**

**Шахс**- муайян ижтимоий тузумнинг аъзоси ҳисобланган конкрет одам.

**Статус**- шахснинг жамиятда эгаллаб турган мавқеи, ижтимоий сиёсий ва шахслараро муносабатлардаги ўрни, яъни образи –шахснинг ўзи, ўз хулқ атвори хусусиятларини, жамиятдаги мавқеини, тасаввур қилишдаги ҳосил бўлган образ.

**Типология** – одамнинг хилма-хил индивидуал хусусиятларини баъзи асосий типларга ажратиш ёки бирлаштириш.

**Конформлилик**- шахснинг гуруҳ ёки айрим шахслар билан ички ва ташқи жиҳатдан мос келиш, ўзгалар фикрини қабул қилиш.

## **1. Сиёсатда шахснинг ўрни**

Сиёсатда шахс муаммоси абадий муаммолардан биридир. У файласуфлар ва тарихчилар, ёзувчилар ва моралистлар, диний мутафаккирлар ва психологлар қизиқишини ўзига жалб қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда сиёсатчиларнинг кўпчилиги сиёсий жараён давомида шахс омилини ўрганиш лозимлигини тан олишади.

Сиёсатчининг усули ва таъби, оила аъзолари ва спорт турларига қизиқишлари, доимо кўпчилик диққат марказида туради. Сиёсатчини шахс сифатида билишимиз билан бирга кўз ўнгимизда унинг сиёсий ҳаракатлари яширин занжири намоён бўлади. Яна бир мисол Паскаль сиёсатчи шахсининг сиёсатга таъсири ҳақида гапириб шундай дейди: “Клеопатранинг бурни бироз қисқароқ ёки бироз узунроқ бўлганда эди, инсониятнинг тарихи умуман бошқача бўлган бўлар эди”.

### **? Сиёсатчи шахс ва оддий фуқаро ўртасида қандай умумийлик ва фарқ мавжуд?**

Шахснинг тарихдаги роли мавзусидаги баҳс мунозаралар XIX - асрнинг охири XX асрнинг бошларида қизғин тус олиб, Тольстой, Карлейл, Джеймс, Плеханов ва Троцкийнинг қарашлари билан бойиди. Бу турдаги кўпроқ маълум бўлган асарлардан бири Сидней Хукнинг “Тарихдаги қаҳрамон” асаридир.

Сиёсий роль - бу сиёсий тизимдаги шахснинг ўрни билан боғлиқ бўлган реал вазифалар, мавқе, мажбурият ва ҳақ-ҳуқуқлар мажмуасидир

## **2. Сиёсатчи шахси ҳақидаги назариялар**

Замонавий сиёсатшунослар шахс итоат қилиши керак бўлган ҳолатларнинг мавжудлигини, унга юклатилган бошқарув вазифалари (Д. Белл, С. Липсет, У. Мур), барқарор демократияни таъминлаш (Р. Даль, У. Корнхаузер), ўзаро тенгликка эришиш (Дж. Раулз, Г. Гэнс) каби янги



мотивлар билан боғлашади. Бирок бу моделнинг ҳамма тарафдорлари учун умумий тушунча, шахснинг давлатга, ташкилотларга, элитага итоат қилишда оддий фуқаронинг иштироки ва унинг сиёсатдаги роли чекланганлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд. Ушбу ҳолатда шахснинг ўзи-ўзининг пишиб етилмаган табиатини жиловлай оладиган, шахс усти механизмларга эҳтиёжи мавжуд, бошқарувнинг пассив объектига айланади. Бошқача айтганда, шахснинг ўзаро муносабатлар табиати, шахсий қизиқишларда сиёсатни ҳаракатга келтирувчи механизм туради. А. Смит, Г. Спенсер, У. Годвиннинг издошлари, сиёсий психологик тизимни ҳаракатга келтирадиган куч қизиқишларда деб қарашади.

“Қизиқиш” модули ижтимоий ва сиёсий тартиб турли ҳил инсонлар қизиқишлари уйғунлашувининг табиий натижаси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун шахс бостириш кучи билан эмас, балки умумий ҳаракатлар орқали ўз фойдасига эришиш мумкинлигини англаб етади.

Бу анъанадаги аҳамиятли постулат, шахснинг сиёсий фаолиятнинг фаол субъекти сифатида кўриб чиқиши ҳисобланади. Бу моделдан фойдаланадиган либерал ва неоконсерватив назариётчилар жамоатчиликни, ҳокимиятни марказлаштириш ва унга индивиднинг итоат қилишининг ҳар қандай шаклига қаршидирлар. Сиёсий тузум, ҳокимият ва озодлик муаммосини улар индивидуал инстик келажакда деб тушунишади.

“Хатти-ҳаракат революцияси” сиёсатдаги шахс муаммосини сиёсий психологиянинг алоҳида соҳасига айлантирди. Бу соҳани тасвирлайдиган бир неча турдаги тадқиқотлар мавжуд бўлиб, улардан биринчи бу кейс-стадиз (case studies) ёки фокусда оддий фуқаро ёки сиёсатчи бўлган ўзига хос индивидуаллар бўлган, алоҳида аниқ ҳолатларни тадқиқ қилувчи сифат тадқиқотларидир. Индивидуал сиёсий портретларни яратишда ишлатиладиган усуллар, уларнинг шахс сифатидаги улкан сифатларини очишга қаратилган бўлиб, у илмий талабларга жавоб беради. Бунинг учун маълумотларни таҳлил қилишнинг усулларида фойдаланилади.

### **3. Сиёсатчи шахсини ўрганишга бағишланган тадқиқот тури**

Бу типдаги тадқиқотнинг бир нечтаси сиёсий етакчиларнинг психобиографиясини яратишга ёрдам беради. Психобиография йўналишидаги ишлардан бири Э. Эриксоннинг Лютер, Гитлер ва Элеонара Рузвелт, А. Джорджнинг америка президенти Вудро Вилсон, Е. Волфенштейннинг Ганди, Ленин ва Троцкий ҳақидаги асарларидир. Орасида барчага маълум бўлган дунё сиёсатчиларини топса бўладиган портретлар галереяси ташкил қилинган. Уларнинг ичида Елсин, Саддам Хусайн ва Клинтон ҳам бор. Кейс стадизни асосий мақсади шахснинг илк ижтимоийлашув тажрибасидан келиб чиқиб ва унинг сиёсий ҳаракатларидаги ички мотивларни ажратиб олиш орқали сиёсатчи шахсияти ҳақида маълумот беришдир.

Бу ҳолатда улар сиёсатчининг ҳаётий тажрибасини тасвирлаш билан умумий сиёсий ҳолатдан четга чиқишади.

### **? Сиёсатчи шахсини ўрганишдаги мураккаблик нимада кўринади?**

Шахснинг сиёсатдаги ўрнини ўрганадиган йўналишлардан яна бири агрегатив тадқиқот бўлиб, у сиёсатчининг шахсий биография фактларини сиёсий жараённинг тарихий контекстида ўрганади. Муаллифлар Д. Кокс, С. Хюз, Б. Броди ва бошқа тарихчи ва сиёсатчилар сиёсий воқеаларни алоҳида шахсларнинг ҳаракатларига эмас, шахснинг сиёсатдаги тарихий ҳодисаларидан келиб чиққанлигига боғлашади. Бу йўналиш шахс омилининг уруш, инқилоб, миллий ҳарактер, сиёсий маданиятга таъсирини ўрганади.

Учинчи йирик йўналиш эса типологик тадқиқотлар. Унда сиёсий арбобларни психологик тушунчалар орқали энг оддийдан тортиб, мураккабигача таснифлашга ҳаракат қилинган. Тасниф учун, сиёсатчиларнинг алоҳида хусусиятлари, ҳатти-ҳаракатларидаги фарқлар, фикр юритиши шахслараро муносабатлардаги усуллари, қарор қабул қилишдаги ўзига хосликлар асос бўлиб хизмат қилади. Энг машхур

таснифлардан бири Т. Адорнонинг авторитарлик тушунчасига лойиҳасидир. М.Рокич сиёсатчиларни турларга ажратишдаги белгилардан бири сифатида догматизмни ҳисобга олиш кераклигини таъкидлайди. Д. Трисман икки асосий шахсий йўналганликни яъни: анъаналарга ва ички мақсадларга интилишини асос қилиб олган Г. Лассуэл ва Д. Ж. Барберлар эса сиёсий ролни таснифнинг асоси қилиб олишган.

Лассуэл “агитатор”, “администратор” ва “назариётчи” Барбер эса “томошабин”, “реклама қилувчи”, “қаршилик қилувчи” ва “қонун чиқарувчи” ролларини ажратувчи типологияларни таклиф қилишади.

Сиёсатдаги шахс муаммоси ҳақида фикр юритганда, америкалик сиёсий психолог Фред, Гринстайнлар сиёсий жараёнда шахс омилининг етакчи ролини белгиловчи назарияни таклиф қилишди. Биринчидан, олдин содир бўлмаган мутлақо янги сиёсий ҳолатларда, иккинчидан, кўплаб ноаниқликлар бўлган мураккаб ва бир-бирига зид ҳолатларда, учинчидан, турли хил сиёсий қарорларни таклиф қилаётган турли кучлар орасида танлаш имконияти бўлганда унинг роли айниқса аҳамиятли бўлади.

#### **4.Сиёсат шахсига хос касбий ва индивидуал хусусиятлар**

Сиёсатчининг профессионалиги унинг натижаси, сиёсий жараёнларда кўринадиган профессионал маданияти даражасини ифодалайди ва у сиёсат субъектининг тарихий қисмини ифодалайди. Бу жараённи ахборот таъминотини Л. С. Виготский таклиф қилган зоналар қошидаги назария доирасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сиёсий фаолиятнинг технологияси, вазифалари ва бутун керакли ахборот 4 зонага бўлинади.

Биринчи зонага (ўзлаштирилган билимлар) сиёсатчи эга бўлган ёки мустақил равишда ўзлаштира оладиган ахборот оқими киритилади. Иккинчи зонага эса, шахсий профессионал ривожлиниш жараёнида бошқалар билан бирга ҳаракат қилишни талаб қиладиган вазифалар киритилган. Учинчи зонага, сиёсий фаолиятнинг реал амалиёт билан олиб борилиши киритилган. Тўртинчи зонага эса,(потенциал ривожланиш) сиёсатчи фаолиятини ташкил

килган информацион фаолият киритилган бўлиб, у бажариш жараёнида ўзлаштирилиши мумкин. Шахсий профессионал ривожланиш сиёсатчини сиёсий фаолиятнинг субъекти сифатидаги ўзини намоён қилишига асос бўлади. Масаланинг мураккаблиги шундаки, унга қандай қилиб ҳар томонлама ва объектив баҳо бериш мумкин.

Буни амалга ошириш учун мезонлар ва кўрсаткичларни тўғри танланиши керак. Мезон шундай белгики, унинг асосида баҳолаш амалга оширилади, бирор нарса аниқланади ёки синфларга бўлинади. Мезон объектнинг ривожланишдаги ўзгаришларни ифодалайди ва билан чегарани белгилайди. Мезон борлиқнинг акс эттиришнинг объектив усулидир. Унинг шаклланиши ўрганилаётган предметни таҳлил қилиш натижалари асосида содир бўлади. Биринчи мураккаблик шундаки, предметни ички таркиби билан биргаликда бизнинг олдимизда тасодифий элементлар, муносабатлар пайдо бўлади. Иккинчи мураккаблик эса предметнинг тадқиқ қилинаётган шакли унинг ҳақиқий таркибини ифодаламаслигидадир.

Сиёсатчининг профессионал фаолияти ҳақидаги биллмлар унинг сиёсат субъекти сифатидаги мажбурият ва вазифаларини амалга ошириш жараёнидаги мақсадга йўналтирилган фаоллиги ҳақида хабардор бўлишликни таъминлайди.

Ўртага ташланаётган мақсад ва вазифаларни унинг шахсий позицияси ва сифатлари билан мос келиши унинг мансаб вазифаларини амалга оширишдаги маҳсулдорлигига кафолат беради. Шунинг ёдда тутиш, муваффақиятли фаолият учун етарли шаклланган профессионал билим, маҳорат, психологик сифатлар, шахсий позициялар ва акмеологик инвариантлар лозим бўлади.

Сиёсатчининг психологик хусусиятлари унинг руҳиятидаги барча таркибий қисми руҳий жараёнлар, хусусиятлар, ўзлаштирилган билим, кўникма малакалар ҳолатларнинг шаклланганлигини ифодалайди.

Сиёсатчининг психологик хусусиятлари (сифатлари) шахснинг умумий психологик хусусиятлари йиғиндисидан иборат бўлиб улар: фикр юритишнинг таҳлилий- конструктивлиги;

ҳиссий барқарорлиги; стрессга чидамли ва сиёсий жараёнлардаги экстремал (фавқулодда) ҳолатлар ва омилларга мослашувчанлиги; эмпативлик ва рефлексия қобилият; умумий психофизик фаоллиги ва бошқалардир. Сиёсий касбларга аниқ дифференция шунингдек тор специфик табиатдаги талабларни қўйилди. Улар шахсга хос ва умумий сифатлар билан биргаликда махсус сифатларнинг ҳам шаклланишини тақозо этади ҳамда бу сифатлар сиёсат субъектининг бошқарув, коммуникатив, ташкилий ва бошқа вазифа ва мажбуриятларини муваффақиятли бажаришига имкон яратади.

Психологик сифатлар сиёсат субъектига ўзига хос услубга эга бўлиш ва билим, маҳорат, сиёсий жараёнларда кўзда тутилган мақсадлар ва вазифаларга эришишга хизмат қиладиган иродавий сифатларга эга бўлишга имкон беради. Сиёсатчи учун эмпативлик, ишонтира олиш санъати, муомала ва очиқ қайта ахборот айирбошлашни амалга ошира олиш, обрўга эга бўлиш, мансаб мавқега мос бўлиши катта аҳамиятга эга. Бу ерда бюрократизм, чиқиша олмаслик, тазйиқ ўтказиш, мизантропия, негатив (салбий) ҳолатлар ва стереотипларга қарши тура олмасликга йўл қўйиб бўлмайди.

Инсонни масъулиятли вазифага тайёрлаш муаммоси фан учун иккинчи даражали эмас. Шунини таъкидлаш керакки, таълим муассасаларининг асосий мақсади кишини ҳаётга ва танлаган соҳаси бўйича меҳнатга тайёрлашдан иборат. Бироқ таълим муассасаларидан сўнг ўз-ўзини такомиллаштириш мақсадидаги ҳаракатлар субъектнинг мустақил касбий шаклланишида ўзига хос мактаб бўлди.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг адолатли равишда таъкидлашларича, сиёсатчи шахснинг касбий шаклланиши ва ўзини намоён қилиш муаммоси фанда яқиндан ўрганила бошланди ва сиёсий психологияда эса илк маротаба илгари сурилмоқда.

Замонавий сиёсатчиларнинг шахсий-профессионал (касбий) ривожланиши ва ўзини намоён қилишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий соҳадаги профессионализм муаммоси мазкур муаммо билан шуғулланаётган фанларнинг тадқиқот предметлари сифатида ўрганилмаяпти. Унга бўлган умумий қарашлар файласуфлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Бу муаммонинг алоҳида томонлари эса психология ва акмеология томонидан таҳлил қилинмоқда.

Психологияда профессионализм ёки касбий етукликнинг шаклланишида алоҳида шартлари сифатида истеъдод, умумий ва махсус қобилиятлар, ирсий омиллар, тарбияланиш шароитлари (оила, мактаб), касбга тайинланган уқув юртларида таълим олганлиги, реал муҳит, сиёсий фаолиятга қўйилган талаблар ва бошқалар кўрсатилади.

Булардан энг керакли ва асосийси маҳсулдор сиёсий фаолиятни таъминлашдаги доимий хусусиятлар ҳисобланади.

Сиёсатчининг ўзини тўла фаоллик, юксак ва самарадорлик билан намоён қилишида асосий таъсирга эга бўлган сифатлар етарли шартлар ҳисобланади.

Биринчи навбатда керакли шартларни таъминлаш ҳақида гапириш керак бўлади. Сиёсий психология булардан энг аҳамиятлиси сифатида сиёсатчининг жамиятдаги ўрни, ўтмиши ва унинг фаолияти хусусиятлари, унинг юқори даражадаги касбий тайёргарлигига этибор бериш кераклигини таъкидлайди. Расмий равишда бу маълумотларни талаб қилиш ва ўз ишининг маҳоратни устаси бўлган иқтидорли сиёсатчиларни шаклланишига туртки бўладиган муҳит шаклланиши қонун ва норматив ҳужжатлар билан мустахкамланиши керак.

Ҳар бир сиёсатчи ўзининг имиджини яратиши ва бу имидж орқали халқда ўзига нисбатан яхши таассуротларни шакллантириши керак. Бу амалиёт ғарб ўлкаларида яхши йўлга қўйилган бўлиб, кўплаб сиёсатчилар касбий имиджмейкерлар (имидж яратиш бўйича эксперт) хизматидан фойдаланадилар.

Психологик тадқиқотларда имиджнинг бир қатор аҳамиятли характеристикалари аниқлангандир. Масалан имидж прогматик бўлиб, у аниқ бир мақсад асосида шакллантирилиши керак. У реал бўлиши керак яъни инсонлар қабул қила оладиган даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Самарадор сиёсий имиджни шакллантириш –узок вақт талаб қиладиган ва оддий бўлмаган, кўплаб омилларга боғлиқ бўлган жараёндир. Бироқ ҳар қандай имидж бир неча умумий талабларга жавоб бериши керак. Улар:

а) сиёсий имиджда етакчи шахснинг ўзига хосликлари намоён бўлиши керак.

Бу асосан шахсни баҳолашда кўриниши керак.

б) сиёсий имиджда “Ота белгилари” (ҳалқнинг отаси сифатида) бўлиши керак.

в) имиджнинг стереотип кўп планлилиги. Имиджнинг мураккаб бўлмаслиги керак, унинг кучи –стереотипликдадир.

г) очиқлик. Очиқлик сайловчиларнинг лидер билан самарадор мулоқоти сифатида қабул қилинади.

д) самарали мулоқот. Имидж кўп минглаб сиёсий сўзлашувлар жараёнида шаклланади.

е) атрофдагилар. “Қимолни атрофидаги мулозимлари шакллантиради” ажойиб ибораси мавжуд. Бу ибора сайлов даври даврида самарадор имиджни шакллантириш ҳолатида тўлалигича уйғундир.

и) рационал инновация, ноодатий қарорлар қабул қилиш.

Сиёсатчининг шахсий қирралари ҳақидаги яхши тасаввурлар сайловчиларга сиёсатчининг келгусидаги фаолиятини тахмин қилиб фикр юритишга имкон беради.

Айни вақтда сиёсатчиларда ҳам барча инсонларда бўлгани каби ўзига хос камчиликлар мавжуд, имидж эса ушбу камчиликларни яширишга хизмат қилиб, сайловчилар эътиборини сиёсатчининг кучли томонларига ва ютуқларига қаратади. Энг асосийси эса имидж орқали шахснинг хусусиятларини ҳалққа танитишидир.

### ***Назорат саволлари:***

1. Сиёсатчи шахси бошқа кишилар шахсидан қандай фарқ қилади?
2. Сиёсатчи шахсига хос энг муҳим жиҳатлар нималарда намоён бўлади?
3. Сиёсий фаолиятга бўлган қобилият туғма бўладими?
4. Сиёсатчи шахси омманинг кайфиятига ва хулқига қандай таъсир этади?

## **10 – МАВЗУ: СИЁСИЙ ЛИДЕРНИНГ КОММУНИКАТИВ ВА ПСИХОТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

### ***Режа:***

1. Сиёсий лидер ва гуруҳдаги ўзаро муносабатлар.
2. Сиёсий психологияда лидернинг айрим психологик хусусиятлари.
3. Сиёсий жараёнда таъсир этишнинг индивидуал услублари.
4. Сиёсий психологияда лидер имиджи.

### ***Таянч тушунчалар:***

<b>Харизматик назария</b>	- немис тилидан олинган бўлиб, “ яхши шароит “ деган маънони билдиради
<b>Вербал таъсир</b>	- нутқи орқали таъсир этиш
<b>Паралингвистик таъсир</b>	- нутқни безовчи, уни кучайтирувчи омилдир
<b>Новербал таъсир</b>	- нутқсиз таъсир этиш

### **1. Сиёсий лидер ва гуруҳдаги ўзаро муносабатлар**

#### ***? Психологиянинг қандай тармоқлари мавжуд?***

Психология фанининг кўп тармоқлари мавжуд. Ёш психологияси, педагогик психология, сурдо психология, юридик психология, савдо психологияси, геронтопсихология, тиббиёт психологияси, муҳандислик психологияси, ҳарбий ва космик психология ва бошқалар. Сиёсий психология - психологиянинг энг ривожланаётган ва ҳаёт учун зарур булган тармоғини ташкил этади. Инсоннинг психологияси нафақат ижтимоий



шароитлар билан белгиланади, балки шу шуғулланаётган фаолият ва ўзаро муносабатлар билан ҳам боғлиқдир.

Сиёсий лидер фаолияти ўзининг ижодийлиги, илмий асосланганлиги, амалий йўналганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун лидер ҳар томонлама чуқур касбий билим ва малакаларга эга бўлмоғи даркор. Агарда бу билимлар паст даражада бўлса, у ўз фаолиятини бугунги давр талабларини қондирадиган даражада бажара олмайди ва унинг тез орада рейтинги кескин даражада пастлаб кетади.

### ***? Лидер деганда кимларин тушунамиз?***

Бугунги сиёсий лидер касбий тайёргарликдан махсус бошқарув тайёргарликка эга бўлмоғи ҳам зарур. Бу билим, малака ва шахсий сифатлар унинг инсон ҳақидаги тасаввурларини кўпайтиради, инсон психологияси, гуруҳ ва жамоадаги инсоний муносабатларни тўғри тушунишга унга ёрдам беради ва фаолият тизимини тўғри ташкил этишга кўмаклашади.

### ***? Янги типдаги сиёсий раҳбар қандай бўлиши керак?***

Бугунги давр, мустақиллик шароити янги типдаги лидер шахсини таълим - тарбиялаб вояга етказиш муаммосини ҳаётда яққол қўйди. Янги типдаги сиёсий раҳбар, лидер демократик ҳатти - ҳаракатларни ўзи учун тамойил этиб олиши, чуқур мутахассислик ва махсус билимларга эга бўлмоғи даркор. У ўз фаолиятида ижтимоий ва сиёсий талаб, эҳтиёжларни жорий этишга ҳам қобилиятли бўлиши лозим. Унинг раҳбарликка тайёргарлиги жаҳон андозаларига, рақобатбардошликка жавоб бера олиши зарур.

Ҳайвонлар, қушлар, оламида инсон гуруҳида муайян вақтда йўлбошчи, сардор, лидер ажралиб чиқади. Фарқ шундаки ҳайвонлар ва қушлар орасидан лидер ирсий инстинкт асосида, инсонлар орасида эса онгли равишда сайланади.

Инсон муайян гуруҳ, жамоанинг аъзоси бўлиб онгли равишда энг билимдон, виждонли, ор - номусли, ташкилотчилик ва бошқарувга мойил, ростгуй, ташаббускор, масъулиятли, меҳнатсевар, ишбилармон ва рақобатбардош шахсни аввал билиб, ҳар томонлама тушуниб раҳбар, лидер деб тан олади. Шу вақтдан бошлаб у ўз мақсади, вазифалари, орзу ниятларини лидер мақсади ва вазифалари билан мустаҳкам боғлайди. Сайланувчи умумий мақсад учун, уни ҳаётга татбиқ этиш учун бутун кучи, вужуди билан ҳаракат қилади ва лидерга ҳар томонлама ёрдам беради.

Лидер гуруҳ ва жамоани жамият ривожланиши йўналиши билан ҳамдам ўсиши учун ҳаракат қилади ва бу мақсадга эришиш учун бор кучи, қувватини сарфлайди. Бу жараён лидер, раҳбарни сайлаш тайёргарлигига муайян талаблар қўяди. Сайловчиларнинг лидер сайлашга ҳар томонлама тайёргалиги ҳақиқий лидерни вужудга келишига сабаб бўлади.

Ижтимоий психологияда лидер сайланиши ҳақида қатор назариялар мавжуд:

**1. Хусусиятлар назарияси.** (“ харизматик назария ”- немис тилидан олинган бўлиб, “ яхши шароит “ деган маънони билдиради). Бу назария лидернинг туғма сифатларига асосланади .Бу назарияга биноан лидерни унинг сифат, хислатларига асосланиб танлаш мумкин. 1940 йилда Америка социологлари лидерни аниқлаш учун 79 сифат, хислатлардан ташкил топган тестни яратди. Лидернинг сифатларига у инициативлик, муомалалик, хазилкашлик ҳисси, энтузиазм, ўзига ишониш, инсондўстлик кабиларни киритди. Лекин лидер танлашда фақат сифат, хислатлар ёрдам бермаслиги кейинчалик Р.Стогдилл ва Г.Отеннингс изланишларида аниқланди.

**2. Хусусиятлар назарияси ўрнига “ лидернинг ситуатив назарияси ”** вужудга келди. ( Ж.Пиаже, Е. Хартли ).

Бу назария аввалги назарияни бутунлай ташламади ва унинг муаян қисмига лидер ситуациянинг натижаси ҳақидаги таълимотни қўшди. Бунда лидерни танлаш учун уни гуруҳ томонидан сайланиб кўрсатилиши зарур.

Социолог Е.Хартли ўз тадқиқотлари натижасида нима учун айрим шахслар шарт - шароитларга қарамасдан лидерликка ҳаракат қиладилар ва

мақсадларига етадилар деган саволга жавоб бериш учун лидерликка сайланишнинг тўрт хил “ моделини “ яратди.

1. Агарда, таъкид этади Хартли, бирон шахс бир шароитда лидер бўлган бўлса, у бошқа шароитда ҳам лидер бўлиб сайланиши мумкин.
2. Стереотипларнинг таъсири натижасида бор шароитда гуруҳ томонидан “ умуман “ лидер танланади.
3. Шахс бир шароитда лидерликка эга бўлиб, ўз имиджи, авторитетига эга бўлади. Келажакда шу имидж, авторитет лидерни яна сайланишида ўз кучини кўрсатади.
4. Айрим шахслар “ лавозим қидирмоқни “ ёқтирадилар. Улар шундай ҳатти-харакат қиладиларки, уларга “ лавозимни берадилар “.

Европадаги давлатлар раҳбарларини сайлаш, тайинлашда бу тадқиқотлар натижаларидан кенг фойдаланиб, кўп экспериментлар ўтказилган ва гуруҳ динамикасидаги ( ривожланишидаги ) лидер ажралиши, тан олинishi, сайланишини ҳам социологик, ҳам психологик жиҳатдан асослаб берган. Аввалги икки йўналиш учинчи - **лидернинг тизимли назариясини** келиб чиқишига сабаб бўлдилар. Бу назариянинг кўрсатмасига кўра, лидерлик бу гуруҳдаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш жараёнидир. Лидер эса - бу жараёни бошқарадиган субъект ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан лидерлик бу гуруҳнинг функцияси ҳисобланади. Шунинг учун унинг тадқиқотини гуруҳ мақсади ва вазифалари нуқтаи назаридан бошлаш керак. Айни шу вақтда лидер шахси тузилишини ҳам ўрганишни эсдан чиқармаслик лозим.

## **2. Сиёсий лидер ва гуруҳдаги ўзаро муносабатлар**

Лидер сайлашда гуруҳнинг бошқа хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур. Масалан, гуруҳнинг вақт давомидаги функцияси. Бундай шароитда тизимли назария жуда кўп қулайликларга эга. Бу назария оддий лидерни сайлаш қонуниятларини ўрганади, тушунтириб беради. Раҳбарни танлашда ҳам у жуда кўп ёрдам беради. Ривожланган давлатларда раҳбар танлаш учун

энг кўп ишлатадиган валидликка эга восита - бу Ф.Фидлер томонидан яратилган натижавий раҳбарликнинг таввакалий моделидер. Россиялик тадқиқотчилар лидерни танланишини гуруҳдаги динамик жараёнлари билан боғлайдилар. Улар гуруҳий фаолиятнинг таркибида лидерлик феноменини тадқиқот этадилар. Бунда нафақат “ ситуатив “ шароитлар, балким шу билан бирга гуруҳий фаолиятнинг вазифалари ҳам катта роль ўйнайдилар. Бу шароитда айрим гуруҳ аъзолари гуруҳ олдида турган вазифаларни ҳал этишда ўз қобилиятларини намоён этадилар ва бу қобилиятлар гуруҳ томонидан қабул этилади. Шу билан лидер бошқа гуруҳ аъзоларига таъсирга эга бўлиб, ўз имиджига эга бўла бошлайди.

Ҳозирги вақтда россиялик тадқиқотчи Р.Л.Кричевскийнинг лидерни танлаш бўйича **қадриятлар алмашиши механизми** назарияси диққатни ўзига жалб этади. Ижтимоий психологияда бу механизмлар От.Хомакс, Д.Тибо, К.Келли томонидан кўриб чиқилган. Бунда лидерлик феноменини изоҳлаб бериш учун қадриятлар алмашиши ғояси ишлатилган. Бу тадқиқот гуруҳ аъзоларининг қадриятлар характеристикасини ўз ичига олади. Масалан, шахснинг қадриятга эга бўлган сифатларини. Бу назариянинг хулосасига кўра, гуруҳ аъзоларининг қадриятлари лидерни танлашда, унинг авторитет, имиджига алмаштирилади. Бу жараёнда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз қадриятларини лидер қадриятлари билан мужассамлаштиради, лидер шахсий сифатларида мотивациясига, интилишларида имконият топади. Шундай қилиб, гуруҳ қадриятларига кўпроқ тўғри келадиган шахс сифатлари, хислатлари, билим ва малакалари уни лидер сифатида гуруҳ томонидан сайлашга имкон яратади. Шунинг учун бу типдаги лидерлар кучли таъсир этиш имкониятига эгадирлар.

Инсоннинг лидерлик фаолияти унинг психологик сифат хислатлари билан чамбарчас боғлиқ. Биз бу маърузада лидернинг фаолиятида зарур бўлган айрим психологик жараёнлар, ҳолатлар ва сифатларни кўриб чиқамиз.

Ҳар бир инсон ўзининг сезги органлари орқали ташқи муҳитдан ахборот олади. Агар ўз кучи ва кўринишига эга қўзғатувчи бўлмаса, сезги ўз

функциясини бажармайди. Анализатор ишдан чиққан бўлса ҳам, сезги пайдо бўлмайди. Бизнинг сезгиларимиз, бу объектив борликнинг субъект томонидан акс этиш қобилиятидир. Сезгилар орқали биз предмет ва ҳодисаларнинг айрим хислатларини идрок этамиз. (таъм , хид, товуш, силлиқлик, ҳарорат, ва бошқалар).

Инсоннинг сезги органлари орқали ахборотни идрок этилади. Идрок сезгига нисбатан мураккаброқ психик жараёнدير, унинг давомида хотира таасуротлари ва тафаккур ҳам иштирок этади. Қўзғатгичларнинг турига ва анализаторга кўра кўйидаги сезгилар вужудга келадилар: кўриш, эшитиш, таъм, хид, ҳарорат, тактил, мускул ҳаракат, мувозанат ва дард сезгилари. Бу сезгилар ёрдамида лидер барча предмет ва ҳодисаларга хос бўлган хусусиятларини англаб, билиб олади ва ўрганади улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланади. Инсоннинг сезгиларини билиш жараёни жумласидан бўлиб, идрок, хотира, хаёл, тафаккур каби бошқа жараёнларни ахборот билан таъминлайди ва инсонни бу предмет ҳодиса, ҳолатларга нисбатан мулоқот ўрнатишига, улар билан маълум муносабатда бўлишига имкон яратади.

Сезги органлари, рецепторлари, анализаторлари нормал функцияга эга лидер ҳар бир нарса ҳаракатни тўғри ва онгли идрок этади ва у уларга нисбатан мақсадга мувофиқ иш тутаяди. Лидер ташқи муҳит ҳақидаги информацияни тўғри қабул этиши учун ундаги сезги турлари экстероцепторлар, интерорецепторлар яхши фаолият кўрсатиши лозим.

### ***? Лидерда қандай сифатлар шаклланган бўлиши керак?***

Лидернинг асосий сифатларидан бири унинг сезгирлигидир. Бу сифат орқали у ҳамма нарсадан вақтида беҳабар бўлади, бошқарув фаолиятида тез ва сифатли диагностик, прогностик ва коррекцион хулосалар чиқариб, муайян қарорга келади. Мамлакатимиз алломаси, буюк билимдон Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек, сезгилар кўз билан кўриш, қулоқ билан эшитиш, бурун билан ҳидлаш, тил билан татиш ва тери билан тегиб билишдан иборат бўлиб илм ва маърифат фақатгина ўшалар ёрдамида ҳосил

бўлади. Берунийнинг айтишича, сезгилар ўз кўзгатувчилари орқали кўзгалади. Агар улар меъёрида бўлса, ёқимли ва зарарсиз, ортиқ бўлса, зарарли ва ҳалокатга олиб келади.

Агар сезгилар орқали лидер нарса ҳодисаларнинг айрим томонлари баъзи хусусиятларини акс этса, идрок жараёнида у бу нарса ва ҳодисалар образини тўла акс этади.

Лидер фаолиятда фазони, вақтни, ҳаракатни тўғри идрок этиши катта аҳамиятга эга. Бу унинг керакли вақтда, керакли ҳаракатлар қилишини таъминлайди.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, агар лидер бажарувчиларга қанча яқин бўлса у шунча кўп кўриш сезгисини ишлатади. Бу визуал алоқа билан боғлиқ. Унинг бевосита алоқаларига бугунги шароитда (компьютер, телефон, телеалоқа ёрдамида) ҳам кўриш ҳам эшитиш сезгилари иштирок этадилар.

Лидер фаолиятига энг кўп таъсир этувчи психик жараёни бу унинг тафаккур этиш қобилиятидир. Истиқлол ҳар бир махсус янги тафаккур, янги маънавият, янги билимлар шаклланишида кўпдан кўп шароит яратди. Бу шароитлардан оқилона фойдаланиш, ўзининг билим, малака, сифат ҳислатларини жаҳон андозалари мезонларига асослаб қадриятли янгилаш, ривожлантириш лидернинг олдида қўйилган асосий мақсадларидандир.

Лидерликка тегишли бўлган тафаккурнинг бир хусусияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисалар ҳақидаги идрок, тасаввурларимиз сўзлар ёрдамида пайдо бўлади. Бу жараёнда абстракциялаш хусусияти ишга тушиб, инсонни янгиликлар яратишига сабаб бўлади. Бу психологик қонуниятга асосланган бошқарув фаолияти илмий асосланган, амалий аҳамиятга эга ва самарали бўлади.

Психофизиологик тадқиқотлар натижаси шундан далолат берадики, лидерлар тафаккури жараёнида анализ (тахлил) ва синтез (бирлаштириш) қобилияти кўп намоён бўлади.

**Лидерликда энг зарур бўлган психик жараёнлардан бири диққатдир.** Диққат бу инсон онгини бирон бир нарса ходисага қаратилишидир..Машхур педагог-психолог Ян Амос Каменский диққатни ёруғлик билан тенглаштиради. Унинг айтишича, диққат руҳий ҳаётимизнинг шундай ягона бир эшигидирки, онгимизга кирадиган ахборотнинг барчаси шу эшик орқали ўтиб киради.

Унинг диққати ҳамма вақт асосий мақсадга қаратилган бўлиб, шу билан бирга у ўз диққатини бутун фаолиятдаги тизимнинг ҳар бир бўлимларига қарата олиши ва ҳамма ўзгаришлардан хабардор бўлиб туриши лозим. Бу ҳолатда лидерга янги техник воситалар (телеахборот, телефон алоқаси, факс,компьютер хизмати ва бошқалар) ёрдам берадилар.

Юзага келган муаммоларга диққатнинг қаратилиши, ўрганиладиган суҳбат маънодорлигини аввалроқ кўриб чиқилиши, мажлисдан олдин кўриб чиқиладиган саволларни текшириши, лидер диққатлилигини, эътиборлигини талаб этади.

Лидер - бугунги янгиланиш, демократиялаш, бозор иқтисодиёти шароитида ишчи, ходимларнинг меҳнат, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини кучайтириш учун умумий ва махсус психологик ва педагогик билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиб, шулар асосида жамоа фаолиятини ташкил эта билиш қобилиятини ўзида онгли ривожлантириши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги лидернинг ташкилотчилик фаолиятида қўлланиладиган унинг бошқарувга тайёргарлигини негизларидан бирини ташкил этадиган восита махсус психологик билимлар мажмуи ҳисобланади. Кишиларнинг психикасига ва кайфиятига таъсир кўрсатишга асосланган психологик, педагогик ва социал - психолгик бошқариш воситалари катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир ишчи - ходимнинг ўз индивидуал хусусиятлари мавжуд. Лидер шуларни билиши ва улардан ишлаб чиқаришни бошқаришга оид кундалик ишида моҳирлик билан фойдаланиши керак.

### 3. Сиёсий жараёнда таъсир этишининг индивидуал услублари.

Лидернинг фаолиятида ишлатиладиган индивидуал услублардан асосийларини таъкидлаб ўтамиз:

1. Мақташ.
2. Рағбатлантириш.
3. Индивидуал суҳбат ўтказиш.
4. Шахсий ўрнаткиш.
5. Огоҳлантириш.
6. Жазолаш (ишдан бўшатиш).

Психологик таъсир бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир. Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади:

1. **Вербал таъсир** бу жараён давомида лидер сўзи ва нутқи орқали таъсир ўтказиши. Нутқ бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси сўзлар ҳисобланади. Лидер ўзининг ҳам монологик, ҳам диалогик нутқида сўзлар захирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, ишчиларга таъсир кўрсатишга ҳаракат этади.

2. **Паралингвистик таъсир** - бу уни нутқининг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи омилдир. Лидер нутқининг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляцияси, товушлари, тўхташлари, дудуқланиши, йўтали, нидолари бу воситаларни моҳирона ишлата билиши тингловчининг ички дунёсини, онги, тафаккури, ҳиссий туйғуларини қадриятлар билан бойитишини таъминлайди, улар меҳнатсеварлигини оширади, уларни рақобатбардош, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий фаоллигини оширади.

3. **Новербал таъсир** ( нутқсиз таъсир). Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир - бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари ( яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, понтомимика, қарашлар, бир - бирини бевосита хис қилишлар, ташқи қиёфалар киради. Лидер томонидан бу воситаларнинг



барчасини ишлатилиши мулоқот жараёнини янада кучайтиради, суҳбатда бўлганларнинг бир - бирини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Америкалик олим Меграбяннинг тадқиқотларига кўра биринчи мартаба бўлган суҳбатда таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплар 7%, паралингвистик омиллар 38%, новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан.

Лидернинг сайловчилар билан суҳбат олиб боришини самарадорлигини ошириш учун америкалик олим, нотик, психолог Дейл Карнеги сўзларини эсда тутиши лозим. Бу сўзлар: “ Яхши суҳбатдош - яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир “Немис файласуфи А.Шопенгауэрнинг айтишича “ одамларни ўзингиз тўғрингизда яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг “.

Лидер фаолиятида сайловчиларга таъсирни кучайтиришнинг воситаси бўлиб ижтимоий психологик тренинг ёрдам беради. ИПТ - бу мулоқот вақтида одамларни психологик жиҳатдан ҳозирлаш, уларда зарур коммуникатив малакаларни махсус дастурлар доирасида қисқа фурсатда шакллантириш воситасидир. Сайловолди компанияси вақтида катта аудитория олдида сўзлаш, мажлислар ўтказиш, жанжалли, конфликтли ҳолатларда ўзини тўғри тутиш малакалари ҳосил қилинади. Бундаги асосий нарсаси - таъсир қилинувчини тушуниш, ўзини ўзга ўрнига қўя олиш, бошқалар мафаатлари билан ўзиникини уйғунлаштириши олиш ғоя бўлади.

### ***? Лидер билан сайловчилар ўртасидаги мулоқотнинг қандай шакллари мавжуд?***

Лидер ва сайловчилар ўртасидаги мулоқот кўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Бугунги янгланиш, мустақиллик шароитида мулоқотнинг бир неча шакллари мавжуд. Шулардан энг асосий, учрайдиганларини кўриб чиқамиз:

**1. Авторитар йўналишдаги мулоқот.** Бу жараёнда лидернинг роли, моҳияти ниҳоятда кучайтирилган бўлади. Ҳамма муаммоларни у ўзи яқка ечишга

харакат қилади. Бошқалар фикри уни қизиқтирмайди. У жуда талабчан, бу эса ҳамкасбларнинг мустақиллиги ва ижодий ёндашувиغا халал беради. Авторитар таъсир натижасида лидер ишчини доим қўрқитади, унга нисбатан дағал муносабатда бўлади. Бу типдаги лидер ҳеч қачон тушунтириш ва ишонтириш воситаларидан фойдаланмайди.

**2. Либерал таъсир услублари.** Бу типдаги лидер ҳамкасбларнинг иши билан қизиқмайди. Ишчилар қандай хоҳласа шундай ишлайди. Ташкилотчи - либерал ишчиларнинг маъсулиятини сусайтиради ҳамда иш тартибини бўшатиб юборади, натижада маҳсулот сифати ва самараси зарар кўради.

**3. Демократик мулоқот.** Бу жараёнда ташкилотчи асосий муаммоларни ечишда ҳамкасбларни бор кучи, ақли, идроки ва иродасини ишга солади. У қарор қабул қилишда ҳам бошқалар фикрини, маслаҳатини ишлатади. Бу типдаги бошқарувда ўзаро ҳурмат -иззат, мустақил фикрлаш, мақсадга эришиш учун бир ёқадан ёндошиш, бир - бирига ёрдам, танқид ва ўз - ўзини танқид ҳукмрон бўлади. Демократик лидерлик услуби мустақиллик талабларига тўла жавоб бера олади. У бутун жамоанинг ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг иштирок этишни таъминлайди. Бунда энг муҳим қарорлар жамоавий ҳолатда қабул қилинади. Жамоавий муҳокама қилиш ва мувофиқлаштириш шаклларида, жамоавий текширув услубидан кенг фойдаланилади. Иш услубида лидернинг ўз қўл остида ишловчи ходимлар билан ўзаро муносабати, инсонлар билан ишлаш лаёқати муҳим роль ўйнайди. Унинг ҳурмати, обрўси, раҳбарлигининг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан унинг ўз ходимлари билан қандай муносабатларда бўлишига, ўзини қандай тутишига, кўрсатмаларни қандай формада беришига боғлиқ.

#### **4. Сиёсий психологияда лидер имиджи.**

##### ***? Имидж деганда нимани тушунамиз?***

Лидер ҳақидаги гуруҳий, оммавий тасаввур, фикр, образни бошқариш психологияда **имидж** тушунчасига шундай таъриф берилади. “ Бирон бир конкрет шахсга нисбатан жамоа , гуруҳнинг фикри, гуруҳ ва жамоа

томонидан бу шахснинг баҳоланиши, кадрланиши уларнинг бу шахсга бўлган муносабатлари шу шахснинг имиджини келиб чиқишига сабаб бўлади. Конкрет инсон ҳақидаги бошқа инсонлар фикри асосида имидж шаклланади. Бирон бир раҳбар ёки оддий инсон ҳақидаги гуруҳ ва жамоанинг шаклланган фикри унинг имиджини вужудга келтиради.

Шахс имиджига унинг билимлилиги, малака, кўникмалари, ижтимоий, сиёсий йўналганлиги, ишбилармонлиги, инсонпарварлиги, меҳнатсеварлиги, ҳақиқатгўйлиги, принципиаллиги, пок виждонлиги каби сифат хислатлари кучли таъсир этади . Ота - она, ҳоким, суд, прокурор, ҳарбий хизматчи, милиция ходими, мактаб директори ва бошқалар ҳам ўз имиджига эга.

Психологик қонуниятларга асосан фирма, ташкилот, муассасанинг имиджи лидер шахсининг имиджи билан боғлиқ. Лидернинг имиджи эса фирма ва ташкилотларнинг имиджи билан чамбарчас боғланган. Лидер имиджини илмий, амалий ўрганиб, бу сифатни лидер индивидуаллигида шакллантирадиган мутахассис - имиджмейкери шакллантиради. Психологик қонуниятларга кўра лидер ҳақидаги ижобий сифат, хислат, билим, малакалар ишчи - ходим, жамоа ва гуруҳ онгида ижобий таъсир ўтказди. Ижобий таъсир кучли эмоционал ҳолатда ўтади. Ижобий эмоциялар қониқиш ва ишонч ҳис - туйғуси билан суғорилиб, жамоани лидерга нисбатан ҳатти - ҳаракати, муносабатини вужудга келтириб, лидерга, раҳбарга яқинлашишига сабаб бўлади. Агарда жамоа лидернинг фаолияти, ҳаракати, билимлари, малакаларидан салбий эмоционал ҳолатга тушса, бу пайтда у лидердан ўзини олиб қочишга, ундан узоқлашишга ҳаракат этади. Бу психологик қонуниятлар асосида гуруҳ, жамоанинг лидерга нисбатан установакани шаклланади. Уларнинг установакалари асосида сизга нисбатан бўладиган муносабати ва фикри вужудга келади. Керакли установакани ходимларга, жамоага раҳбар бериши мақсадга мувофиқдир. Жамоа эса установака замирида лидер ҳақида фикр юритиб у билан муайян муносабатда бўлади.

### *? Имиджмейкер қандай вазифани бажаради?*

Бу мақсадни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳозирги замон лидерига психологик мутахассис, имиджмейкер лозимлигини ҳаёт тамойили тақозо этади. Имиджмейкер лидернинг миқозини муаян, илмий асосланган тестлар асосида объектив ҳолатда аниқлаб беради, ундаги экстровертлик (ичидагини ташқарига чиқара олиш қобилияти), интровертликни (ичидагини ташқарига чиқара олмаслик қобилияти), ундаги вербал (нутқий) иктидорлик коэффicientини ривожланганлиги даражасини, фрустрацион ҳолатларда унинг реакциясини, характериологик сифатлари, иродавий хислатларини аниқлайди ва керакли кўрсатмалар беради. Мутахассис лидернинг онгсиз ҳолатда бўлиб ўтадиган жараёнларини ва унинг одатлари, малака, кўникмаларини ҳам психологик жиҳатдан ҳар томонлама таҳлил этиб керакли хулосалар чиқаради.

Мустақиллик шарофати туфайли жамиятимизда янги типдаги муомала тамойили - демократик муносабатлар барқарор бўлди ва ҳар бир инсон ҳақидаги бошқа инсоннинг объектив, мустақил фикр юрита олишига имкон яратилди, мустақил фикр юритадиган одамларнинг тақибига чек қўйилди. Бу жамиятимизнинг қадриятини ривож топишидан дарак беради.

Тадқиқотларга кўра бизлар ўзимизнинг хатти- ҳаракатларимизнинг 80% ни онгсиз ҳолатда бажарамиз. Масалан: велосипед, машинани ҳайдаган, телефон қилган пайтларида. Велосипед ҳайдашда мувозанатни сақлаш, диққатни бўлиниши ва барқарорлиги, машина ҳайдаётганда, қўл, оёқлар ҳаракатининг автоматлашиб малакага айланганлиги ва ҳоказолар. Инсоннинг бу ҳолати “автопилот” ишига ўхшайди. Бу жараёнда онг дам олади, ё бошқа муаммолар билан банд бўлади. Шунинг учун айрим вақтларда онгдан ташқари ҳолатларда қарор қабул этамиз ва уни бажарамиз. Бу ҳолатдаги биологик инстинктив фактор сифатида “хавфсираш хусусиёти ва ҳимояланиш хусусияти” ишга киришади.

Лидернинг умумий имиджи, унинг кичик имиджлари негизида ўсади.

Уларни қуйигича таснифлаш мумкин:

1. **“Муҳит имиджи”** - раҳбарнинг уйи, иш хонаси, автомашинаси кабилар асосида шаклланади.

2. **“Гобитар имиджи”** (лотин тилида *bi abitus*- ташқи қиёфа)- шахснинг ташқи қиёфаси- унинг костюми, макияжи, сочининг кўриниши, узуги ва браслети, чекаётган сигаретаси, галстуги ва бошқалар асосида шаклланади.

3. **“Предметлаштирилган имиджи”** лидернинг ташкилотчилик фаолияти натижаси ва ташкилот чиқараётган маҳсулотлар асосида- ривожланади.

4. **“Вербал имидж”** - нутқ фаолиятига кўра унинг нима ҳақида ва қандай сўзлаша олиши, ёзиши натижасида ўса боради.

5. **“Кинетик имиджи”** - новербал нутқи, нутқ жараёнида қўл оёқ ҳаракатлари, мимикаси асосида шаклланади. Ҳақиқий лидер доим ўз имиджини динамикасини эсда тутиб, уни ўрганиб туғри, керакли, ижобий томонга ривожлантиришга онгли равишда шуғулланиши лозим, агарда имиджини салбийлашуви вужудга келса, унинг сабабларини объектив диагностикалаб зарурий чора тадбир, оператив коррекцион ишлар олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

### ***? Лидер ўз-ўзини тарбиялаши мумкинми?***

Лидернинг ўз-ўзини тарбиялаш омиллари ва механизмларига қуйидагилар киради:

1. Ўз-ўзи билан мулоқотда бўлиш (ўзини конкрет тарбия объекти сифатида идрок этиш ва ўзи билан мулоқотни ташкил этиш сифатида);

2. Ўз-ўзини ишонтиришлар (ўз имкониятлари, кучи ва иродасига ишониш орқали, ижобий хулқ нормаларига буйсиндириш);

3. Ўз-ўзига буйруқ бериш (тиғиз ва экстремал ҳолатларда ўзини қўлга олиш ва мақбул йўлга ўзини чорлай олиш сифатида);

4. Ўз-ўзига таъсир ёки аутосуггестия (ижтимоий нормалардан келиб чиққан ҳолда ўзида маъқул, қадриятли установакаларни шакллантира олиш сифатида);

5. Ички интизом - ўз-ўзининг бошқаришнинг муҳим мезони ҳар доим ҳар ерда ўзининг барча ҳаракатларини мунтазам равишда коррекция қилиш ва бошқариш учун зарур сифатдир.

Айтиб ўтилган ўз-ўзини бошқариш механизмлари орасида психологик нуқтаи назаридан ўз-ўзи билан амалга ошириладиган **ички диалог** алоҳида ўрин тутди. Бу оддий қилиб айтганда, инсоннинг ўзи билан гаплашишдир.

Аслида бу қобилият бизнинг бошқалар билан амалга оширадиган ташқи диалогларимиз асосида ривожланади, лекин айнан ички диалог регулятив роль ўйнайди.

Фақатгина ўз-ўзига объектив баҳо бера оладиган шахс, ўзининг индивидуаллигини тўғри тушунади, ўз-ўзини тўғри назорат этади, ижобий муносабат ўрнатиб, мулоқотга интилади ва ўз-ўзини тўғри мақсадга мувофиқ тарбиялай олади. Бунда бўлажак раҳбарга унинг психологик билимлари (психика ва онг ҳақида, психик ҳолатлар ва жараёнлар ҳақида, шахснинг индивидуал - типологик сифатлари ҳақида ва бошқалар), малака ва кўникмалари восита сифатида ёрдам беради.

#### ***Назорат саволлари:***

1. Сиёсий лидер ва гуруҳдаги ўзаро муносабатлар деганда нимани тушунаминиз?
2. Сиёсий психологияда лидернинг психологик хусусиятлари нималардан иборат?
3. Сиёсий жараёнда таъсир этишнинг индивидуал услубларини кўрсатиб беринг?
4. Сиёсий психологияда лидер имиджи қандай роль ўйнайди?

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда.- Т; “Ўзбекистон” нашр. 1999. 48 бет.
2. Каримов И. А. Баркамол авлод – “Ўзбекистон” нашр. тараққиётининг пойдевори.- Т; 1998, - 64 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., 1998.
4. Берон Э. Игры в которые играют люди. М. «Совершенство», 1999
5. Гозман Л.Я., Шестопап Е.Б. Политическая психология. Ростов на Д. «Феникс», 1996.
6. Лебом Г. Психология народов и масс. СПб. «Макет», 1995.
7. Стефаненко Т., Этнопсихология. М. Академический проект. 1999
8. Мерлин В.С. Структура личности. Характер, способности, самосознание. - Пермь, 1990.
9. Разумовский В.Г. Развитие творческих способностей учащихся. - М., 1975.
10. Ганиев Э. Олий мактаб психологияси. -Т., “Ўқитувчи” нашр. 1997.
11. Мерлин В.С. Очерк индивидуального исследования индивидуальности. - М. 1986.
12. Практическая психодиагностика. Методика и тесты. - М., 1999.
13. Немов Р.С. Психология. - В 2-х кн.1.-М., 1998.
14. Психология. Учебник. -Под ред. А. Кралова. -М., 1998.
15. Андреева Г. М. Социальная психология. Учебник .- М. Аспект пресс, 1999-367 б.
16. Каримова В.М. ва бошқалар. Мустақил фикрлаш-Т;1999, 376 бет. Шарқ. 2000, 112 бет.
17. Каримова В.М. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик техникаси (услугий тавсиялар) -Т.; 2000. 18бет.
18. Майерс Д. Социальная психология (перев. с англ, -СПБ “Питер”, 1999 йил -688 бет.)

19. Методы эффективного обучения взрослых. Учебно-методические пособие. (Авт. коллектив). -М. - Берлин: 1998-124 с.
20. Макшанов С.И. Хрящева Н.Ю. Психогимнастика в тренинге. -часть 2. СПб, 1993.
21. Практическая психодиагностика. Методики и тесты. -М.: 1999.
22. Дьюи Д. Психология и педагогика мышления. -М.: 1998.
23. Панасюк А.Ю. Вам нужен имеджмейкер? -М.: "Дело", 1998.